

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИКТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



Ҳ.Ҳамидов, И.Шодмонқулов,
Ф.Эрназаров

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

фанидан талабалар мустақил ишини
ташкил этиш юзасидан услубий қўлланма

Тошкент – 2007



5,5

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОДИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси

*Ҳожиакбар Ҳамидов
Исмоил Шодмонқулов
Файзулло Эрназаров*

«Ўзбекистон тарихи»

*фанидан талабалар мустақил ишини
ташкил этиш юзасидан услубий қўлланма*

Тошкент – 2007

Ушбу услубий қўлланма «Ўзбекистон тарихи»нинг айрим мавзулари бўйича мустақил иш тайёрлашнинг ўзига хос услуг ва йўналишларини ёритишга багишлиган бўлиб, унда талабалар бу ишни бажаришда асосан қайси жиҳатларга ўз эътибори ва диққатларини қаратишлари зарурлиги тұғрисида тавсия ва маслаҳатлар берилган. Айни вақтда қўлланмада талабаларнинг мустақил иш тайёрлаш жараёнларида эътибор берилгани керак бўлган сўнгги давр талаб ва эҳтиёжларини ҳам кўрсатиш алоҳида назарда тутилган.

Услубий қўлланма профессор – ўқитувчилар ва талабаларга мўлжалланган.

Услубий қўлланма ТДИУ «Ўқув – услубий» кенгашининг 2007 йил 17 январда бўлиб ўтган йиғилишида мухокама килинган ва нашрга тавсия этилган (13 – сонли баённома).

Масъул муҳаррир: т.ф.д., проф. Қ.Эргашев

Тузувчилар:
проф. Ҳ.Ҳамидов
доц., т.ф.н. И.Шодмонқулов
т.ф.н. Ф.Эрназаров

Тақризчилар:
т.ф.д., проф. Қ.Усмонов
т.ф.н. доц. Н.Эргашев

Муқаддима

Талабаларнинг мустақил иш тайёрлашларини ташкил этишга бағишиланган ушбу услубий қўлланма Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Maxsus Таълим Вазирлигининг 2005 йил 21 феврал 34-сонли буйргуни билан тасдиқланган «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида Намунавий Низом»и талаблари асосида тайёрланди.

Барчага аёнки, талабаларни мустақил иш тайёрлашга ўргатиш услуби ҳамма босқичдаги ўқув масканлари ўқитиш жараёнлари, жумладан, «Ўзбекистон тарихи»ни ўқитиш, ўргатиш ҳамда талабалар билимини ошириш, уларнинг дунёқарашини юксалтириш, қолаверса, мустақил ижодий ишлашга ўргатишида муҳим восита бўлиб, маъруза машғулоти ва амалий машғулотлардан сўнг III ўринда туради. Ушбу услубий қўлланма ҳам ана шу нуқтани назардан тайёрланди.

Қўлланмада Ватанимиз тарихига доир мавзуларнинг айримлари бўйича мустақил иш тайёрлашни ташкил қилиш масалалари хақида зарур тавсиялар, услубий маслаҳатлар баён этилади. Мустақил ишини назорат қилиш ва баҳолаш илмий Раҳбарни, яъни, ўша фан педагогининг тўғридан – тўғри вазифаси бўлгани учун масаланинг бу қисмини ёритишни ўз вазифамиз, деб билмадик.

Услубий құлланмада талабалар тайёрлаши мүмкін бұлған мавзуулардан намуналар берилар экан, ҳар бир мавзу бүйінча, аввало, тахминнй режа, уни тайёрлашда талаба фойдаланиши мүмкін бұлған аввалғи ва сүнгги йилларда нашр этилған адабиётлар ва мәнбалар рүйхати, қолаверса, режадаги ҳар бир масала ечимини ёритищда қайси холаттар ҳамда воқеаларға күпроқ ургу бериш зарурлығи каби услубий күрсатмалар ва йұналишлар баён этилди.

Шунингдек, услубий құлланмада күрсатылған мавзууларға тегишли ҳар бир саволға талабаларға ёрдам сифатида қисқача баъзи маълумотларни беришни жоиз, деб топдик. Құлланмага муаллифлар томонидан аввалғи йилларда нашр қилинған ушбу масаладаги мавзуулар ҳам киритилди ва улар ҳам сүнгги йилларда нашр қилинған адабиётлар, мақолалар материаллари ҳамда янги адабиётлар рүйхати билан тұлдирилди.

Ушбу услубий құлланма «Ўзбекистон тарихи»дан мустақил иш тайёрлашда нафақат талабаларға, балки бу ишни ташкил қилиб назорат қыладыған педагогларға ҳам фойда берииш мүмкін.

Илова

Мустақил иш тайёрлашда талабалар олдиғаги вазифалар
құйыдагилардир:

— берилған мавзуга доир билемларни мустақил тарзда
пухта үзлаштириш:

— кераклы мағлұмотларни излаб топиш учун қулай усул
ва воситаларни анықлада олиш:

— ахборот манбалари ва манзилларидан самарали
фойдаланиш:

— анъянавий үқув ва илмий адабиётлар ҳамда меъерий
хужжатлар билан ишлаш:

— электрон үқув, илмий адабиётлар ва мағлұмоттар
масканида изланиш:

— интернет тармоғынан мавзуга доир материалдардан
фойдаланиш:

— берилған топшириқнинг оқилона ечимини анықлаш:

— мағлұмотлар базасини таҳлил этиш:

— топшириқни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш:

— тайёрланған ишни үқитувчи ва талабалар даврасыда
химоя қилиш:

— бошқа талабаларда ҳам үқув, илмий—тадқиқот ва
амалий ишлар бүйіча мустақил күнікмаларни шакллантириңде
күмаклашиш:

— талаба шахсини барқамол ривожлантиришда мустақил иш
тайёрлашынан ахамиятпен түшүтиб этиш:

I Мустақил иш мавзуси:
«Ўзбекистон тарихи» фани, манбалари, назарий – услубий
асослари ва уни ўрганишнинг аҳамияти

Ўзбек халқи, аждодларимизнинг асрий орзу – ниятлари бўлмиш миллий истиқолга зришувимиз барча жабҳаларда мустақил яшашга, меҳнат қилишга, ижод билан шугулланишга беқиёс имкониятлар яратди. Лекин тарихимизга назар ташласак, бу бебаҳо неъмат минглаб инсонларнинг бу йулда жонларини тикиши эвазига рўй берганига янада ишонч хосил қиласиз. Бу дегани, демак, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси мустақиллик неъматини авайлаб – асрasha, мустақамлашта ҳамда уни қушни мамлакатлар орасида обру – зътиборини оширишга астойдил хисса қўшиб бориши керак.

Истиқол берган кўпгина неъматлар қаторида илм – фан соҳасида, хусусан, юртимиз, ўлкамиз тарихини астойдил, ҳолисона, синчиклаб ўрганиш соҳасида, уни халқимизнинг барча қатламлари, жумладан, келажагимиз бўлмиш талаба ёшлар зътиборига кенг ҳавола қилиш имкониятлари ҳам вужудга келди. Шунингдек, Шўролар даврида тарихимизнинг сохталаштирилган, бузиб талқин қилинган қирраларининг хақиқий томонларини ёритиш шаронитлари ҳам пайдо бўлди. Мустақиллик йилларида ушбу йўналишда талайгина ижобий ишлар амалга оширилиши билан бирга, ҳали бу соҳада амалга оширилиши лозим булган вазифалар ҳам кўп. Халқимиз дунёкарашида миллий узликини англаш, миллий оиг, фахр-гурур тушунчаларини шакллантиришда тарихимизни ўрганишнинг аҳамияти чексиз.

Шу туфайли, хусусан, талаба ёшларимизга тарихини ўқитиши, ўрганишнинг муҳим томонларидан бири – мустақил иш

тайёрлаш вазифаси берилар экан, қуйида биз «Ўзбекистон тарихи» фани, манбалари, назарий—услубий асослари ва уни ўрганишнинг аҳамияти» мавзусида мустақил иш тайёрлашнинг айрим йўл—йўриқларини баён этишга харакат қилдик. Ишни қуийдаги режа асосида тайёрлашни тавсия этамиз:

Режа:

I. Кириш:

II. Асосий қисм:

1. Ўзбекистон тарихи – фан сифатида. Уни даврлаштириш.
2. Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг назарий – услубий ва манбавий асослари.
3. Баркамол авлодни шакллантиришда тарихимизни ўрганишнинг аҳамияти.

III. Хуласа.

Фойдаланилган адабиётлар.

Мустақил иш тайёрлашга киришилар экан, талаба ушбу услубий қўлланманинг муқаддимасида берилган талабалар вазифалари билан, албатта, танишиб чиқишилари керак, деб хисоблаймиз. Талаба мавзуга доир барча мўлжалланган маълумотларни тўплагандан сўнггина ишга киришгани маъқул. Бу ишни илк бора бажараётган талаба турли қийинчиллик ва муаммоларга дуч келиши мумкин. Бундай холатда ўз илмий Раҳбарининг маслаҳат ва йўл – йўриқларидан ҳам фойдаланашишини тавсия этамиз.

Шунингдек, талаба иш баёни давомида қайси адабиет ва манбалардаги қайси маълумотлардан фойдаланадиган бўлса,

варақнинг пастки қисмида, ўша манбадан күчирма (иқтибос) келтирса, тайёрлаётган мустақил иш янада ишончлироқ бўлади.

Ушбу мустақил ишни тайёрлашда талабага қулланма муқаддимасида тавсия этилган электрон ўқув, интернет тармоғи кабилардан ташқари қуийдаги адабиётлардан ҳам фойдаланишларини таклиф этамиз.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т. «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдири. – Т. «Ўзбекистон», 2005.
3. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т. «Ўзбекистон», 2005.
4. Каримов И.А. «Инсон, унинг хуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият». Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллиги тантанасидаги нутқ. 2005 й. 8 декабр. «Халқ сўзи» газетаси.
5. Каримов Ш. Шамсуддинов Р. Ватан тарихи 1 жилд. – Т. «Ўқитувчи», 1997.
6. Асқаров А. Ўзбекистон тарихи (энг қадимги даврлардан зрамизнинг V асригача) – Т. «Ўқитувчи», 1994
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т. «Ўзбекистон», 1992.
8. Эргашев Қ. У. Ўзбекистонда халқ таълим мининг ривожи тарихи. – Т. «Ўқитувчи», 1998.

9. Эргашев Қ.У. Ўзбекистон тарихидан матьзуза ўтиш буйнча услубий қулланма. – Т.: ТДИУ, 2 жилд. 2005.

10. Ўзбекистон тарихи. (проф. Р.Х.Муртазаева таҳрири остида) – Т. Университет, 2003.

11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: «Шарқ» давлат илмий нашриёти, 10 жилд. 2005.

Мўлжалланган режанинг кириш қисмига доир фикрлар баёнида талаба, аввало, «Ўзбекистон тарихи» фани ўқитилиши жараёнининг Шўролар давридаги аҳволига, уни ўқитишнинг чекланганлик томонларига доир маълумотлар беришини тавсия этамиз. Чунки, ўша даврларда ҳукм сурган руслаштириш сиёсати таркибий қисми бўлмиш – маданиятимизнинг, илм – фаннинг ва бошқа барча жабҳаларнинг тарихини ўқитиш ҳам турли усувлар ва йўллар, сохта шиорлар билан тор доирада амалга оширилганининг ҳам баён этилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, бу ҳолат мустақиллик йилларида тарихимизга муносабатдаги ижобий ўзгаришлар билан қиёслаш учун ҳам зарурдир. Шунингдек, кириш қисмида талаба мустақилликка эришганимиздан сўнг ҳам Ватанимиз тарихини ўқишини кенг миқёсда ўқитиш масаласига аввалги тузум руҳида бўлган айrim миллии олимларнинг маълум даражада қарши бўлганинг ҳамда улар тарихимизни жаҳон халқлари тарихи таркибида ўқитиш керак, деган турли ноилгор фикрлари хақида ҳам тўхталиб ўтса мақсадга мувофиқ бўлади.

Кириш қисмининг сўнггида тарихимизни янада кенг, ҳолисона, синчиклаб ўрганиш ва уни халқимиз, фарзандларимиз ётиборига кераклича, тўлиқ хавола этиш мустақиллик туфайлигини амалга ошиганлигини алоҳида таъкидлаб ўтилишини тавсия этамиз.

Режанинг асосий қисмидаги 1 масалага доир маълумотларни ёритиб беришда талаба, аввало, тарих сузинини маъноси – мазмуни хақида, шунингдек, тарихни ўрганишини инсон ҳаётидаги ўрни хақида зарур фикрларни баён этиши керак булади. Талаба ҳар бир миллат, жумладан, Ўзбекистонда яшовчи халқлар, хусусан, ўзбек миллати ҳам ўз келиб чиқиш тарихига эга эканлиги, қолаверса, ҳозирги ҳаёт, ундаги барча турдаги жараёнлар ўтмишида, тарихда ўтган аждодлар ҳаётидаги жараёнларнинг бевосита давоми эканлиги хақида кенгроқ тўхталиб ўтса ишнинг мазмунни ортади. Сўнгра «Ўзбекистон тарихи»ни алоҳида, мустақил фан эканлигини асослаш учун керак фикрларни, яъни, бу фан нимани ўргатади, бу ўрганишининг таркибида қандай воқеалар баёни ётади, юртимиз ўтмишида қандай даражадаги инсонлар яшаб ўтган, улар келажак авлод учун қайдай ишлар килгян, қандай мерос қолдирганилиги хақидағи фикрларни, қолаверса, аждодларимиз ўз бошидан қай даражадаги босқинлар, уруш жараёнларини кечиргани хақидағи маълумотларни ҳам кенгроқ миқёсда келтириши керак.

Ушбу масалани ёритишда талаба инсоннинг киңидик қони тўқилаган худудни, яъни, ўзи туғиғлан Ватанини унинг учун ишоятда муқаддас, азизлиги ва бошқа талайгина шу ҳақдаги хусусиятлар ҳақидағи маълумотларни ҳам берса иш янада аҳамиятли чиқади. Хусусан, ушбу фикрлар баёнида Президент И.А.Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асаридан қолаверса, яна бошқа ўтмиш мутафаккирларнинг Ватан таърифи ҳақидағи фикрларидан кучирма келтириши тавсия этилади. Талаба режанинг ушбу масаласини ёритар экан-

«Ўзбекистон тарихи» фанини кенг урганиш, ушбу соҳадаги аввал маълум бўлмаган ёки эълон қилинишига рухсат берилмаган маълумот ва манбалар устида кенг миқёсда олиб борилаётган илмий – тадқиқот ишлари, изланишлар ва бу фан юртимизда барча босқичдаги уқув юртларида, яъни, оддий мактабдан то олий академияларгача босқичда ўқитилишин, асосан, мустақиллигимиз даврида йўлга кўйилганлиги хақида ҳам алоҳида тұхталиб ўтиши керак бўлади.

Шу фикрлар баёнидан сунг талаба «Ўзбекистон тарихи» фанини урганиш жараёнида, асосан, қайси даврларга бўлиб урганилиши хақидаги маълумотни бериши керак бўлади. Бу уринда талабага муаллифлар Ш.Каримов ва Р.Шамсуддиновлар нашр эттирган «Ватан тарихи» китобининг (дарслик) I жилди 10 – бетдаги маълумотдан фойдаланишини маслаҳат берамиз.

Юқоридаги барча маълумотлар баёнидан сунг талаба биринчи масалага хulosавий фикрлар билан якун ясаши мумкин ва режанинг иккинчи масаласини ёритишга ўтиши лозим.

Режадаги II масалада, асосан, талаба Ўзбекистон тарихини ўқитишни назарий – услубий ҳамда манбавий асосларига доир маълумотлар билан синчиклаб танишиб, ўзи чуқур тушунган ҳолда, баён этишга киришади. Шуни таъкиддаш жоизки, Шўролар даврида тарихимизни ўқитишда ҳукмрон комфирқа таъсири ва тазиёки, назорати остида ўқитиш ҳолати ҳукм сурган. Қолаверса, Ўрта Осиё жумхуриятлари, хусусан, Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишга жуда кам зътибор ва соатлар ажратилиши билан бирга утмишимизнинг Кўпгина тарихий жараёнлари бузиб кўрсатилиб, ноҳолис

талқин қилиб келингандай Талаба ана шу фикрларни бир оз мисоллар билан кенгайтириб баён этиб берса, мустақил иш янада мазмунли булади. Масалан: Хонликлар давридаги ўзига хос юксалишлар, чоризмнинг Ўрта Осиёни зўравонлик босқинчиллик асосида босиб олиши, «Босмачилик» харакатларни таърифи хақидаги сохталашибирлган жараёнларни қисқача ёритиш мумкин. Сўнг талаба мустақиллик даврида тарихимизнинг қандай назарий йўналишща ўқитилаёттани хақида, шунингдек, "Ўзбекистон тарихи"ни ўқитишнинг қаси усуллари қўлланилаётгани хақидаги тушунчаларни ёритиб бериши лозим.

Сўнгра талаба тарихимизни ўқитиша асосий, муҳим манбалар хақидаги маълумотларни баён этишга киришар экан, аввало, шўролар даврида бу масалада қандай холат ҳуқмрон эди. Қайси манбалар у даврда асос қилиб олингандай эди ва мустақиллик йилларида қандай манбаларга суюниб ўқитилаёттанинг түлиқ ёритиб беришга эътибор бериши зарур. Масалан: Мустақиллик йилларида, энг аввало, муҳим майба – «Авесто» муқаддас китоби, сўнгра мутафаккир аждодларимиз яратиб кетган бебаҳо маънавий – моддий меросларнинг қиммати, аҳамияти хақида маълумот беришдан бошлаган маъқул, деб хисоблаймиз. Сўнгра кейинги зарур бўлган манбалар хақида албатта тұхталиб ўтиш керак.

Режанинг III масаласиниң ёргигашда талаба янада алоҳида зътибор берадиган томонларидан бирин шуки, аввало, у тарихимизни ўрганишини инсон ҳаётида, умуман, кундалик турмушнинг барча жабҳаларида қандай ибратлі, тарбиявии, илмий аҳамияти борлигини, хусусан, ёшлар тарбиясида, уларни келажакда ҳар томонлама етүк, мукаммал инсон бўлиб

етишишида, ота – онага, Ватанига, элига астойдил, фидоний хөзмөт қиласынан, барча инсоний, зэгү фазилатларни үзида мүжассам қиласынан даражада бўлишида қандай аҳамиятга эга эъканлигини, аввало, үзи чуқур үзлаштириб, үзида хис қила олиши, сунгра эса уни баён этишига киришиши керак, деб хисоблаймиз. Чунки, айниқса, ўтмишда минг – минглаб берилган қурбонлар звазига қўлга киритилган мустақиллигимизни, ушбу мустақил давлатни келажаги, истиқболи, албатта, ана шу баркамол етук инсонлар қўлида бўлиши ва унинг тақдирини фәқат шулар ҳал қилиши аниқлиги барчамизга аён экан, талаба ушбу ҳолатларга ниҳоятда жиiddий ёндашиб, уни маҳорат билан ёритиб бериши шарт, деб хисоблаймиз.

Юқоридагилар баёнидан сунг режанинг асосий қисми масалалари тутаган, деб хисоблаш мумкин. Сунг талаба ишнинг ҳуоса қисмida ҳар уччала масаланинг туб моҳият – мақсадларини ёқисқача умумлаштирилган фикрлар билан ишга якун ясашни керак. Мустақил ишни қўйилгани талаблар асосида тайёрлаган талаба уни, аввало, қўлёзма шаклида ўз илмий раҳбари назаридан утказиб олишини ҳам тавсия этамиз ва бу эса ишнинг янада пишиқроқ бўлишига омил бўлади. Шуни эслатиб ўтамиз – ки, мустақил иш якунлангандан сунг талаба ушбу ишни тайёрлашда фойдаланилган манба за адабиётлар гўйхатини алоҳида, сунгти варақда кўрсатишни керак.

II Мустақил иш мавзуси:

«Авесто» муқаддас китоби – мұхым тарихий манба

Ер юзиңдеги энг қадимий динлардан бири Зардуштийлик (яни, оташпаратлық, зороастризм) дини қисбланади. Унинг муқаддас китоби номи «Авесто» булиб, лугавий маңында «Асосий матн» ёки «Қонунлар китоби» демекдир. Ана шу қимматли манбадаги маълумотлар ҳам Ўзбекистон ҳудудида яшаб үтган халқлар дүнёning энг қадимги халқлардан бири эканлигини исботлайди. Бу китобда Марказий Осиё, жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган барча туркий халқлар, форсий, озарбайжон, афғон ва бошқа халқларнинг қадимий даврлардаги ижтимоий – иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам түгрисидаги тасаввурлари, урф – одат ва расм – русумлари, маънавий маданиятлари ўз аксини топганки, шу туғайли ҳам ушбу манба нафақат тарих фани учун, балки ұлкашунослик, география, адабиёт тарихи фанлари учун ҳам ниҳоятда қимматли қисбланади.

Ушбу мавзу бүйіча мустақил иш тайёрлаш керак бўлган талабага биз қўйидағи иш режасини таклиф қиласиз. Талаба, унинг саволларини, жумлаларини ўзгартериш ҳуқуқига эга ва жавоблар ҳам шу ўзгартиришларга мос келиши кераклигини унутмасин.

Режа:

1. Қадимги Хоразм – «Авесто» ватани. Зардуштийлик дини пайдо бўлган ҳудуд хақида мунозаралар.
2. «Авесто»да зардуштийлик дини тамойиллари ва қонун – қондаларининг асослаб берилгандиги.

3. «Авесто»да қадимги аждодларимизнинг бошқарув тизими, ижтимоий турмуши ва маданий ҳаётига оид маълумотлар.

4. «Авесто»нинг Марказий Осиё ва бошқа худудлар бўйлаб тарқалиши ва унинг қадимги халқлар маънавий ҳаётига таъсири.

Хуроса.

Фойдаланилган адабиётлар.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат қилсин. – Т.: «Ўзбекистон», 1998 й.

2. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва ингилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005 й.

3. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.: «Ўзбекистон», 2005 й.

4. Сагдулаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма маинбаларда. – Т.: «Ўқитувчи», 1996 й.

5. Жўраев У. Саиджанов И. Дунё динлари тарихи. – Т. «Шарқ», 1998 й.

6. Каримов Т. Муқаддас «Авесто» изидан. – Т. «Чўлпон», 2000 й.

7. Каримов Ш. Шамсуддинов Р. Ватан тарихи. 1 жилл. – Т. «Ўзбекистон», 1997 й.

8. Ўзбекистон тарихи. (проф. Р.Х.Муртазаева таҳрири остида). – Т. «Ўниверситет», 2003 й.

9. Узбекистон тарихидан маъруза матнлари. — Т. ТДИУ, 2005 й.

10. Каримов И.А. Инсон, унинг хуқук ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллиги тантанасидаги нутқ. «Халқ сўзи» газетаси, 2005 й. 8 декабр.

11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. — Т.: «Шарқ», Давлат илмий нашриёти, 1—жилд, 2000 й.

Унбу мустақил ишни ёзишни бошлар экан, талаба режанинг биринчи масаласини ёритишда, аввало, «Авесто» тарихий китобида тилга олинган жой номлари ва уларнинг лугавий маъноларини синчиклаб, тушуниб олиши керак. Чунки ўша фикрлар орқали талаба «Авесто»нинг вужудга келган ватани айнан бизнинг юртимиз, хусусан, Хоразм диёри эканлигини асослаб бериши керак бўлади. Айни вақтда талаба, бу манбанинг ватани хақидаги турли олимлар мунозаралари сабабини ҳам объектив ёритиб беришига тұғри келади. Чунки зардуштийлик динининг асосчиси Зардушт Хоразмда туғилган бўлиб, шу ерда ушбу динга асос согланылғы, турли қаршиликларга дуч келгани ҳамда ён қўшни бўлмиш Эрон давлатига бориб, бу динининг кенг тарқатишга эришганини аниқ мисоллар, воқеалар асосида холисона ёритиб бериши зарур.

Режанинг II масаласини ёритиб беришда талаба, асосан, «Авесто» муқаддас китобида ушбу динининг асосий тамойиллари, қонун қондалари хақидаги матлумотлардан көлтиришга ҳаракат қилиши керак.

Унда, айниқса, ўзига хос тартиб – интизом ишлаб чиқилагани ва унга итоат этиш шаръий қилиб қўйилгани.

ҳамда аждодларимиз ўз динига жуда содиқ булиб, уни муқаддас, деб билиб, авайлаб—асраганликларини кўрсатиб берилиши керак. Шунингдек, жорий қилинган тартиб қоидалар ёшлиқдан болаларга сингдириб борилишини одат тусига кириб қолганини ушбу қоида тамойилларидан бири эканлигини таъкидлаш лозим бўлади. Ушбу масала баёнида Зардушт ва у яшаган давр, ундаги диний ақидалар, кўпхудолик, унинг салбий томонлари хақида ҳам тўхталиб ўтиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, талаба ушбу манбанинг нечта китоб ва боблардан ташкил топгани, уларнинг номлари хақида ҳам маълумот бериши керак. Айни вақтда талаба ўша давр одамларининг урф—одат, анъана, расм—русумлари қоидалари ҳам «Авесто»да ўз ифодасини топганлигини ёритиб бериши ва шундан сўнг ушбу масала ечимиға хулоса ясали керак бўлади.

Мавзу режасининг III масаласи жавоблари бошқа З та масала жавобларидан бир оз кўпроқ ва кенгроқ булиши лозим. Талаба шунга эътибор бериши керак. «Авесто»да кўрсатилишича, аждодларимизнинг бошқарув тизими, энг аввало, интизомга риоя қилинцдан иборат бўлганлиги, уни бузиш жиноят ва бу иш қаттиқ жазо билан тутаганлиги мустақил ишда мисоллар билан ёритилиши керак.

Айниқса, бошқарув тизимида адолат, ҳақиқат, тўғрилик устувор бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, турмуш фаровонлигини таъминлаш учун жамиятнинг барча ўзоси ер очиш, янги ерларга экин экиш, ҳосил олиш меҳнатига қатнашишини керак эканлигини мустақил ишда ёритиб бериши лозим бўлади.

Талаба «Авесто»да кўрсатилган сўзининг устидан чиқиши, унга содиқ қолиш, савдо – сотиқ шартномаларига тўлиқ риоя қилиши каби қатор қоидалар ҳақида ҳам маълумот келтирса, ишнинг аҳамияти ошади.

Умуман, «Авесто»даги ғоялар барча давр учун, хусусан, ҳозирги давр учун ҳам қимматли ва маъниавий озуқа булиб қолиши ҳақидаги кенгроқ фикрлар баёнидан сўнг ушбу савол жавобларига якун ясаш мумкин.

Режадаги IV савол жавобини тайёрлашга ҳам ўзига хос ёндашув талаб қилинади. Чунки ушбу диннинг ватани Марказий Осиё бўлса ҳам, у бошқа мамлакатлар ҳудудларига тарқалганлиги тарихдан аён. Масалан, ушбу дин Эрон, Хиндистон ҳудудларига кўчган, қолаверса, археологлар жанубий Орол даштларида Аркаим шаҳри қолдиқларини топганилари ва бу шаҳар тарихи 37 асрлик булиб, унинг ҳалқи оловга сифинганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам мустақил ишда ўз ифодасини топиши керак.

«Авесто»даги барча қонун – қоидалар, айниқса, меҳнатта муносабат, бола тарбияси, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, одамларни боқадиган ерни эъзозлаш, уни булғамаслик каби қатор ижобий ҳолатлар бу динга сифинадиган барча ҳалқларнинг турмуш тарзига ижобий таъсир қиласланлигини мисоллар билан ифодалаб бериш талабадан талаб қилинади. Шундагина иш мазмуни янада кўзга ташланади. «Авесто»да инсон энг юқори даражага кўтарилиши билан унга хизмат қиласланадиган ер, сув, ҳаво, олов, умуман, табнат ҳам инсон томонидан эъзозланиши кераклиги ва ким бу қондани бузса 400 ҳамчи уриб жазоланиши бежиз жорий этилмаганлиги ва шунинг учун ҳам бу манба ҳозир ҳам ўз қадрини заррача

йўқотмагани ҳақидаги ва бошқа яна қўшимча турли ижобий томонлари ҳақидаги маълумотлар баёнидан сўнг талаба ушбу саволга ёзилажак жавобларини тутатиши мумкин.

Цундан сўнг талаба режадаги ҳар тўрттала саволларга берилган жавобларни умумлаштириб, ўзининг хуносавий фикрларини режанинг хуоса қисми учун белгиланган жойига ёзди ҳамда ишга якун ясайди.

Эслатиб ўтамиз, барча фойдаланилган адабиётлар рўйхати ишнинг сўнгида келтирилиши шарт.

III Мустақил иш мавзуси:
Туркий халқларнинг келиб чиқиши, тарқалиши
ва ҳозирги замон

Талабалар мавзу мазмунини тұлиқроқ түшуниб ол иши учун, аввало, "туркий халқлар" иборасына таъриф беріб үтсак. Тарихдан маңлумки, ҳозирги Марказий Осиё ва Шарқий Эрон ҳудудларыда қадимда иккита катта халқлар гурухи яшаган. Эрон ва Турон замини, деб аталған ерлар Эрондан тарқалған форсий забон халқларга ва Турон заминінде аввалидан яшаган туркий забон халқларға улкап макон ҳисобланған.

Ўзбек миллати ҳам туркий забон халқлар сирасына киради. Демек, туркий халқ, деганды қадимдан болғылаб, Туронда яшаб келған ўтроқ туркий халқлар, хусусан, ўзбеклар ҳам назарда тутилади. Лекин түрк халқи билан туркий халқларни аралаштыриб юбормаслик керак. Чунки туркий забон халқлар түрк миллати дегани эмас. Турк миллати ҳозирги Туркия давлатыда истиқомат қылувчи миллатадыр.

Ушбу мавзуда ўзбек халқининг халқ, ва миллат шақынша көлгүшінде қадар кечирилған жараёнлар, уннинг асослари бўлмиш туркий қабила ва қавмлар, шунингдек, ургут-аймоқчиллар, халқларнинг этник муносабатлари (қоришув, аралашув) ҳолатларини асослаб бериши мухим вазифалардан бириди. Айни вақтда туркий халқларнинг бир булаги бўлған ўзбек халқининг номини тарих саҳасына тұлиқ чиқиши даврлари, кейинги юз йиллардаги этник жараёнлар ҳамда ҳозирги күн, яъни мустақиллик йилларида

халқаро миқёсда ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлиб бораётганлиги ҳақидаги мулоҳазаларни ҳам ёритиб беришга ҳаракат қилинади. Ушбу мавзуни ёритиб бериш учун биз фойдаланиш мумкин бўлган адабиётлар сонини атайлаб кўпайтириб курсатдикки, бу талаба учун ишни янада мазмунли тайёрлашда анча қулайлик яратади.

Энди мавзуни режалаштириш ва ёритишига ўтсак. Бу борада биз қуйидаги режани тавсия этган бўлардик. Лекин талаба мустақил иш режасига ўзи ёндашиб, уни ўзгартириши ҳам мумкин.

Режа:

1. Кириш. Турк атамасига таъриф.

2. Асосий қисм:

а) Туркий халқларнинг ҳудудимизда жойлашган илк даврлари.

б) Туркий халқларнинг келиб чиқиши ва тарқалиш босқичлари.

в) Ҳудудимизда ҳукм сурган мустақил туркий давлатлар. Ўзбек уруғлари.

г) Туркий халқларнинг, жумладан, ўзбекларнинг кейинги даврлардаги ҳолати.

Хуроса.

Фойдаланилган адабиётлар.

Фойдаланилайдиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т., «Ўзбекистон», 1998.

2. Ҳасан Ато Аблуший. Туркий қавмлар тарихи. – Т., Чўлпон, 1995.

3. Усмон Турун. Туркий халқлар мағкураси. – Т., Чўлпон 1995.
4. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Т., «Ўқитувчи» 1994.
5. Абдулғозий Баҳодирхон. Шажараи турк. – Т., Чўлпон 1992.
6. Абдулғозий Баҳодирхон. Шажараи Тарокима. – Т., Чўлпон 1995.
7. «Мерос» Туркум. – Т., Камалак, 1991.
8. Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар. – Т., Шарқ, 1998.
9. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н., Ватан тўйгуси. – Т., Ўзбекистон, 1996.
10. Карим Шониёзов. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т., Шарқ, 2000.
11. Абул Аҳад Хўжа. Қадимий аждодларимиз. – Туролар. Гулистан журнали. 1996. 5 –сон.
12. Аҳмедов А. Туркликми, ўзбекликми. «Турун тарихи» журнали. 1992, 11 – 12 –сон.
13. Аҳмедов А. Нега Турун, деб аталади. – «Турун тарихи» журнали. 1992, 1 –сон.
14. Носир Муҳаммад. – Туркий халқлар шажараси. – «Гулистан» журнали. 1995, 5 –сон.
15. Маҳмудов Қ. Туркий хоқонликлар. – «Турун тарихи» журнали. 1992. 1 –сон.
16. Асқаров А., Аҳмедов Б. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – «Ўзбекистон овози», 1994, 20 январ.
17. Олмос Т. Хунлар. – «Ёш куч» журнали, 1992, 2 –сон
18. Ўзбекистон тарихи. – Т., «Университет», 2003.

Мавзу режасининг кириш қисмига маълумотлар беришдан аввал талаба бир нечта тарихий асарлардан зусусан. Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», Ҳасан Ато Абушийнинг «Туркий қавмлар тарихи» китобларидан, шунингдек, Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асари, Ашраф Аҳмедовнинг «Мулоқот» журналида эълон қилинган «Турклики, ўзбеклики» мақоласидан хабардор булишлари ва ундаги маълумотлардан унумли фойдаланишлари мумкин. Чунки бу асарлар ва мақолада турк атамаси келиб чиқиши тарихига оид кўп фикрлар берилган. Жумладан, «Турон тарихи» журналида босилган «Нега Турон, деб аталади» мақоласида ҳам турк атамасига таъриф берилар экан, унинг қайси даврлардан бери истеъмолда бўлиб келаёттани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Талаба буларни ҳам назарда тутса, айни муддао бўлар эди.

Режанинг асосий қисмига тегишли 1—масалага жавоб тайёрлашда эса, Ўзбекистон тарихига доир китобларнинг энг қадимги даврларга оид воқеалари тасвирангандан бобидан фойдаланиш билан бирга турк ёзувчиси, тарихчи Усмон Турон қаламига мансуб, ўзбек тилида нашр этилган «Туркий ҳалқлар мағкураси» номли асарида баён этилган манбалардан ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Айни вақтда, талаба «Турон тарихи» журналида эълон қилинган «Туркий ҳоқонликлар» мақоласи билан яқиндан танишиб чиқса, ҳудудимизда туркий тилда сўзлашувчи ҳалқларнинг илк, дастлабки ажоддлари милоддан аввалги II—I минг йилликларда яшаганимлеклари ва уларнинг номи хунлар, деб аталганлигидан хабардор бўлади, шунингдек, талаба «Гулистан» журналида Ҳитой манбалари асосида босилган «Қадимий ажоддларимиз —

Туролар» мақоласини ўқиб чиқса, қадимги аждодларими бўлмиш хунлар ва туролар ҳақидаги янги маълумотлардан хабардор бўлади. Бу маълумотларни 1 – масалада баён этиладиган фикрларга албатта қўшиш зарур. Бу эса ишнинг мазмуни ва аҳамиятини янада оширади. Ушбу саволга жавоб ёзишда туркий халқларнинг туб масканларидан Олтой Еттисув ҳудудлари ҳақида, уларнинг деярли 4 минг йил аввал ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудига, хусусан қадимги Хоразм, Бақтрия, Парфия, Тоҳаристон каби ерларга кўчиб келиб, ўтроқ яшай бошлаганлари ҳақидаги маълумотларни албатта таъкидлаш жоиз, деб биламиз.

1 – масалага янада тўлиқроқ жавоб ёзиш мақсадида талаба 1996 йил «Гулистои» журналининг 5 –сонидаги «Туркий халқлар шажараси» номли мақола билан албатта танишиб чиқиб, ундаги маълумотлардан унумли фойдаланиш керак, деб ҳисоблаймиз. Чунки, ушбу мақолада қадимги туркий халқлар, улар билан этник бирлашиб борган бошқа халқларнинг ҳудудимизга бир неча минг йиллар аввал қайси шаҳар ва қишлоқлар ҳамда даре бўйларида яшай бошлаганларни ҳақида асосли маълумотлар баён этилган. Бу ҳолатлар эса ушбу ишда, албатта, ўз аксини топиши керак 1 – масала жавоби якунида юқоридаги фикрларнинг барчаси умумлаштирилиб, қисқагина хулоса қилинади.

Режанинг 2 – масаласини ёритишда ҳам талаба нафақат дарсланклардаги маълумотлардан, балки маҳсус нацир қилинган алоҳида, тарихга оид адабиётларда баён этилган асосли маълумотлардан фойдаланишин мумкин. Масалан тарихчи олим, археолог Исо Жабборовнинг «Ўзбек халқи этнографияси» асари, Абдулғозий Баҳодирхоннинг «Шажаран

турк», «Шажараи Тарокима» китоблари, шунингдек, «Мерос» турку^{надаги} тұпламдан жой олған «Самария», «Бухоро тарихи», «Фарғона тарихи» асарларидан ҳамда Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» рисоласидаги маълумотлардан фойдаланиши мүмкін. Хусусан, И.Жабборовнинг «Ўзбек халқы этнографияси» асарида туркий халқларнинг келиб чиқиши ва уларнинг тарқалиши масаласига доир маълумотлар қимматли бўлиб, талаба улардан 2—масаланинг жавобини тайёрлашда фойдаланиши зарур. Китобда туркий златларнинг ҳозирги Ўрта Осиё ва қўшни ўлкаларга кела бошлаган ва энг кўп келган вақтлари босқичма-босқич мисоллар билан кўрсатиб берилган. Шунингдек, бу саволга жавоб тайёрлашда «Нега Турон деб аталади?» мақоласига мурожаат қилиш зарур. Чунки 2—масалага жавобда Турон номининг вужудга келиш тарихи ва даври ҳақида ҳам фикрлар билдирилиши керак.

Шунингдек, бу мақолада ҳудудимизда туркий халқларнинг тарқалиш босқичларини ўз ичига олған бир неча юз йиллардаги муҳим санаалар, жумладан, Шарқ минтақасида энг катта ўрин туттан икки халқ — Эрон ва Турон Ўртасидаги турли йўналиш, этник (халқлар аралашуви) мунисабатлар ҳақида ҳам аҳамиятли фикрлар мавжуд. Бу маълумотларнинг мустақил ишда ифода этилниши мавзуу, мазмун — моҳиятини янада кўтаради. Бу масалага жавоб тайёрлашда Күшонлар, Эфталитлар, Турк хоқонлиги лаврларига оид қуйидаги адабиётлар: М.Пидаевнинг «Сирли Күшонлар салтанати», Ш.Каримов ва Р.Шамсутдиновнинг «Ватан тарихи» дарслигининг «Эфталитлар давлати»га оид

қисми ҳамда Насимхон Раҳмоннинг «Турк ҳоқонлиги» китобига мурожаат қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Туркий халқарнинг келиб чиқиши, тарқалиши ҳақидаги фикрлар берилганда, унинг узоқ давом этгани босқич ёки даврлар давомида рўй берганини, албатта, кўрсатиб ўтиш зарур. Масалан, милоддан аввали 1 минг йилликда туркий халқардаги этник ўзгаришлар, милоднинг I–IX асрлари давомида Кушонлар, Эфталитлар Турк ҳоқонлиги давридаги этник жараёнлар, IX–XII асрларда этник ўзгариш жараёнлари ҳақидаги фикрлар баён этилиши мустақил ишнинг мазмунини янада оширади. Бу даврлар, яъни IX–XII асрлардаги этник жараёнларга оид маълумотлар, Туркий қавмлар уртасида этник жараёнларнинг тезлашуви, бу ўринда, хусусан, Қорахонийлар давлати даврининг алоҳида ўрни ҳақидаги фикрлар Академик А.Асқаровнинг 1997 йил «Фан ва турмуш» журнали III ва IV сонларида эълон қилинган «Ўзбек давлатчилиги тарихи» мақоласида ҳамда Мирзо Улугбекининг «Тўрт улус тарихи» асарида ҳам қисман баён этилган. Бу маълумотлардан талаба самарали фойдаланиб, жавобларга хulosा ясайди.

Режанинг З–масаласи ўзига хос хусусиятта эга бўлиб, бунда талаба ҳудудимизда вужудга келган илк мустақил туркий давлатлар ва уларнинг кейинги юз йилликлардаги давомчи давлатлари ҳақида маълумотлар беришга ҳаракат қилинши керак. Чунки, ҳудудимизда вужудга келган дастлабки туркий давлатлар тарихи тўла, қониқарли ёритилишини, аввало ушибу иш ва З–масаланинг маъносини кенг очади. Қолаверса дастлабки давлатларимиз тарихи дунёдаги энг Қадимиги машҳур давлатлар ва шаҳарлар тарихидан кам эмаслигидан

далолат беради. Бу ҳақда Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар» номли машҳур асари (Т.А. Іжилд - Т.: Фан, 1968)га, Я.Ғуломовнинг «Қадимги маданийтимиз изларидан» номли монографиясиға (- Т.: «Фан» 1960й) шунингдек, Т.Каримовнинг «Мұқаддас «Авесто изидан» (- Т.: Чүлпон, 2000) китобига ҳамда А.Садулаевнинг «Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда» асарига ва Қ.Шониёзовнинг «Қанғ давлати ва қанғлайлар» (- Т.: Фан, 1990й) китобига мурожат этишини тавсия эттан бўлар здик. Чунки бу манбаларда ҳудудимиздаги илк пайдо бўлган мустақил туркий давлатлар ҳақида анча кенг ва асосли маълумотлар, қимматли фикрлар мавжуд.

Бу ўринда мустақил ишда, аввало, ҳудудимиздаги илк пайдо бўлган туркий давлатлар бўлмиш қадимги Хоразм, Бақтрия, Парфия, Суғд, Чоч, Паркан, Қанғ давлатлари ҳақида маълумот бериб ўзиш зарур. Сўнг милодий асрлардаги мустақил туркий давлатлар бўлмиш Кушонлар, Эфталитлар, Турк хоқонлиги ҳақида қисқача фикрларни қайд этиб ўтиш шарт. Кейин араб истилосидан сўнг IX – XII асрларда Мовараунинаҳрда вужудга келган мустақил туркий давлатлар ҳақида маълумотлар бериб, воқеаларни кенгроқ ёритишга ҳаракат қилиш керак (- М: Тохирийлар, Сомонийлар, Хоразмшоҳийлар, Қораҳонийлар, Газнавийлар, Салжуқийлар давлатлари). Шу ўринда, арабларнинг Ўрта Осиё истилоси ва Багдоддаги араб халифалиги таъсирининг IX асрлардан бошлиб ҳудудимиздаги таъсирининг пасайиши ва натижада бир нечта мустақил туркий давлатлар ташкил топғанилиги ҳақида қисқача бўлса қам изоҳ бериб ўтиш зарур. деб ҳисоблаймиз. Ушбу маълумотларни академик А.Асқаров таҳриридаги

«Ўзбекистон халқлари тарихи» китобининг 1-қисми (— Т.:Фан,1992 й.), муаллифлар жамоаси тайёрлаган «Ўзбекистон тарихи» номли қисқача маълумотнома китоби (— Т.: Шарқ, 2000 й.)дан фойдаланиб тайёрлашни тавсия этамиз.

Бу ўринда юқорида курсатилган мустақил давлатлар ҳудудларида узбек миллатининг этник шаклланишида ҳисса қўшган ана шу туркӣ қабилалар, уруғлар ҳақида ҳам қисқача маълумотлар берилса, мустақил ишнинг аҳамияти ўзига хос бўлар эди. Масалан, узбек уруғлари аввалги маълумотларга қараганда 92 та эди. Кейин асосли манбаларга кўра, 110 та бўлиб, улар қипчоқ, қарлуқ, мангит, қўнғирот, наиман, кенагас, минг, дўрмон, аргин, чигил, барлос, буркут, арлат, жалоир, уйшун ва бошқалар.

Гап ўзбек халқининг этник шаклланиши, яъни халқ бўлиб шаклланиши ҳақида кетар экан, талаба марҳум тарихчи олим К.Шониёзовнинг «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» (— Т.: Шарқ, 2001й) номли йирик илмий монографияси билан албатта танишиб чиқиши ва ундаги бебаҳо маълумотлардан унумли фойдаланиши керак Жумладан, бу масалани ёритища ақадемик А.Асқаров ва Б.Аҳмедовнинг «Ўзбекистон овози» газетасида Чоп этилган (1994 й., 20 январь) «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» номли мақоласидан ҳам самарали фойдаланиши мумкин Шунингдек, Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Бизким, ўзбеклар» (— Т.: Шарқ, 1999 й.) номли асари ҳам халқимиз босиб утган шонли ва машаққатли йўллар ҳақида ажойиб маълумотлар беради — ки, ундан, албатта, фойдаланиш зарур. Машҳур турк олимши Заки Валидий Тўғон ўзининг «Ўзбек уруғлари» (— Фан,1992 й.) рисоласида эса 92 та ўзбек уруғининг, яъни

ўзбек ҳалқининг шаклланишида ўз этник ҳиссаларини құшған қавм, уруғларни ном—баном күрсатиб беради. Талаба ушбу маълумотлар билан танишиб, ундан мустақил ишнинг ушбу саволини ёритищда фойдаланса, айни муддао бұлур зди.

Ҳозирги даврларда ҳам күпгина ўзбеклар үзларининг қайси уруғта мансуб эканликлариға қараб, ўзига хос бўлган урф—одат, анъаналар билан яшаб келаётганини мисоллар билан баён этилса, мустақил иш янада мазмунли бўлади. Бу ўринда И.Жабборовнинг «Ўзбек ҳалқи этнографияси» асарининг 83—310 бетларидағи маълумотларидан тўлиқ фойдаланиш мумкин. Муаллиф ушбу қисмларда турли қавмлар, уруғларга оид туркӣ ҳалқларниң, хусусан, ўзбек ҳалқи уруғига тааллукли кундалик турмуш тарзларини, байрам, анъаналарини, урф—одат ва расм—русумларини бир қанча мисоллар билан баён этган.

Режанинг охирги 4—масаласини ёритищда эса, талаба Дағти Қипчоқдан Мұхаммад Шайбонийхон бошлиқ кўчманчи ўзбекларнинг Моварауннаҳрга бостириб келгандан сўнг бу номнинг кең тарқалиши ҳақидаги, шунингдек, Чоризм ва Шуро истибодии даврида бу миллатнинг ҳақ—ҳуқуқлари чекланиб, поймол этилганлиги ҳамда мустақиллик даврига келиб, ўзбек миллати жаҳондаги күпгина эркин, озод миллатлар қаторига қўшилиб, ҳар соҳада жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин олиб бораёттани ҳақида қисқа, лўйла фикрлар билан якуплайди.

Ушбу масалага доир маълумотларни ҳам талаба, аввало, тарих дарсліклари бўлмиш «Ўзбекистон тарихи» (—Т., Университет, 1997) китобидан, 2000 йилда шашрандан чиққан

«Ўзбекистоннинг янги тарихи» (—Т.: Шарқ, 2000й. I-II-III жиллар) китобидан, қолаверса, ҳалқимизнинг мустақиллик давридаги ўрни, мавқеи ҳақидаги фикрларни эса «Бизким, ўзбеклар» китобидан ўрганиб, тайёрлаши мумкин. Мустақил ишнинг хулоса қисмида талаба ҳар бир саволнинг жавобларига алоҳида ва умумий хулосалари, фикр—мулоҳазаларини баён этади. Туркий ҳалқлар, жумладан, шу улкан оиланинг ажралмас аъзоси бўлган ўзбек миллати ҳам ўзининг кўп минг йиллик келиб чиқиш ва ривожланиш босқичларига эга эканлиги ҳамда туркий ҳалқлар дунёнинг барча ҳудудларида яшаб умумбашарият равнақига ўзига хос хисса қўшиб келаётганлиги ҳақидаги фикрлари билан талаба мустақил ишни якунлайди.

IV Мустақил иш мавзуси: Ватанимиз ҳудудидаги дастлабки давлатлар

Тарихни урганиңда археология, этнография, антропология каби муҳим фанларнинг үрни, аҳамияти катта. Тарихимизнинг энг асосий таркибий қисми бўлмиш давлатчилик тарихини, жумладан, Марказий Осиё ҳудудидаги дастлабки давлат тузилмаларини тарихини урганиңда ҳам археологлар олиб борган қазиш ишлари натижалари, ёзма адабиётлар, кўхна ёзувлар, Эрон, Хитой, Юнон, Ҳинд, Араб муаллифлари ёзиб қолдирган манбалар муҳим асос ролини уйнайди. Шунингдек, аждоҳларимизнинг илк санъати бўлмиш турли гор деворларига, қоя тошларига ишланган деворий расмлар ҳам шулар жумласидандир. Ана шу бебаҳо ёдгорликлар бизга юртимизда илк пайдо бўлган қишлоқлар, шаҳарлар, давлатлар ҳақида тўлиқ, ишончли маълумотлар беради.

«Ватанимиз ҳудудидаги дастлабки давлатлар» мавзудидаги тайёрланиши керак бўлган мустақил иш режасини биз тахминан шундай туздик ва талаба эътиборига ҳавола этмоқчимиз:

Режа:

1. Давлатчилик тушунчаси. Катта Хоразм, Қадимги Бақтрия подиолиги – Ватанимиз ҳудудидаги энг қадимги давлатлар.

2. Юнон – Бақтрия, Парфия, Сүғдиёна, Қанг, Чоч, Довон давлатларн. Уларнинг ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳаёти.

3. Күшон подшолиги ва унинг ватанимиз тарихи¹, тутган алоҳида ўрни.

Хуроса.

Фойдаланилган адабиётлар.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т: «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қараш бўлмайди. – Т.: «Ўзбекистон», 2005.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишиланган нутқи. – Т: «Халқ сўзи» газетаси, 8 декабр.
4. «Ўзбекистон тарихи» фанидан маъруза матнлари. – Т: ТДИУ босмахонаси, 2005.
5. Эрол Гунгур. Тарихда туркий давлатлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2003.
6. Ҳамид Зиёев. ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т: «Шарқ», 2004.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т: «Ўзбекистон», 1992.
8. Асқаров А. Ўзбекистон тарихи (энг қадимга даврлардан милодининг V асригача). – Т.: «Ўқитувчи», 1984.
9. Наршахий М. Бухоро тарихи. «Мерос» туркуми. – Т: Камалак, 1991.
10. Пидаев Ш. Сирми Күшонлар салтаниати. – Т.: «Фан», 1990.

11. Шониёсов К. Кан давлати ва Кандиллар. – Т.: «Фан», 1990.
12. Хуршут Э. Ши–Чач. Ташкент. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.
13. Ўзбекистон миллий энциклопедияси – Т.: «Шарқ», Давлат илмий нашриёти, 2002.
14. Ўзбекистон тарихи дарслик. (Проф. Р.Х.Муртазаева таҳрири остида) – Т.: «Университет», 2003.

Талаба мустақил ишни тайёрлашни бошлашдан аввал ҳар сафаргидек ишда қўллаши керак бўлган маълумотларни жамлаб, уларни ўзлаштириб олиши, тартибга солиши ҳамда режа саволларининг ҳар бири учун тақсимлаб олиши керак. Бунинг учун, аввало, ишни тавсия этилган адабиётларни топиб, маълумотлар билан синчилаб танишиб чиқишидан бошлайди. Сунгра эса амалий ишга, яъни, мустақил ишни ёзишга киришилади.

Талаба режанинг 1 – масаласини ёритишга киришар экан, энг аввал давлатчилик тушунчасини ёритиб бериши, унинг белгиларини бирма – бир кўрсатиб ўтиши, сунгра эса кейинги маълумотлар, яъни, юртимизда энг қадимги давлатлар бўлмиш катта Хоразм ва Бақтрия хақидаги маълумотларни баёнинга ўтиши мумкин. Бу ўринда талабага ёрдам тариқасида қўйидаги маълумотларни хавола этамиз:

Давлат, давлатчилик, тушунчаси ҳақида талаба шуни англаб олиши керакки, инсоният тарихи сингари давлат тарихи ҳам узоқ – узоқларга бориб тақалади. Кишилик жамияти тарихида давлатчилик, унинг ажralmas бир булаги ҳисобланади. Айни вақтда давлатчилик тарихи ҳам халқимиз

тарихи сингари синовлардан утиб, такомиллашиб борди Давлатни билдирадиган белгилари мавжуд. Давлатнинг белгилари: 1. Маъмурий ҳудуди, чегараси. 2. Давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими. 3. Давлат тили. 4. Давлат байроғи. 5. Давлат герби. 6. Давлат мадхияси. 7. Конституцияси. 8. Армияси. 9. Суди ва ҳоказолари булади Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласди Давлат органлари мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» дейилади.

«Давлатчилик, — дейди Президент Ислом Каримов, — бутунги кунда ута сиёсий масала бўлиб турибди». Чунки, келажаги буюк давлатнинг бош ислоҳотчиси Давлатдир. Уни такомиллаштирмасдан, тизимини шакллантирмасдан туриб ислоҳотларни амалга ошириб бўлмайди.

«Истиқдол йиллари, — деб ёзди Ислом Каримов, — янги мустақил Ўзбекистоннинг миллий давлатчилиги пойdevоринн барпо этиш соҳасида пухта ва жиддий иш олиб борилган давр бўлади».

Миллий, ҳуқуқий, фуқаролик давлатини вужудга келтириш учун энг, аввало, эски маъмурий – буйруқбозлик тизими, бошқарув идоралари тутатилади. Янги давлатчиликнинг сиёсий – ҳуқуқий, конституциявий асослари яратилди. Конституция ҳуқуқий давлат учун пойdevордир Конституцияга мувофиқ, қонун чиқарувчи идора – Олий Мажлис, ижро этувчи – Вазирлар Маҳкамаси ва суд ҳокимияти ташкил этилди. Давлат ҳокимиятининг маҳаллии идораларида – ҳокимлик жорий қилинди. Маҳаллий ҳокимият

идоралари – фуқароларнинг маҳаллий ўзини – ўзи бошқарув тизими – маҳалла қўмиталари ташкил этилди.

Ватанимиз ҳудудида илк давлатлар эрамиздан олдинги VIII – VII асрларда вужудга келган. Уларнинг давлат тузилмалари ҳарбий – демократик тарзда бўлган.

«Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари, – дейди Ислом Каримов, – бундан 2700 йил муқаддам Хоразм воҳасида қўйилган».

«Авесто»да «Катта Хоразм» давлатининг вилоятлари санаб ўтилган. Қадимги дунё тарихчиси Геродотнинг ёзишича, «Катта Хоразм» давлатида сугориш ишлари жуда тараққий этиб, ҳатто ўғуз ажан дарёсига тўғон қурилган. Деҳқончилик ривожланган. Аммо кейинчалик «Катта Хоразм» давлати зронийлар томонидан парчаланиб, уларга ўлпон тұлаб туришга мажбур бўлган.

Милоддан аввалинг даврда мавжуд бўлган яна бир давлат Бақтрия подшолигидир. Эрамиздан аввалинг VII – VI асрларда, құдратли Бақтрия давлати бўлиб, унинг иойтахти Бақтра ҳозирги Мозори Шариф яқинидаги шаҳари бўлиб, у мустаҳкам мудофаа деворлари билан уралган. Бақтрия давлати бир қанча маҳаллий ҳокимликларга бўлинган. Ҳарбий – демократик турдаги давлат бўлган. Ахмонийлардан Кир II Кайхусрав даврида Бақтрия ва Сак ерлари Эронга бўйсупдирилади. Шундай қилиб, Ўрта Осиё ҳудуди Эронга тобе бўлиб қолади. Маргиёна, Бақтрия ва Хоразм, шу жумладан, сак ерлари Эронга бўйсупдирилади. Милоддан аввалинг 530 йилда душман яна бостириб киради ва Тўмарис томонидан енгилади. Аммо шундай бўлса – да, ахмонийларнинг хукмронлиги узоқ вақт давом этди.

Мустақил ишнинг хулоса қисмида эса, талаба юқорида билдирилган барча фикрларни умумлаштиради, хулосалар чиқаради ва ушбу асарнинг қандай аҳамиятта эга эканлиги ҳақида ургангандари асосида шахсий фикрлари билан ишни якунлайди.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. I – III – китоблар. –Т.: Шарқ, 2000.
3. Каримов Ш., Шамсуддинов Р. Ватан тарихи. 1 – жилд. –Т.: Ўқитувчи, 1997.
4. Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар. –Т.: Шарқ, 1999.
5. Ўзбекистон тарихи. –Т.: «Университет», 2003.
6. Ўзбекистон тарихи. Қисқача маълумотнома. –Т.: Шарқ, 2000.
7. Ҳакимов Н., Каримов Ш., Содиқов М., Ҳакимжонов А. Ватан маданияти тарихи. 1 – жилд. –Т.: ТДИУ, 1995.
8. Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1996.
9. Жўраев Н., Файзуллаев Т. Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. 11 – синф учун. –Т.: Шарқ, 1998.

10. Иброҳимов А., Султонов Ҳ., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
11. Зиёев Ҳ. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси. – Т.: F.Фулом номидаги нашриёт, 2000.

VII Мустақил иш мавзуси:
Эфталитлар давлати, Турк ҳоқонлиги, Араблар истилоси ва
ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё, жумладан, Узбекистон ҳалқлари тарихида милоднинг I—XII асрлари давомида ушбу улкан ҳудауда бир неча мустақил туркий давлатлар вужудга келган. V аср урталарида Ўрта Осиё ҳудудида салкам 400 йил ҳукмронлик қиласан мустақил туркий Кушонлар давлати урнига унинг вориси ва давомчиси бўлган Эфталитлар подшолигининг шаклланиши охирига етган бўлса, ундан сўнг, яъни VI аср ўрталарига келиб, Марказий Осиё ҳудудида йирик кўчманчилар давлати – Турк ҳоқонлиги ҳукмронлиги қарор топди.

Бу ўринда шунин таъкидлашимиз жоизки, улкан Турон үлкаси ҳудудида ўтмишда фаолият кўрсатган Қадимги Хоразм, Бақтрия, Суғд, Қанғ, Паркан, Парфия, Чоч каби туркий давлатлар ҳамда IX—XII асрларда вужудга келган Самонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Фазнавийлар каби туркий давлатлардагидек биз фикр юритаётган Эфталитлар давлати ва Турк ҳоқонлиги ҳам мустақил туркий давлатлар бўлиб, ўзбек халқининг этник шаклланишида уларининг алоҳида ўрни бор. Чунки, ҳар иккала давлат халқларининг аксарият қисмини туркийзабон қавмлар, қабилалар ташкил этар эди. Лекин, хусусан Эфталитларининг келиб чиқиши жиҳатдан қайси қавм, қабилага мансублиги ва, асосан, қайси тиљда сўзлашганликлари ҳақида фанда турли хил мулоҳазалар вужудга келганки, мисолат тарихчи олимлари бу ҳақида турлича талқин қилилар. Шу боис эфталитлар давлати ҳақида гап кетганда

талаба мустақил ишда ана шу турли қарашларни албатта тиңга олиб үтиши керак. Турк хоқонлиги ҳақидағи маълумотларнинг аксарияти исботли, манбали фикрлар бўлиб, бу ҳақда талаба турли адабиётлардан унумли фойдаланишига имкониятлар мавжуд.

VIII аср ўрталариға келиб, Ўрта Осиё ҳудуди араб истилочилари томонидан бутунлай згалланди. Бу фикрларни давом эттиришдан аввал талаба Арабистон ярим оролида VII аср ва шу асрнинг II ярмидағи ижтимоий – сиёсий воқеаларга изоҳ бериши, ҳамда араб истилочиларининг вужудга келиш жараёнлари қақида ҳам бир оз тұхталиб үтиши шарт. Айни вақтда, Ислом динининг вужудга келиши ҳақида ҳам маълум миқдорда маълумот бериш керак, деб ҳисоблаймиз. Талаба тайёрлайдиган ушбу мустақил ишда юқорида күрсатилган давр, давлатлар, араблар истилоси, жараёнлари ва ҳукмронлиги ёритилиши асосий вазифа ҳисобланади. Талабага ёрдам тариқасида түртта йирик саволлардан иборат қуйидаги иш режасини тавсия этар эканмиз, талаба ушбу режани ўз тушунчаси ва ҳарашлари билан бемалол ўзгартирини мумкинлигини ҳам эслатиб үтмоғшмиз.

Режа:

1. Кирин. Ҳудудимиздаги илк туркий давлатлар тарихига қисқача назар.

2. Асосий қисм:

а) Эфталитлар давлатининг вужудга келиши, ундағы ижтимоий – сиёсий ҳаёт.

б) Турк хоқонлиги даврида Ўрта Осиёдаги ҳаёт.

в) Арабларниң Үрта Осиёни босиб олиши ва уларниң мустамлакачиллик сиёсати. Халқ құзғолонлари. Муқанна, Торобий.

г) Үрта Осиёда Ислом динининг кенг ёйилиши.

3. Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар.

Ушбу мавзуга оид воқеалар бир неча юз йилліктерни үз ичига олиши билан бошқа мавзуларга нисбатан кенг қарыбалы ҳамда ҳажм жиҳатдан, күпроқ булиши табиийдір. Демек, ҳар сафаргидек, талаба бу мавзуни тайёрлашдан аввал унга доир манбалар, маълумотлар билан синчиклаб, кенг миқёсда танишиб, ўрганиб чиқиши шарт. Шунингдек, фақаттана дарсликлар билан чегараланиб қолмай, балки құшимча адабиётлар, газета ва журнал материаллардан қам фойдаланиши ишнинг мазмун—моҳиятини янада бойитади. Режадаги саволларга жавоб ёзишдан аввал кириш қисмiga алоҳида зътибор бериш керак. Чунки, доимо бирор реферат, доклад, илмий иш, мустақил иш кабиларни тайёрлашда кириш қисмидаги фикрлар ишнинг мустаҳкам пойдевори булиб хизмат қилиши табиийдір. Шуғыдан келиб чиққан ҳолда ушбу мавзунинг кириш қисміда талаба ҳудудимизда, қолаверса, Марказий Осиё ҳудудида биз күраёттан давргача үтгап давр ва босқичларда вужудға келған дастлабки мустақил түркій давлатлар (қадымғы Хоразм, Бақтрия, Суғд, Парфия, Қанғ, Паркан, Чоч, Юон—Бақтрия) номларини, Үлар ҳукм сурған даврларни албатта зикр этиб үтиши зарур. Бу билан, талаба, ҳудудимизда жуда қадымдан түркій табии аждолларымыз яшагани, шаҳарлар, давлатлар түзганини

яна бир бор фахр билан эслаб ўтади. Чунки ўтмишдати ушбу даврлар биз тайёрлаётган ишдаги ҳар иккала туркй давлатчилиги учун асос бўлиб хизмат қилганини талаба унутмаслиги керак. Ана шу фикрларнинг кенг баёнидан сўнг талаба мустақил ишнинг асосий қисмига доир савомарга жавоб беришга ўтиши мумкин.

• 1 – масалани ёритишда милоднинг I асрларида таркиб топган туркй давлат бўлмиш Кушонлар подшолиги, унинг сўнгги даврлари ҳақида бир оз тұхталиб ўтилса, ишнинг мазмунини Эфталитлар давлатининг вужудга келиши даврига боғлаш осонроқ кечади. Марказий Осиё, Шарқий Туркистон, Шимолий Ҳиндистон, Шарқий Эрон ҳудудларини бирлаштирган қудратли Эфталитлар давлати ҳукмронлиги V аср бошларидан то VI асрнинг 2 ярмигача ҳукм сурғанлиги, ундан ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳаётда бўлган ўзгариш ва юксалишларни талаба аниқ мисоллар билан ёритиб боришга ҳаракат қилимоғи лозим. Айниқса, ишда бу давлат ҳақида, Эфталитлар ва Эрон давлати билан ўзаро муносабатлар урушилар ҳамда эрондаги сафавийлар ҳукмронлигига берилган қаттиқ зарбалар ҳақидаги маълумотлар акс этиши мустақил иш мазмун – моҳиятини янада оширади. Ҳусусан, Эрон шоҳи Перознинг Эфталитлар билан бўлган муносабатларида турил воситалар ёрдамидаги сиёсатини ва бу сиёсат унинг фожиали ҳалокати билан тугаганини ёритиш керак.

Шунингдек, мустақил ишда Эфталитлар Тоҳаристон Бадаҳшон, Суғд ва Марказий Осиёнинг бошқа бир қанча ҳудудларини ҳам бирлаштириб, улкан империя яратганлигини кенироқ миқесда ёритиб бериш зарур бўлади. Ушбу ишдаг

Эфталитларнинг асосий қисми аввал кўчманчи, сунгра утрок аҳоли булиб яшаганликларини алоҳида қайд этиш лозим. Мустақил ишда уларнинг дехқончилик, бодгорчилик, галлачилик каби ишлар бидан шуғулланганликлари хамда ўзига хос урф-одат, анъаналари мавжудлиги, шу билан биргаликда Эфталитлар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиёда ерга эгалик муносабатларининг вужудга кела бошлаганлиги ҳақида ҳам бир оз тұхталиб үтилса, Эфталитлар давлатидаги ҳаёт ҳақида аниқ тасаввурлар вужудга келди. Бу эса мустақил ишни мукаммаллаشتыради. Улар қурган шаҳар, қалъя, құрғон, истеңком каби иншоотлар ўлкамизнинг күпроқ қайси манзилларидан топилғанлигини күрсатиб үтиш ҳам айни муддаодир.

Шунингдек, Эфталитлар давлати ва ундаги ижтимоий ҳаёт ҳақида маълумот берилганды талаба бу даврда, мазкур давлатда феодал муносабатлар вужудга келиши билан, айни вақтнинг ўзида ҳали қулдорлик түзуми, ҳатто ибтидоий жамоа даври қолдиқлари, сарқитлари ҳам бирга сақланиб қолғанлигини, халқнинг урф-одатида, турмуш тарзида узоқ ўтмишнинг ноxуш күринишлари сақланиб қолғанлиги (масалан күп хотинлик, вафот этганларни табақасига қараб дағы этиш ва ҳ.к) ҳақида ҳам бир оз фикрлар көлтирилиши ишнинг аҳамиятини оширади. Катта империя бўлмиш Эфталитлар давлатининг қайси даврларга келиб емирила бошласин ҳақидаги маълумотлар баён этилгандан сўнг бу давлат ҳақидаги фикрларга якун ясалади.

Режадаги иккинчи масала бўлмиш Турк хоқонлиги ҳақида фикр юритишда тарихимизда ўзига хос улкан из қолдирган эфталитлар давлатининг 563 – 567 йиллардаги

курашлардан сүнг үз ўрнини янги сиёсий куч – Түрк хоқонлигига бүшатыб берганлигидан бошламоқ мақсадда мувофиқдир. Турк хоқонлиги ҳақида хабар берувчы манбалар Ўрхун Енисей руний ёзувлари, Хитойнинг «Тайхонадони тарихи» манбаси (VII–IX аср). VI аср охиридан яшаган Византиялик тарыхчилар Менандр Протектор, Феофан Византийский, шунингдек Суриялик тарихчи олим Ионнис Эффесийларнинг тарихий асарлариниң кўрсатиб ўтиш фойдадан ҳоли эмас.

Турк хоқонлигига асос солган Туу нинг ўғли Бумин ҳамда унга «Илихон» унвонининг берилиш сабаблари ва VI аср урталарида Қудратли Турк хоқонлиги вужудга келиши мустақил ишда кенгроқ Баён этилиши талаб қилинади.

Хоқонлик томонидан ҳозирги Марказий Осиё ҳудудидаги эгалланган вилоят ва шаҳарлар ушбу ишда албатта ўз аксини топиши ҳамда Буминнинг тутнишган укаси бўлмиш Истаминнинг ҳукмронлик фаолияти ҳам ишда алоҳида баён этилиши керак. Турк хоқонлиги ҳукмдорларининг Эрон давлати ҳамда Хитой билан муносабати, унга қарши юришлар, кейинчалик Хитой таъсирига тушиб қолган даврларни талаба мустақил ишда бир оз кенгроқ ёритиши лозим. Айни вақтда ҳоқонликнинг Византия, Эрон, Хитой Ҳиндиистон билан иқтисодий муносабатлари ҳам тилага олининиши мақсадга мувофиқдир.

Тарихдан матъумки, Туркийлар, Турк хоқонлиги даврида яратилган ёдномалар, битиклар билан машҳурдирлар. Масалан, Энасой, Олтой, Шарқий Туркистон, Шарқий Оврупо, Ўрта Осиё гурӯҳи ёдномалари ва бошқалар. Ёдномалар, битиктошлар туркий халқлар тарихи ҳақида

манба бўлиши билан, айни вақтда ёзма адабиётнинг ҳам илк намунасиdir. Талаба бу ҳақидаги маълумотларни мустақил ишда, албатта, баён этиши керак. Бунда у Насимхон Раҳмоннинг «Турк хоқонлиги» китобидан унумли фойдаланиши мумкин.

Шунингдек, талаба Турк хоқонлиги давридан дарак берувчи машҳур Урхун, Кул тегин, Билга хоқон, Тўноқуқ битиктошлари, уларнинг тарих, тил – адабиёт фанлари учун аҳамиятининг катталиги ҳақидаги фикрларни баён этиши зарур. Чунки, бу битиктош маълумотлари Туркий халқларни, хусусан, Турк хоқонлиги халқлари турмушларини, бошқарув системаси барча жабҳалари бўйича маълумот бериши билан ҳам бекиёс аҳамиятга молиқдир. Шунингдек, мустақил ишда Турк ҳоқонлиги таркибидағи ҳудудлар халқларининг, хусусан уша давр туркий халқларининг диний қарашлари ҳақида, турли динлар, кўп худолилик каби ҳолатлар ҳақида ҳам қисқача фикр билдирилса мустақил иш мазмуни янада ошади.

Талаба хоқонликнинг икки қисмига – Шарқий ва Farbий хоқонликларга бўлинниб кетиш жараёнларини таърифлаб бериши шарт. Шунингдек, хонлиқда мавжуд бўлган бошқарув усуслари, турли амаллар ва унвонларининг таърифланиши билан бир қаторда хоқонларнинг ҳарбий юришлари ҳамда тахт учун бўлган ички шизолар ва уларнинг салбий натижалари ҳам ишда ўз аксини топиши керак. Айни вақтда, талаба хоқонликдаги аҳоли шуғулланадиган ишлар: савдо – сотиқ, ҳунармандчилик, заргарлик, санъатнинг турли шакллари ҳамда Уларнинг диний қарашлари ҳақида маълумотларни бир оз кенгроқ баён этишига тұғри келади.

Хоқонлик даври ҳақидағи фикрларни якунлашда албатта уннинг тағazzулга юз тутиш даврлари, сабаблары ҳақидағи маълумотларни хуносалаб ифода этиш талаф қилинади.

Турк хоқонлигининг сүнгги йиллари Ўрта Осиё ҳудаудига араблар босқинининг амалга оширилиши даврига түгри келиши ҳақидағи фикрлар билан якунланиб, ишнинг давоми бўлмиш арабларнинг Ўрта Осиё истилоси тўгрисидаги маълумотларни баён этишга ўтилади.

Режанинг З—масаласи арабларнинг Ўрта Осиё истилоси, бу ҳудуддаги ҳукмронлиги, мустамлакачилик сиёсати ҳамда уларга қарши ҳалқ қўзғолонларини ёритишга бағишлиланади.

Бу ўринда Арабистон ярим ороли, унда ислом динининг пайдо булиши, кўчманчи араб қабилалари, уларнинг ҳаёт тарзи ҳақида бир оз тўхталиб ўтилишини шарт, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, үрганилаётган даврларда Арабистонда диний қарашларнинг турлилиги, кўп ҳудоиликнинг мавжудлигини ҳам эслатиб ўтиш керак. Исломнинг вужудга келиши, моҳияти, уннинг дастлабки даврлардаги зиддиятли ҳолатлари ва албатта Муҳаммад пайғамбаримизнинг ижтимоий келиб чиқиши ҳамда уннинг ислом динига асос солини, ислом ривожидаги фаолиятлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтиш масаланинг моҳиятини янад очиб беради. Бу ўринда исломнинг муқаддас китоблари бўлмиш Қуръони Карим ҳамда Пайғамбаримиз Муҳаммадининг ҳаётлигидаги қиласан амаллари ва айтган ибратли сўзларини уз ичига олган ҳадислар ҳақида албатта баён этиши керак бўлади. Шу билан бир қаторда мавзунни янада кенгроқ ёритиш учун халифалик тизимининг вужудига

Лиши ҳамда VII аср 2 ярмидан эса, унинг кенгайиб ҳарбий жиҳатдан қудрати тобора ошиб бориш жараёнларига зътибор бериш керак. Бу, албатта, улар атрофидаги ҳудудлар, мамлакатларни аста—секин босиб олиш билан бирга, уша жойларда ислом тарғибини ҳам турли воситалар билан амалга оширганиларига алоҳида ургу беришга тұғри келади.

Юқоридаги баёнлардан сұнг, араб истилочиларининг ҳозирги Үрта Осиё ҳудудига ёки араблар тили билан айтганда, Мовараунахрға дастлабки хужумларини ёритиш керак бўлади. («Мовараунахр» — арабча сўз бўлиб, маъноси — дарё ортидаги ерлар дегани). Бу ўринда талаба араб истилочиларининг Үрта Осиё ҳудудига илк бора ва сўнгра бир неча марта ҳужум қилиб, Марв, Бухоро, Пойканд, Самарқанд шаҳарларини талаб кетганлари устида бир оз тұхталиб ўтиши керак. Чунки, уларнинг бу босқинчилеклари орқали орттирган талайгина үлжалари, Үрта Осиёга янада катта куч билан ҳужум қилиб босиб олишларида муҳим асослардан бири зди. Шундан сўнг талаба VIII аср бошларига келиб арабларнинг Үрта Осиёни үзига буйсундириш учун астойдил олиб борган ҳарбий ҳаракатларини ёритишга ўтади. Араб саркардаси Қутайба ибн Мусалим бошчилигидаги истилочилар Үрта Осиёнинг бир неча йирик шаҳарларини згаллаши жараёнларини таърифлаши ҳам зарур, деб ҳисоблаймиз.

Мовараунахрининг араб истилочилари томонидан бутунлай буйсундирилиш ҳолатларини ёритгар экан, талаба ўринда ҳудудимиздаги катта—кичик бир неча феодал мавлатчиларнинг үзаро зиддиятли муносабатлари ва шу қаби

қатор сабаблар бу ўлкани босқинчилар құлиға ^{УПИ} қолишига ассоң бұлганини ҳам күрсатиб бериши керак.

Арабларнинг ҳудудимиздаги мустамлакачилик сиёсатини баён этища маҳаллий аҳолининг әнди икки ёқлама зулм остида қолғаплиги, уларнинг дастлабки пайтлариданоқ араблаштырыш сиёсатини бошлаб юборганлиги ва күчириб истилонинг келтирилган минглаб араб оиласарининг маҳаллий аҳоли ҳаётига ҳалақит берганлигини тұлық ёритиш зарур бұлади. Акс холда мустамлакачиликнинг муҳим қирраларини ёритилиши кемтик ҳолда бұлиб қолиши мүмкін.

Шунингдек, маҳаллий аҳоли ҳаётининг бир неча юз минг йиллик маънавий бойлиги, үтмиш тарихининг ёзма намуналари бұлмиш минглаб асарларга вахшиена муносабатлар, гулханда ёндирисшлар каби ҳолаттар ҳам мустақил ишда үз ифодасини топиши керак бұлади. Айни вақтда талаба араб ҳукмдорларининг буйруғи билан маҳаллий аҳолига солинган түрли (масалан жузъя, хирож) хил солиқлар халқ турмуш тарзини ниҳоятда мұраккаблашиб боришига сабаб булаёттанини ҳам талаба назарда тутиши лозим. Шуидан сұнг талаба ўлкамызда араб истиочиларға қарши халқ құзғолонларининг бошланиши ҳамда Мұқанна ва Маҳмуд Торобий құзғолонылари ҳақида қисқача изоҳ бериб үтади. Чунки бу ҳақда алоҳида реферат мавзуларимиз белгиланған.

Шундан сұнг 3 – масалага қисқача хulosса қилинади өдөрежесининг 4 – саволига жавоб ёзиш мүмкін. Бұнда Арабистонда пайдо бұлған ислом дини, унинг мазмун-моҳияти, муқаддас китoblари ҳақида қисқача фикр билдириш лозим. Сұнг эса, арабларнинг бошқа босиб

олинган ҳудудларидағи сингари, бизнинг үлкада ҳам ислом динининг кенг ёйиш жараёнларини таърифлаб бериш лозим. Бу үрніңда ушбу ишни амалга оширишда араб ҳукмдорлари турли месита ва усуллар құллаганларының үларнинг натижаларини баён этиш керак бұлади. Ҳудудимиздеги күплаб аввалғи мавжуд дінлар ибодатхоналарининг вайрон қилиниши, үрнің мағжидлар қурилиши, ислом үрф-одатлары маҳаллій ақоли онғига, түрмушыға тобора сингиб бориши жараёнлары 4-саволда тұлық үз аксина топиши керак бұлади. Ушбу үрніңде Қуръон ва Ҳадислар қонун-қоидаларининг инсонлар үчүн ижобий-тарбиявий-ахлоқий ақамиятлары ҳақида ҳам тұхталиб үтиши керак ва 4-саволға якун ясаш мүмкін.

Мустақил ишнинг хулоса қисмінде эса талаба кейинги бир неча үн йилліктерде Үрта Осиё ҳудудида араб халифалығы таъсирининг тобора пасайиб бориши натижасыда (9 аср 2-ярмидан бойшаб) бир қатор мустақил түркій давлатларнинг вужудға келишига замин яратылғанын ҳақидағы фикрлар билан ишни якунтайтади. Мустақил иш сүнгіде эса, ушбу мавзуди ёритищда фойдаланиладын адабиётлар рүйхатини күрсатып лозим бұлади.

Фойдаланиладын адабиётлар:

1. Ўзбекистон тарихи. – Т.: Университет, 2003.
2. Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жылд. А.Асқаров таҳририи остида. – Т.: Фан, 1992.
3. Ўзбекистон тарихи. Қысқача мәлімтінома. Мұалліфлар жамоаси. – Т.: Шарқ, 2000.
4. Каримов Ш., Шамсұддинов Р. Ватан тарихи. 1-китоб. – Т.: Ықшитувчи, 1997.

5. Раҳмон Н. Турк хоқонлиги.—Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашириёти. 1993.
6. Алихонтұра Согуний. Тарихи Мұхаммадий.—Т: Мовараунахр. 1997.
7. Ислом — справочник. Энциклопедия бош таҳририяты.—Т.: 1998.
8. Пидаев М. Сирли Күшонлар салтанаты.—Т.: Фан, 1990.
9. Ҳамидов Ҳ., Р.Холмирзаев, Араб истилочилари Үрта Осиёда.—Т.: ТДИУ, 1995.

VIII Мустақил иш мавзуси: «Жалолиддин Мангубервар – ватанпарвар сиймө»

Юртимиз мустақиллиги ва ажоддларимизнинг озодлиги учун курашлар тарихига назар ташлар эканмиз, Хоразм днерининг ватанпарвар ўғлони, мўгул истилочиларига қарши ҳалқ кураши сардорларининг рамзий вакили Жалолиддин ибн Оловиддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўрни ўзига хос эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Орадан бир неча юз йилликлар утиб бораётган бўлишига қарамай, унинг жасорати, шуҳрати, душманга қарши олиб борган кураши доимо авлодларга ёрқин ўrnak бўлиб келмоқда.

Асосан, мустақиллик йилларида ушбу ҳалқ қаҳрамони ҳаёти, фаолияти ҳақида, унинг ҳамма давр учун ватанпарварлик намунаси бўла оладиган кураши жараёнлари ҳақидағи маълумотларни синчиклаб ўрганиш ва у ҳақида мақола, рисола ва китоблар нашр этиш орқали ҳалқимиз зътиборига ҳавола этиш имкониятлари очилди. Бу ҳолат Жалолиддин ва унга ўхшаган тарихимида учмас из қолдирган жасорат соҳибларининг ўтмишдаги ўз ўрни ва обруйи, қадрини топишда ниҳоятда муҳимдир.

Хусусан, бугунги . ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида ҳалқимизнинг барча қатламларини, айниқса ўсиб келаётган ёшларимиз онгида ватанпарварлик, зилини англай каби қатор қадрият ва туйгулар, миллий гтихор ҳамда миллий ғурур ҳисларини шакллаштиришда Жалолиддин каби қатор ватанпарвар сиймолар образи катта измуна мактаби бўлиб хизмат қилиши табиийдир.

Шу боис кейинги йилларда бу тарихий шахснинг ҳаёт фолиятини ўрганиш кучайиб, илмий – амалий анжуманлар

ұтқазылмоқда. Үқув дастурларига архіда мавзулар киритилиб, талабалар томонидан жетек ишилар, курс ишлари ва рефератлар тайёрланмоқдә Президент И.Каримов ташаббуси билан юртимнәдә Жағолиддин Хоразмшоҳ жасоратини янада агадийлаштириш аввалиларга бетакрор ибрат эканлигини етказиш мақсадида Ҳоризм Аиёрида унға улкан ҳайкал үрнатилиб, хиёбон ва зиёраттоҳ барпо этилганлигини, ҳамда Жағолиддин таулидининг 800 йиллиги тантаналари ииҳоятда кенг миқёсда шоғланиши халқимиз ҳаётидаги йирик, қувончли воқеаларда би ғүліб қолди.

Шу боис биз қүйида «Жағолиддин» Мангуберди – ватанпарвар спіймо мавзуидаги мұсақи: ишни тайёрлағыща талабага йүл – йўриқ ва ёрдам сифатда ғаъзи мулоҳаза ва фикрларни баён этишга ҳаракат қылдик. Биз ҳар галгидек талабага ушбу мавзуга оид адабият ғылымдарлар билан яқиндан, синчиклаб танишиш, ўрганиб тиқишини маслаҳат берамиз. Бунинг учун, ушбу тағдиларимиз сүнгидә фойдаланиш мумкин бўлган адабиёттар риҳатини ҳам илова қылдик.

Мустақил ишни қүйидағи режа асосида үрганиб тайёрлашингиз, шунингдек, ишнинг режатаса ўз хоҳнишингизга кўра қўшимча ўзgartириншлар ҳам притаппингиз мумкин.

Режа:

1. Кирши. Чинигізхон бошлиқ тұғыравлатыннинг ташкін топниши.
2. Асосий қисм.
 - а) XIII аср бошларыда қудратлар Ҳоризмшоҳлар дағынан.
 - б) Мўғулларнинг Ўрта Осиёга бостиб кириши.

в) Оловиддин Мұхаммаднинг тутган қарбий йүли ва Жалолиддин Мангубердиннинг мұғул босқинчиларига қарши оліб борган миллий – озодлік кураши.

г) Синд бүйідеги тарихий жаңг иштегендегі курашлардың мұғулларга қарши сұнгги курашлари.

3. Хулоса.

Фойдаланилған адабиётлар.

Мустақил ишнинг кириш қисмини ёритищда дастлаб XIII аср бошларида Мұғалистон ҳудудидеги қавмлар, қабылалар, үртасидеги курашларда енгіб чиққан Чингизхон (Темучин) ҳақида, уннинг хон этиб сайланиши ҳамда, атроф ҳудудаларини аста – секін үзиге бүйсундириб олиш жараёнларини баён этиш керак бўлади. Шунингдек, кириш қисміда Чингизхоннинг ҳарбий құдрати қақида алоҳида тұхталиб ўтиб, уннинг жорий қылган қонуналари, құшин ва лашкарлар тизими ҳақида, ҳамда давлатни бошқарищдаги усул ва қоидалары қақида ҳам қисқача изоҳ бериш мақсадда мувофиқдир. Шунингдек, Чингизхон узиннинг «Ясо» қонуналарини ишлаб чиққанлиги ва у бутун Мұғалистон давлати бўйича зинг асосий қонун булғанлиги ҳақида ҳам қисқагина изоҳ бериб ўтиш мумкин. Айни вақтда кириш қисміда Чингизхоннинг дунё тарихида үтган зинг йирик истилочи саркардалардан бири эканлигини ҳамда жуда катта ҳудудларни үзиге бүйсундириб, улкан империя яратғанлиги, ҳамда ҳасти давомида бунёдкорлық әмас, фақат босқинчилік ва бузғунчилік урушларини оліб борғанлигини умумий ҳолда таърифлаб ўтиб, сұнгра кириш қисмини якунаш мумкин.

Бу фикрларни кириш қисмида баен этишдан мақсад Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг жасоратли, бетакрор кураши ва шу йўлда қурбон бўлиши шунчаки оддий, қудрати уртacha бир рақиб билан эмас, балки, дунё миқёсидағи, шафқатсиз истилочига ва унинг қўшинларига қарши курашда рўй берганлигини ёритиб беришдан иборатdir.

Бу юздаги маълумотларни тўплашда талабага Мирзо Улугбек қаламига мансуб бўлган «Тўрт улус тарихи» номли машҳур тарихий асаридағи манбалар жуда асқотиши мумкин.

Асосий қисмининг биринчи масаласида дастлаб XIII аср бошларига келиб Хоразмшоҳ Оловиддин Муҳаммад томонидан улкан ҳудудли, ҳарбий қудрати кучли бўлган йирик империя вужудга келганигини қайд этиб ўтиш зарур бўлади. Хоразмшоҳ Оловиддин томонидан унга бўйсундирилган ҳудудлар номларини ҳам кўрсатиб ўтиш (улар 20 дан ортиқ) лозим. Айни вақтда шундай катта қудратли давлатни бошқаришда Оловиддиннинг ўз ишонч – ихтиёрининг асосий қисмни онаси бўлмиш Туркон хотунга бериб қўйиши ва бу ҳолатнинг давлат манфаатлари ишларидағи салбий натижалари ҳақида ҳам тўхтамисб ўтиш жоиз. Айни вақтда 1 – масалани ёритишда юқоридағи фикрлар билан бир қаторда Хоразмшоҳ Оловиддин Муҳаммаднинг эришган ютуқлар ва тузган империяси ташқаридан нақадар кучли туюлсада, лекин ичидан ўзига хос зиддият ва қарара – қаршиликларга тўла эканлигини ҳам кўрсатиш зарур.

Кейинги масалани ёритишда эса дастлаб Чингизхонини Оловиддин Муҳаммад давлатига жиiddий, эҳтиётлик билан муносабатда бўлганилиги унинг кучи ва қудратидан яхши хабарлор бўлганигини кўрсатиб ўтиш зарур, деб ҳисоблаймиз

Шу билан бирга, Чингизхон Хоразм давлатига, ҳарбий юриш бошлишидан аввал Хоразмшоҳ Оловиддинга йўллаган элчилари ҳамда ўзининг бу мамлакат билан тинчлик ва турли соҳада, хусусан савдо соҳасида яхши муносабатлар ўрнатиш ҳоҳишини тақлиф этиш муниозараларини албатта кўрсатиб ўтиш керак.

Шу жойда Чингизхоннинг Хоразмга ҳарбий юриш бошлишига сабаб бўлган воқеаларни, яъни юборган савдо карvonлари аъзоларининг қатл этилиши воқеаларини аниқ, баён этиб бериш керак. Чунки, бу сабаблар яхши ёритиб берилемаса, мавзу мазмунини аниқ англаб бўлмайди. Талаба 2 – саволга жавобда Чингизхон қўшинларининг Хоразмшоҳ давлатига илк ҳужумлари, хусусан империянинг энг йирик шаҳарлари бўлмиш Бухоро ва Самарқанд. Термиз ҳудудларини шафқатсизларча босиб олиши ва у ерда амалга оширилган ваҳшийликлар ҳақида бир оз тұхталиб, маълумотларни талаба, шарқшунос мутахассис олим Нурёди Тошевнинг «Жалолиддин Мангуберди» номли рисоласидан ўқиб ўрганиши ва фойдаланиши мумкин.

Кейинги масалани ёритищда, аввало, ҳукмдор Оловиддин Мұхаммад ва унинг ақлли, мулоҳазали, жасур ўғли Жалолиддин ҳақидағы маълумотларни қайд этиб ўтиши керак бўлади. Буңда аввал Оловиддин Мұхаммад табиатидаги вужудга келган кибру қалоқ, вазиятни түғри баҳолай олмаслик, ҳагто ҳарбий масалаларда ҳам онасига итоат этишилик ҳоллари каби ғүршишларни албагта ҳаққоний ёритиб бериш талабадан талаб қилинади. Чунки кўпгина давлатларни ўзига бўйсундиргаш Оловиддин ўзини «Искандари –соний» – яъни, иккинчи Искандар – леб ~~ХМ~~ атаяй бошлагани тарихдан матъум. Айни вақтда Жалолиддинга ҳам таъриф берилб, унинг саройдаги ва қўшиндаги ўрни, келажакда валияҳд бўлиб қолиши масаласида рақиблари

етарли эканлиги каби қатор зарур фазилат ва хусусиятлари ҳақида батафсил маълумот бериш лозим. Шунингдек, Чингизхон Хоразм давлатига ҳарбий юриш бошлаган вақтда душманга қарши кураш, уни қандай қарши олиш масалаларида ҳам отаболанинг фикрлари бир-бирига зид эканлиги ва отаси айтган ҳарбий усул ва таклифлар Хоразм қўшинларини маглубиятта олиб келганингини батафсил ёритиб бериш зарур бўлади. Шу ўринда йўл қўйган катта хатоликлари Хоразмшоҳнинг ўзига маглубият келтиргани ҳамда унинг, кимсасиз бир оролда шармандали ажал топганлиги ҳам ёритиб берилади.

Кейинги масала ҳақида маълумотлар бевосита Жалолиддиннинг отаси вафотидан сўнгги воқеаларни баён этишга қаратилган бўлади. Бу ўринда талаба Жалолиддиннинг душманга қарши кураш олиб бориш имкониятлари унга жуда кеч берилгани, яъни, отаси ўз ўлеми арафасидагина уни тахт этисиб тайинлаганлигини, Хоразм давлатининг, душман томонидан катта қисми ишғол қилиб бўлинганлиги жараёнларини албатта, таъкидлаш лозим бўлади.

Мамлакат қўшинини бошқариппавалроқ Жалолиддин ихтиёрига берилганда, ҳамда у таклиф қиласланган ҳарбий маслаҳатта риоя қилинганда, душман ҳужуми албатта қайтарилиши мумкин эди. Лекин шунга қарамай, Жалолиддин қолган лашкарларни ўз атрофига йиға олганлиги, душманга турли йўллар билан тез-тез талофотлар бериб турганлиги ва ниҳоят ўзига қарши жангга бевосита Чингизхоннинг ўзини отланишига мажбур этилганлиги унинг етук ва моҳир, айни вақтда ватан, халқи озодлиги учун ҳар қандай хавф-хатардан қўрқмайдиган мард, жасур шахс эканлигини талаба кенгайтириб таърифлаб бериши керак. Шу ўринда талаба Жалолиддиннинг мўгулларга қарши кураш

Дөвридеги эрншган ҳарбий ютуқлари, мұғуллардан озод қилингани күпілаб шаҳар – қишлоқтар номларини ҳам күрсагиб үтиши тавсия этилады да бу ҳақдаги фикрларни турк олими Хасан Кийикнинг «Жалолиддин Мангубердининг шахсияти» мақоласидан үрганиши мүмкін.

Кейинги масала зса Синд дарёси бүйідеги Йирик, тарихий жаңғ, яғни Жалолиддин билан Чингизхон құшинлари үртасидеги күчлар теңг бұлмаган жаңғ таърифини ёритиб берішга бағишиланады. Чунки, бу жаңғда айиқса, Жалолиддиндеги бетакрор жасорат, ҳатто шафқатсиз, асосий рақиби бўлмиш Чингизхонни қам қойил қолдирганини ҳамда унинг жасорати туфайли Чингизхон ўзининг торт ўғлдан уни устун қўйиб беихтиёр айттаи фикрлари келтириб үтиласа, Жалолиддиннинг ажойиб, мисасиз, ибратли хусусияти янада кенгроқ очилади. Дарҳақиқат, бу ҳолат Жалолиддинни ўз ватанига чексиз муҳаббатининг ҳақиқий рамзиdir.

Албатта, шу воқеадан кейин мустақил ишда Жалолиддиннинг бир неча мұғул истилочиларига қарши олиб борган тинимсиз курашлари, жумладан, Ҳиндистонда, Кавказортида, Гуржистондеги ҳарбий ҳаракатлар ҳақидағи маълумотлар баён этилиши керак. Чунки Чингизхон вафотидан сүнг Жалолиддин Хоразмшоҳининг мұғул истилочиларига қарши олиб борган кураши, ҳарбий ҳаракатлар то унинг вафотынгача бир муддат ҳам тұхтамаганлығы тарихимиздан маълум Сүнгра. 1231 йылда жасур Саркардашнинг Курдистон ҳулулида, тасодиғий бол туғайли үлім топғанлығы ҳақида баён этилады.

Ишнинг хулоса қисміда барча ёритилған масалаларға үлкемий хулоса ясалар экан, ҳастининг сүнгги йилини шафқатсиз аушманта, босқинчиларға қарши олиб борылған миляй –

озодлик курашида унга бошчилик қилишда, рақибига чекси, талофатлар етказишида ўзининг ватанпарварлик бурчини ватанига, халқига, давлатига содиқлик намуналарини курсатиб жонини фидо қилган Жалолиддин Хоразмшоҳ сиймоси, курсаттан жасорат барча даврлар учун, хусусан бугунги кундагам Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, ютуқ ва истиқболига ҳасад кўзи билан муносабатда булаётганларга қарши курашда сабот ва ибрат манбаи ролини бажаришини тўлиқ ва кенг таърифлаб бериш орқали мавзу якунланади.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Зайниддин Ҳ. Жалолиддин Мангуберди. – Т.: Фан, 1993.
2. Машарипов О. Хоразм тарихидан саҳифалар. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
3. Жабборов И. Буюк Хоразмшоҳлар давлати. – Т.: Шарқ, 1994.
4. Жабборов И. Қадимги маданият ва маънавият хазинаси. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. Абдулғозий – Шажараи Турк. – Т.: Чўлпон, 1994.
6. Мирзо Улуғбек – Тўрт улус тарихи. – Т.: Чўлпон, 1994.
7. Маҳмудов М., Маттор М. Синд соҳилидаги жасорат. – Т. Мулоқот, 1999, 4 сони.
8. Каримов Ш., Шамсуддинов. Ватан тарихи. – 1 китоб. – Т. Ўқитувчи, 1997.
9. Ўзбекистон халқлари тарихи. Акад Асқаров А. Таҳрири остида. 1 – китоб. – Т.: Фан, 1992.
10. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Шарқ 2000. (Қисқача маълумотнома) Ўзбекистон тарихи. – Т. Университет, 2003.
11. Ҳасан Кийик ўғли. Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг шахсияти. – Т.: Тафаккур журнали, 1999, 4 –сон

10. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Шарқ,
2000 (Қисқача маълумотнома) Ўзбекистон тарихи. – Т.:
Университет, 2003.

11. Ҳасан Кийик ўғли. Хоразмшоҳ Жалолиддин
Мингубердининг шахсияти. – Т.: Тафаккур журнали, 1999, 4 – сон.

IX Мустақил иш мавзуси: «Темур тузуклари»

130 йилдай ортик, давом этгани Россия мұстаммакачыл зұлмидан халос булиб, уз мустақиллігини құлға киригтан халқымиз бүтүнгә келиб мамлакатимизда халқаро аңдозалар асосида демократик жамият қуриш учун дағыл, шаҳдам қадам билан бормоқда.

Әндилікда миллий давлатчилігини қайта тиқлаёттан мамлакатимиз үз тараққиётида үмүмбашарий тажрибаларга ва айниқса, үтмиш авлоддаримиз мерес қилиб қолдирилган ижтимоий қадриятларға сұянымояқда. Шунинг учун ҳам Президенттімиз И.Каримов: «Маърифий Моварауннахр рухи, темурийлар даврида фан ва санъат гуллаб – яшнагани, Европада үйғониш жараснига ҳаётбахш тағсир эттапи, умумжағон тараққиётіга күмаклашганини англаб фахрланамиз. Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки, уни ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихида биринчи марта ягона жуғрофий сиёсий маконда эканликларини хис этди», деган сұзларни бежиз айтмаган.

Хусусан, Соғыбқирион номи мустақиллігимизнинг дастлабки ойларыда ес үз қадрини топа бошлагани, қолаверса, 1996 йилда ЮНЕСКО қароры билан Амир Темур таваллудыннинг 660 йиллик юбилей тантаналари кенг миқесіда нишонланиб, үша йил Амир Темур йили, деб зълон қилинши нафақат тарихий, маданий ва маърифий байрамимиз, балки дүнё маърифий оламида йирик воқеа бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Амир Темурнинг зуқко сиёсати, буниёдкорлик, ҳомийлик, адолат йулидаги ишлари

тарихда ўтган күпгина давлат арбоби ёки саркарлалар фаолиятида бу даражада ёрқин ва мукаммал тарзда кўзга ташланмайди. Унинг фаолияти, зиддиятларга тула ҳёти биргина «Тузуклар»нинг ўзида шу қадар аниқ ифода этилганки. соҳибқиронининг оддий инсон, оила бошлиғи, ота ва давлат арбоби ҳамда бетакрор саркарда сифатидаги фазилат, изтироб, қувончи ва андуҳларини аниқ хис қилиш мумкин. Шу маънода буюк бобомиз Амир Темур томонидан ёзиб қолдирилган «Темур Тузуклари» ва унда баён этилган фикрларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир.

Алкин минг афсуслар булсинки, ўз миалий мустақиллигимизни қўлга киритишмизга қадар бу ута муҳим нодир тарихий маңба атайлаб халқимиз зътиборидан четда қолдирилди. Бутун бу масалага жиiddий ёндашиб, ундаги қумматли фикрларни ўрганиш фурсати етди. Биз талабаларга бу мавзуни синчилаб ўрганишни ва қўйидаги режа асосида ёритишни тавсия этган бўлардик. Талаба ўз ҳоҳишига қараб режа саволларини ўзгартириши мумкин. Албатта, шунга қараб жавобларнинг ҳам жойи ўзгариади.

Режа:

1. Кириш.
2. Асосий қисм. «Темур тузуклари»нинг ёзилиши тарихига оид маңбалар ва маълумотлар.
 - а) «Темур тузуклари»нинг мазмуни ва моҳияти.
 - б) «Темур тузуклари»да баён этилган қоидаларининг ўгуниги кундаги аҳамияти.
3. Хулоса.

Ушбу мавзуни ёритиш учун талаба айвал буюк бобоми Амир Темур түгрисида мавжуд адабиётларни, айнина мустақиллик йилларида у ҳақда чөп этилган асар ва мақолаларни синчиклаб үрганиши лозим. Мавзунинг кириш қисмида «Темур тузуклари» асари яратилгунга қадар Соҳибқироннин босиб уттағи фаолияти ҳақида қисқача изоҳ берилса, ишнинг мазмун-моҳияти янада аниқроқ кўринади.

Бу ўринда Темурнинг Моварауннаҳр таҳтига келгунча бошидан кечирган турли воқеалар, Чигатой улуси хонлари уртасидаги феодал урушлар, феодал тарқоқликларга бир оз таъриф берилади. Сўнгра Темурнинг марказиашган, мустақил туркий давлатни барпо этиш йўлидаги ҳаракатлари, ҳарбий юришлари, давлатни бошқариши тизими, саркардалик маҳорати каби қатор воқеалар ҳамда қолатлар ҳақида қисқача баён этилади. Умуман, Темурнинг Марказий Осиё, қолаверса, жаҳон тарихида туттган ўрни ишнинг кириш қисмида ўз ифодасини топиши керак.

Мавзу режасидаги биринчи масалани ёритища, шуролар даврида тарихимизнинг кўпгина босқичлари қатори унинг Амир Темур тарихи билан боғлиқ бўлган даври ҳам атайлаб бузиб кўрсатилганилиги ҳақида тұхтаб ўтиш жоиздир. Негаки, биз бутун онгли, юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ – автори билан ўзгаларга ибрат була оладиган билимли, маърифатли коми ғенсонларни тарбиялашдек улуғвор вазифани бажариш учун ёшларга ўз тарихимизни чуқур үргатишимиш керак бўлади! Президентимиз таъкидлаганидек, тарихни яхши билмай туриб юксак маънавиятга эришиб бўлмайди.

Талаба мустақил ишни ушбу сатрларини кенгроқ ёритища тарихни үрганишнинг аҳамияти, ҳаётимиздаги ўрни, келажак

тараққистимиз учун ниҳоятда бебаҳо сабоқ эканлиги ҳақидаги Президентимизнинг кейинги фикрларини «Тарихий хотирасиз мажак йўқ» номли рисолада баён этилган мулоҳазалардан олиши мумкин.

«Темур тузуклари» соҳибқирон Амир Темурнинг ўз қули билан ёзган қийматли тарихий ҳужжат эканлигига, унинг фарзандларига, ўзидан кейинги қоладиган авлодларига қолдирган сиёсий васияти, сиёсий ҳуқуқий қарашлари туплами эканини англамоқ керак.

Шунингдек у, бебаҳо тарихий асар Темурнинг ҳарбий – сиёсий фаолияти ҳамда давлатни бошқариш ишидаги қонун – қондалар тизимидан ҳам маълумот берувчи мухим манбадир. Шу боис у дунё халқарининг кўпгина тилларига ўтирилган ва куплаб ҳукмдорлар бу асарни давлатни бошқариш фаолиятида узларига дастур сифатида ҳам қадрлаганлар ва фойдаланганлар. Шоҳ Жаҳон (1628 – 1657й). Қўйқон хони Муҳаммад Алихон (1821 – 1842й). Бухоро амири Абдулаҳадхон (1885 – 1910й) шулар жумласидандир.

«Тузуки Темурий», «Воқеоти Темурий» ва бошқа номлар билан Шарқ ва Фарбда машҳур бўлган, кўпгина тилларга таржима қилинган, мамлакатимиздан ташқари Англия, АҚШ, Франция, Дания, Финландия, Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Миср ва яна қатор замлакатлар кутубхоналарида ардоқланиб сақланаётган «Темур тузуклари» ҳақида турли фикрлар мавжудлигига эътибор бермоқ мозим. Масалан, баъзилар китобни амир Темурнинг ўзи ёзган масалар, баъзилар уни бошқалар томонидан ёзилган деб ҳисобладилар. Ҳар ҳолда, китобни Амир Темурнинг ўзи ёзганлигига рус тарихчиси М.И.Иваниннинг фикрига ургу бериш керак. Шунингдек, ушбу масалани ёритишда «Темур

тузуклари»нинг асл нусхаси ҳалигача тонилмаганлигига, уни ғиб китобининг пайдо бўлиши ҳақида кўпгина баҳслар мавжудлини ҳам диққатдан четда қолмаслиги керак. XVII асрнинг биринчи ярмида яшаб утган ҳиндистонлик йирик тарихчи олий Абдулҳамид Лоҳутий ўзининг «Подшонома» номли асари шундай дейди: ҳижрий 1047 й., милодий 1637 – 1638 йили Мир Абу Толиб ал Ҳусайнин ат – Турбатий деган шахс шоҳ Жаҳонга «Тузуки Темурий»нинг форсийча таржимасини тақдим этган Подшо Шоҳ Жаҳон у билан танишиб чиқиб, уз қози қалони замонасининг катта истеъдод эгаси бўлмиш ёзувчи Муҳаммад Афзал Бухорийнинг қўлига берган ва гаржимани соҳибқирон Темурнинг сарой тарихчиси Шарафиуддин Али Яздийнинг машҳур асари «Зафарнома»га солиштириб чиқишни буюрган.

Бизгача етиб келган ҳозирги «Темур тузуклари» уша ат – Турбатийнинг таржимаси асосида яратилган китобдан кўчирма эканлигини ҳам унутмаслик керак бўлади. «Тузуклар»нинг ёзилиш тарихи ҳақида гапирганда, уни 1783 йилда Англияда 1785 ва 1891 йилларда Ҳиндистонда, 1868 йилда Эронда босмадан чиқсанлиги, яна 1787 йилда француз, 1868 йил инглиз, 1845 йилда урау, 1894, 1934 йилларда рус, 1835 – 1857 йилларда эски узбек тилинда тулиқ бўлмаган нусхаси ва ниҳоят 1991 йили уз она тилимизда тулиқ чоп этилганлигини ҳам кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Хуллас, ҳалқаро миқёсдаги йирик олимлар тарихчилар, шарқшунослар эътиборига ва баҳсига сабабчи бўлган ушбу асарни Темур ўзи ёзгани ёки айтиб ёздирганидан қатъий назар, ишончимиз комил – ки, ундаги барча баён этилган фикр, маълумотлар Соҳибқиронга шахсан тегишли дейилса муболаға бўлмайди.

Иккинчи масалага жавоблар, албаттга, 1 ва 3 масалага берилдиган жавобларга иисбаган ҳажман күпроқ бүлини табиин-чунки, бу параграфда асарнинг асосий моҳияти түлиқ ёритилиб берилши керак. Ушбу масалани ёритишда «Темур тузук»лари давлатни бошқариш йуллари, унинг қонуни – қондаларини узида ифода этган ҳар томонлама юксак даражадаги түплам эканлигини қайл этмоқ лозим.

Маълумки, Соҳибқирон бобомиз бизга мерос қилиб қолдирған бу асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда унинг етти ешдан, то умрининг охиригача булған ҳаёти ва шу давр менде Моварауннахрда ҳокимиятни қўлга ғиритиш, марказлашганди кучли давлатни барпо этиши учун Темур томонидан олиб борилган бениҳоя катта ҳаракатлар баён этилган. Биринчи қисм воқеаларига таъриф беришда Темур билан боғлик барча тарихий жараёнларни бўён этиш шарт энchas, чунки кириши қисмида унинг йирик тарихий шахс эканлигига тұхталыб ўтилган эди.

Шундай бўлса – да, бу қисмда муҳим тарихий ҳолатларга, албатта, алоҳида ургу берил ўтиш керак бўлади. Айниқса, «Тузуклар»нинг 1 қисмига оид воқеаларнинг барчаси ҳақидаги маълумотларни баён этишдан аввал, Темур албатта уша масалага доир кенгаш утказганинги таъкидлаб ўтади. Шу маъниода ғалаба давлатни, салтанатни бошқариш, ҳарбий юришларни амалга ошириш, ғалабага эришиш ва, умуман, ҳар бир жиiddий ишни амалга оширишда кенгашлар, яъни маслаҳат йиғинлари чақиришининг катта аҳамиятга эга эканлигини ўз мuloҳазалари билан баён этишга ҳаракат қиласа, фикримизча «Тузуклар»нинг ушбу қисмидаги мазмун – моҳиятпининг ёритилиши билан бирга «сар аҳамияти ва ибратларини ҳам яққол кўзга ташланди-

Шунингдек, талаба мустақил иш режасининг бу көнгөйлүк кенгашилар, тәдбиrlар натижасида Темур эришган ютуқ, мағалабалардан бир неча мисол ҳам көлтириши мумкин. Асарниң иккинчи қисмида Амир Темурниң үз фарзандлари, ворисларига қолдирган васиятлари, панд – насиҳатлари битилган.

«Темур тузуклари»нинг мазмун – моҳияти ёритилаетганды Соҳибқирон давлатни идора қилишда үн икки қоидага асосланғанлиги, булар қайси қоидалардан иборатлигини күрсатиб үтиш лозим. Асарниң бу қисмида баён этилганидек, Темурниң олиму донолар, уламолар, исломниң фидойи вакиллари, турли ҳунарларниң ажойиб соҳиблариға муносабатлари масаласини, жумладан, унинг ҳузурига келиб мурожаат қиласидиганлар, ким булишидан қатъий назар, уларга илтифот билан ёндашишни ҳам талаба назарда тутиши лозимки, бу хусусиятлар албатта барча ҳукмдорларга ибратлиидир. Айни вақтда талаба асарниң ушбу қисмига таъриф берар экан, Темур давлатида ҳарбий йұналишга, құшинга муносабат масаласига алоҳида тұхталиб үтиш зарур, чунки, ҳар бир давлатниң ҳарбий құдрати ҳарбий соҳаниң яхши ташкил этилғанлигига борлықдир.

Тузукларниң II қисмини ёритишида талаба Темур салтанат бошқаришнинг қонун – қоидаларини 12 тоифа ёки йұналиш асосида юргизған бұлса, айни вақтда уни үз құлида мустаҳкам ушлаб туришни ва үзига ҳар томонлама бүйсунған ҳолатда туришини ҳам алоҳида 12 тузук асосида олиб борганини баён этиши керак бўлади. Ушбу кейинги 12 қонда бевосита барча ҳукмдорлар, подшолар учун ҳам фойдали қоидалар эди.

Шунингдек, сарой амалдорлари, лашкарбошилари, сипоҳларини үз вақтида рағбатланғырып, улар үртасидаги үзаро муносабатлар, ҳарбий юришларда қандай ҳаракатда булиш каби

Хатор вазифа ва бурчларни маҳорат билан үюнтирилганлиги ҳам тузукларда баён этилганигини талаба мустақил ишда кўрсатиб бериши зарур. Айни вақтда, мустақил ишда ушбу асаддаги энг муҳим томонларидан бири бўлмиш – Темурнинг эдан олинадиган турли хирожлар, мамлакатни ободонлаштириш ва юксалтириш, хавфсизлигини таъминлаш, умуман, барча жабҳаларда тартибли ҳолатларни жорий этганлигини ҳам ёритиб бериши керак бўлади. Бу эса асарнинг қимматли томонларидан бири эканлигидан далолатдир.

Шунингдек, Темурнинг чуқур зътиқодли эканлиги, дин пешволарини ҳўрмат қилиши, эл назарига ва ҳурматига сазовор бўлган шайх ва авлиёлар қабрларини тузатиб, таъмирлаш ишларига ҳам доимо зътиборли бўлганлиги ҳақидаги фикрларни ҳам мустақил ишга киритиш лозим. Хуллас, режанинг II масаласига жавоб тариқасида асарнинг асл мазмун – моҳияти, мақсадлари, ўз аксини топиши учун талаба астойдил ҳаракат қилиши керак.

Режанинг учинчи масаласини ёритища, «Темур тузуклари»да баён этилган қоидаларнинг бутунги кунда, мустақилликни қўлга киритиб, миллий давлатчилигимиз тарихида том маънода янги давр бўлмиш, яъни, юртимизда демократик тамојилларнинг барча талабларига жавоб берадиган даражадаги давлатимизни қуришда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиш керак. Масалан, Амир Темур мазкур асарида сипоҳлар, армия, молия, мулк ишлари билан шугууланувчи вазирлар, уларнинг ниҳоятда пок ва адолатли бўлишлари тўғрисидаги фикрлари, мамлакатдаги маърифат ишларига доим катта аҳамият бериш кераклиги ҳақидаги ва бошқа қимматли ўтилари бугун учун катта ибрат мактабидир. Хусусан, шу ўринда Темурнинг

ҳарбий юришлари құллаган ҳарбий усуллари Еарб мамлакеттің арғы құкмдорлари фаслиятіда, масалан, Француз харбиј академиясында ҳарбиий машғулоттарда құлланма бўлиб ҳизмат қылғаннанги, умуман, бу асар аввалги даврлар ва ҳозирги күнде ҳам давлат бошқару в ишларида, ҳарбий ва бошқа соҳаларда пін юритишида раҳбарларга, құкмдорларга доимо зарур бўлғандиган қимматли асар бўлиб қолажаклигини талаба ўз ишинда ал охнада ургу билан таъкидла курсатиши зарур.

Темур ўз вази рларига васият қилиб шундай дейди: «Яна тажрибамда куриб билдимки, давлат агар дину ойин (көнда) ассоцида қурилмас э кан, уңдан салтанатни шукучи, құдра ти ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга үхшарким уни кўрган ҳар ким са назарини олиб қочадур. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги, тусиги йўқ уйга үхшайди».

Амир Темурниң бу нодир фикрларини нақадар ҳаёт ий ва тўғри эканлигини ҳозирги ҳаётимиз исботлаб турганиннің ҳам курсатиш зарур. Ҳақиқатан ҳам, мафкурасиз, қонуғисиз, тартибсиз қолган мамлакат ўғрилар, жосуслар, террорчиилар, сотқинлар ютига айланиб қолаёттанлиги ҳақида күплаб мисоллар келтириш мумкин. Иш якунида ҳар бир саволга ёзишган жавоблардан келиб чиқсан ҳолда уларни умумлаштириб, талаба ўзининг фикрлари билан ишни ниҳоясига етказади.

Мустақил ишнинг хуроса қисмida эса талаба иш режасидаги барча саволларга берилган жавобларни қисқа, лунда шаклга келтириб, фикрларни умумлаштиради ҳамда мустақил ишга умумий якун ясалди. Сунгра эса ушбу ишни тайёрлашып қандай манба ва адабиётлардан фойдаланғаннанги ҳақидаги рұпхатни баён этиши ҳам ёддан чиқмаслиги керак.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йуқ. – Т.: Шарқ, 1998.
2. Херман Вамбери. Бухоро ехуд Моварауннаҳр тарихи. – Т.: Рафур Ғулом нашриёти, 1990.
3. Амир Темур Кўрагон зафар йўли – Т.: Нур, 1992.
4. Муминов И. Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган урни ва роли. – Т.: Фан, 1993.
5. Темур тузуклари. – Т.: Чўлпон, 1991.
6. Хильда Хукхэм. Етти иқлим султони. – Т.: Адолат, 1999.
7. Каримов Ш., Шамсуддинов Р. Ватан тарихи. Биринчи китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
8. Иброҳимов А., Султонов Ҳ., Жўраев Н. Ватан тўйғуси. – Т.: Ўзбекистон, 1996. Ўзбек совет энциклопедияси. – Т.: ЎСЭ бош редакцияси, 1978, 41 – бет.
9. Ўзбекистон тарихи. – Т.: «Университет», 2003.

Х.Мустақил ғаз мавзуси:

Туркистон халқарининг чоризм мустамлакачилик зулмига қарши миллый – озодлик кураши

Тарихдан маълум – ки, Марказий Осиё халқлари ўз озодлик ва мустақилларни учун чет эл босқинчиларига қарши қадимдан доимо кураш олиб борганлар. Шундай курашлардан бири XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида чор Россиясининг ҳудудимиздаги ҳарбий юришлари ва мустамлакасига қарши кураш эди. Чоризмнинг босқинчилик сиёсати натижасида минглаб бегуноҳ ажоддларимизнинг ёстиги қуриди, мустамлакачилик азобларига дучор этилди.

Президент И.Каримов уша даврга бебаҳо бериб шундай деган эди: «Подшо Россияси Туркистонни босиб олгач, халқнинг қонини тұқыб, үлканинг Россия империясининг мустамлакасига атлантириди... бутун турмушни ағдар – тұнтар қилиб юборди, үндаги халқларни бутун турмуши, урф – одатлари, маданий шегизлари зұравонлық билан барбод этилди».

Шуни айтиб үтиш жоизки, Россиянинг Туркистонга босқинчилик юришлари ва уни қонға ботириб үзига бүйсундирилиши тарихини үрганишга түрлича ёндашилган. XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида чоп этилган адабиётлар, мақолаларда үлкани рус подшо қүшинларни томонидан урушиб, босиб олингани очиқдан очиқ баён этиб келинган. Бу ҳолат совет даврининг 20 – 40 йилларида ҳам күзга ташланади. Лекин XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб, бу масалага бутунлай тескари, янын босиб олиш үрнини «қүшиб олыш» деган ибора билан алмаңди ва шуни ишлатиш одат тусига айланди. Бу эса тарихимизни мутлақо сохталаштириш эди. Шунингдек адабиётлар ва мақолаларда рус қүшинлари жангларини ёритишга

купроқ, ұтыбөр бериліб, махаллай, тұб ахосыннан босқынчиларға қарши курашлари деярли күрсатылмай келинди.

1950 – 1980 йилларда ёзилган тарихий асарлар үлканинг босиб олининиң ва мустамлакачилик сиёсатини эмас, балки, үлкани Россияга құшиб олинішининг прогрессив» томонларини ёритишига ва уни кенг тарғибот қилишига алоқида ургу берилді. Хуллас, шуролар даврида Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиннишинг чукур ва атрофлича, ҳаққоний үрганишига имкон берилмади. Беҳад шукурки, мустақиалигимиз арафаларидан ва, айниқса, мустақиалигимизнинг дастлабки күнлариданоқ тарихимизнинг ана шу ниҳоятда сохталаштирилган даврларини исбот, даиллар асосида ҳаққоний ёритишига киришилди ва талайгина ишлар амалга оширилди.

Ушбу мустақиил ишнинг мавзуига кура, чор Россияси томонидан Туркистоннинг ваҳшийларча босиб олинниши ва мустамлака даврарида аждодларимиз олиб борган миллий озодлик курашларини ёритиб беришлари керак. Талаба ұтыборига мустақиил ишни қуйидаги режа ва адабиётлар рұйхатини тавсия этамиз.

Режа:

1. Кириш. Чор Россияси ұжымдорларининг Туркистон ұлкасига қарши дастлабки ұлкесінің тайёргарлік ва уринишлари.

2. Асосий қисм:

а) Чоризмнинг Туркестон ұлкасини ваҳшийларча босиб олиш жараёнлари.

б) Рус босқынчиларига қарши 1850 – 1880 йиллардаги халқ курашлари. Етимхон, Пұлатхон құзғолонлари.

в) 1892 йилдаги Тошкентда вабо муносабаты билан ва 19
йилдаги Андижондаги Дукчи Эшон қўзғолонлари ва уларни
аҳамияти.

г) 1916 йилда Туркистондаги мардикорчиликка қараш
курашлар. Жиззах қўзғолони.

3. Хулоса. Миллий – озодлик ҳаракатларининг сиёсий-
ижтимоий аҳамияти.

Мустақил ишга тайёргарлик кўраётган талаба ҳар
сафаргидек тавсия этилган адабиётлардаги мавзуга доир
маълумотларни ўзлаштириб олиши зарур.

Режанинг кириш қисмида талаба Туркистон ўлкаси, унинг
меҳнаткаш халқи, ер ости ер усти бойликлари, айниқса, унинг
миллий бойлиги бўлган шахтасига Чор Россияси ҳукмдорлари
император Пётр1 давриданоқ ҳукмрон бўлишни орзу қилиб,
режалаштириб келганликларини ва шахсан Пётр1 нинг
топшириги билан дастлабки уринишларни қисқача ёритиб
бериши керак. Айни вақтда бу уринишлар давоми XIX аср П
ярмида, Россия – Туркистон йўналишининг асосий йўллари
бўлган ҳозирги Қозогистон ҳудудида босқинчилик мақсадида
қилган ҳарбий тайёргарликлар, бу ҳудуддаги дастлабки
босқинчиликларга талаба қисқача таъриф бериб ўтишини
маслаҳат берамиз. Шундан сўнг подшо қўшинларининг
Туркистон ўлкаси ҳудудларига яқинлашиб келиши ҳақидаги
фикрлар билан кириш қисмига якун ясаш мумкин бўлади

Талаба шуни назарда тутиши керакки, 4 соатта
мўлжалланган ушбу мавзуга доир маълумотлар, воқеалар ҳажмий
кўп бўлиши мумкин.

Мавзунинг биринчи саволи Туркистон үлкасини Чор Россияси томонидан ваҳшийларча босиб олиниши воқеаларини басшига бағишиланган бўлиб, бу улкан жараён деярли 30 йилдан ортиқ чўзилиб борган. Демак, талаба ушбу жараен воқеаларининг муҳим, асосий ҳолатларини аниқ фикрлар билан, исқа ва лўнда баён этиб бернишга ҳаракат қилиши керак. Чунки, бу босиб олиниш воқеаларига бағишиланган алоҳида мавзумиз мавжуд.

Талаба ушбу масалада рус армиясининг үлкамизга ҳужуми учун кўп йиллар тайёргарлик кўргани, ҳарбий қуввати, бу ҳужумга рус подиссичининг йирик қўмоидонлари сафарбар этилгани, айни вақтда үлкамизда мавжуд учта хонлик ўртасидағи қарама – қаршилик, зиддият, аҳиласизлик туфайли вужудга келган, умумий заифлик ҳолатлари ўзгалар босиб олиши учун замин гайёрганлиги ҳақидағи фикрлар устида ҳам бир оз тўхталиб ўтиши керак.

Сўнг Туркистон үлкасининг босиб олиниши, мустамлака мамлакатга айлантириб борилишини таърифлар экан, талаба үлкада Туркистон генерал губернаторлиги бошчилигидағи үлка бошқарув тизими ташкил этилишини, шунингдек. Қўқон хонлигининг тутатилиши ва Хива хонлиги ҳамда Бухоро дмирилиги Россиянинг вассалига айлантирилганлигини ҳам эслатиб ўтиши зарур. Айни вақтда Туркистон халқларининг эндишикда икки ёқлама, яъни маҳаллий амалдорлар ва яна энгemoni рус подшоси амалдорлари зулми остида эзила бошлагани, бу ҳолатлар эса секин – аста норозиликлар, бош кўтаришлар ва мииллий озодлик ҳаракатлари бошланишига олиб келиши аниқ эди.

Айниңса, рус ҳукуматининг маҳаллий аҳолига турғы солиқлар солиши, үлкани руслаштириш сиёсати ва бу сиёсат маҳаллий халқнинг уй – жой ва ерларини тортиб олиш ҳисобига амалга оширилиши, шунингдек, мустамлакачиликнинг дастлабки пайтлариданоқ Туркистан үлкасини Россиянинг хом ашё базасига айлантирилишини тезлаштирилишини, талон – Тарож зұравонлик кучайиши – буларнинг бари юқорида айтилған курашларни көлтириб чиқарған эди. Талаба шундан сүнг биринчи масала жавобларига хulosалар қилиб, иккинчи масалага тайёргарлық күриши мүмкін.

Тарихимиздан маълумки, Туркистан үлкасида рус босқинчиларига қарши, уларнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши миллий озодлик ҳаракатлари, курашлары босқинчilikнинг дастлабки йиллариданоқ бошланған эди.

Режадаги 2 – масала ана шу курашлар таърифини баен этиб беришга мүлжалланған бўлиб, талаба шу воқеаларга доир маълумотларни тарихчи олим Ҳамид Зиёевнинг «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш», Ш.Каримов Р.Шамсутдиновларнинг «Туркистан Русиё босқини даврида» ва бошқа асарлардан ўзлаштириши ҳамда улардан фойдаланиши мүмкін. Талаба Фаргона водийсидаги Етимхон, хусусан Пұлатхон, Қурмонжон доджоқ құзғолонларига таъриф бериб үтса мавзу мазмунин янада кенгрөқ, ишончли ёритилған бўлади.

Айни вақтда, талаба, бу құзғолонларнинг енгилиш сабаблар¹⁰⁴ ва уларнинг аҳамияти ҳақида албатта тұхталиб үтишини ҳам тавсия этамиз. Шунингдек, ушбу саволга жавоб ёзищда талаба бу йирик құзғолонлардан ташқари, үтган йиллар давомында маҳаллий халқ томонидан мустамлакачилар идораларига әкелінген күплаб ҳужумлар ҳақида рақамли маълумоттар

келтиришини тавсия этар әдик. Чунки тарихий воқеалар баёнида рақамли маълумотларнинг ҳам ўрни аҳамиятли ҳисобланади. Шундан сўнг талаба 2-масала жавобларини якулаши мумкин.

Мавзу режасининг 3-масаласи XIX аср охирларида рус мустамлакачиларига қарши Туркистоңда бўлиб ўтган энг йирик қўзғолонлардан бўлмиш 1892 йилдаги Тошкент шаҳрида рўй берган, «вабо» қўзғолони ҳамда 1898 йил Андижонда бўлиб ўтган Дукчи Эшон қўзғолонлари баёни ҳақидадир. Талаба 1892 йил арафаларида Туркистон ўлкаси ҳалқлари бошига кўпгина оғатлар келтирган вабо касаллигчни тарқалиши ҳақида, шунингдек, бу касаллик Тошкент шаҳрига ҳам етиб келиши ҳамда чор маъмурларининг ушбу касаллик натижалари туфаили тутган сиёсати ҳақидаги воқеаларни батафсил баён этиб бериши керак. Шунингдек, қўзғолоннинг келиб чиқиши, тўқнашув жараёнлари ҳамда унинг маҳаллий ҳалқ учун фожиали натижаларни аниқ мисол ва рақамли далиллар билан таърифлаб берилиши мақсадга мувофиқдир. Тошкентдаги бўлиб ўтган қўзғолон ҳақидаги фикрлар яқунлангандан сўнг талаба 1898 йилдаги Андижон қўзғолони, яъни, тарихимизга Дукчи Эшон қўзғолон номи билан кирган воқеалар мисолларини ёритишга ўтади. Талаба, аввало, биз кўраёттан даврларда ўлгадаги, хусусан, Андижон вилоятидаги сиёсий ҳолатларга, айниқса, Дукчи Эшондек ўзига хос катта обрўга эга бўлган одамни қўзғолон кутаришга мажбур этган кўринишларни баён этишдан бошлагани маъқул. Дукчи Эшон (Муҳаммад Али Халфа) сиймосига бир оз таъриф бериб, ҳалқ орасидаги обрў – эътиборга ҳам ургу бериб, унинг сабабларини кўрсатиб утиш жоиз, деб ҳисоблаймиз. Сўнгра талаба қўзғолонга тайёргарлик, уни амалга оширилиш

кўринишларини ишда тўлиқ акс эттиришга ҳаракат қиласони лозим.

Шунингдек, мустакил ишда бу қўзғолонга қарши чор маъмурларининг кўрган чора – тадбирлари ҳақида, қўзғолоннинг мағлубиятга учраши ва яна энг ачинарли томонларидан бири бўлмиш – ўз миллатимиздан чиққац сотқиналар туфайли Дукчи Эшоннинг қўлга туширилиши каби воқеалар очиқ – ойдин таърифлаб берилиши керак. Рўйхатда келтирилган адабиётларни деярли барчасида ушбу тарихий қўзғолон воқеалари батафсил ёритилган бўлиб, талаба ушбу матъумотлардан унумли фойдаланиши мумкин. Шунингдек, бу қўзғолон мағлубиятга учраган бўлса ҳам, тарихимизда ўзига хос алоҳида ўринга эга эканлиги ҳақидаги фикрлар билан 3 – масала жавобларини ҳулосалаш мумкин.

Режанинг 4 – саволи чоризмга қарши миллий – озодлик курашлари тарихидан катта ўрин олган 1916 йилдаги Туркистонда мардикорликка қарши кутарилган йирик қўзғолон ҳақида бўлиб, талаба, аввало, ушбу қўзғолоннинг келиб чиқиш сабабларини батафсил ўрганиб, сўнг ёритиши керак. Бу ўринда талаба 1 – жаҳон уруши, унда Чор Россиясининг иштироки, уруш қийинчиликларининг бари кенг меҳнаткаш омма, жумладан. Туркистон халқлари зиммасига ҳам тушганлиги ҳақидаги фикрлариги баён этиши талаб этилади. Ва ниҳоят, қўзғолоннинг бошланисига сабаб бўлган Подшонинг Туркистон халқларидан мардикорликка олиш ҳақидаги фармонининг мазмунига изоҳ бериш зарурати бор. Талабанинг шу воқеалар таърифида бу фармоннинг Туркистоннинг маҳаллии халқи учун нақадар ижтимоий – иқтисодий қийинчилик вужудга

елтиришини аниқ баён этиб бериши ишнинг моҳиятини янада очади.

Шундан сўнг талаба бу қўзғолон бутуни Туркистон буйлаб кенг қулоч ёйганини, хусусан, Жиззах шаҳрида кутарилган қўзғолон чор ҳукуматини қаттиқ ларзага солганини, қўзғолон жараёнини, унинг раҳбарлари номлари таърифлаб берилса, айни муддао бўлур эди. Туркистон генерал – губернаторининг бу улкан ҳаракатга қарши ниҳоятда қаттиқ чоралар куриши, қўзғолоннинг шафқатсизларча, ваҳшийларча бостирилиши ҳолатларини талаба аниқ мисоллар билан кўрсата олиши керак.

Шу ўринда уларга берилган жазолар, ваҳшийликларни ҳам албатта тилга олиб утиш шарт. Чунки чор ҳукумати қўзғолончилардан нафақат олий ва қаттиқ жазолар билан уч одді, балки бир неча ўн минглаб эркакларни мардикорлик ишлари учун олиб кетишга ҳам эришган эди. Буларни бари албатта тарйхимизнинг энг аламли, изтиробли саҳифалари булиб қолажагини талаба яна бир бор таъкидлаб утиши жоиз. Юқоридаги воқеаларнинг тўлиқ баёнидан сўнг талаба ушбу саволга жавобларини ҳам якунлаши мумкин.

Шундан сўнг мустаҳил ишнинг хуроса қисмига тегишли бўлган маълумотлар баёнига утиш керак. Хуроса қисмida мустамлакачилик давридаги миллӣ – озодлик курашлари аҳамияти умумлаштирилади ва бу курашларнинг ҳозирги қундаги аҳамияти, Ўзбекистонимизнинг мустаҳилликка эришувининг асосий пойдевори бўлиб хизмат қилишида катта роль уйнаши ҳақидаги фикрларни баён этиши зарур.

Шунингдек, ишнинг бу қисмida талаба юртимиз тарихидан мустаҳкам ўрин олган миллӣ – озодлик курашлари элу

халқымызни, хусусан, ёшларимиздинг үз юрттнн сенишіда, уларда ватанпарварлық ҳис – түйғуларини шакллантириши на ривожлантиришда, мустақиллі – гимиз қадрига етиб, уни авайлаб – асраб, улуғлаб, зәңг ривожланган давлатлар қаторига күтарищдек шарафли, масъулиятли ишларга ҳисса қүшишіда улкан ажамият касб этишни алоҳида ургу билан эслатиб үтиши хақидағи фикрлар билан мустақил ишга умумий якун ясайди.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йүқ. – Т.: Шарқ, 1998.
2. Тилеуқұлов С., Утеберғанова У. Туркистан мустақилліги учун курашлар тарихидан. – Т.: Халқ мероси нашриёти, 1996.
3. Каримов Ш. Қафасдаги құш орзуси. – Т.: Фан, 1991.
4. Зиёев Д. Туркистон милий озодлик ҳаракаты – Т.: Е.Фулом нашриёти, 2000.
5. Мажид Ҳасаний. Туркистан босқини. – Т.: Нур, 1992.
6. Тозир Қаҳжор. Ҳур Туркистан учун. – Т.: Чұлпон, 1994.
7. Мажид Ҳасаний. Юрг бүйнідеги қилич ёки истило. – Т.: Адолат, 1997.
8. Зиёев З. Туркистанда Россия тажовузи ва ҳұкмронлигига қарши кураш. – Т.: Шарқ, 1998.
9. Каримов Ш., Шамсуддинов Р. Туркистан Русиё босқини даврида, Андижон, Мерос, 1995.
10. Набиев А. Мустақиллік учун кураш ёхуда парчаланган Туркистан тарихи. – Т.: Ёзувчи, 1998.
11. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон тарихи. – Т.: Шарқ, 2000.

12. Раҳимов Ж. Узбекистон тарихи. – Т.: Шарқ, 1999. (11 синф)
13. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистоннинг яиги тарихи. 1 – жилд. – Т.: Шарқ, 2000.
14. Ўзбекистон тарихи. – Т.: «Университет», 2003.

XI. Мустақил иш мавзуси:

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқининг фашизм устидан эришилган ғалабага қўшган ҳиссаси

Инсониятнинг энг даҳшатли душмани бўлган уруш жараёнлари ҳам ўз тарихига, оқибатларига, сабоқларига эгадир. Урушлар адолатли ва адолатсиз урушларга бўлинади, яъни босқинчилик ҳамда миллий – озодлик урушлари бўлиб, ҳар иккала урушда ҳам барча огирилик меҳнаткаш халқ оммаси зиммасига тушади. Афсуски, дунёнинг гуллаб – яшнаши, уруш олови билан вайрон бўлиши табиатнинг энг онгли маҳсули бўлган инсонга боғлиқ экан, демак, бунёдкорлик ҳамда бузғунчиликнинг сабаби инсондир. Улар ўртасида қадимдан зиддият, қарама – қаршилик, кураш шу кунгача давом этиб келмоқда ва бундан кейин ҳам бўлади.

Ўтмишнинг ҳар бир даврида катта – кичик урушлар бўлиб, миллионлаб инсонлар ҳаёти бемаҳал қисқариб борган. Урушлар тарихини синчиклаб ўрганиб, унинг оқибатлари, даҳшатли натижаларини авлодларга улкан сабоқ сифатида билдириб бориш ҳам барчанинг, хусусан, тарихчи олимлар, педагогларнинг муҳим вазифаси ва бурчидир.

Инсоният тарихида айниқса, XX аср тарихий жараёнларида энг мудҳиши бўлган иккинчи жаҳон урушининг тутаганига ярим асрдан кўпроқ вақт ўтганлигига қарамай, ҳалигача бу мавзу тарихига қизиқиш сусайгани йўқ. Бу мавзуга доир янги – янги ҳужжатлар топилиб, ўрганилиб, илмий хуносаларга айлантирилмоқда. маълум бўлган айрим далиллар эса, тарихий изланишларда янгича, хаққоний изоҳланмоқда. Бугунги мустақиллик даврида ана шу уруш йилларида ўзбек халқининг фашизм устидан

Эрнинилган ғалабага қўшган ҳиссасини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бу мавзуни ўрганиш ёшлиларимизда халқимиз жасоратидан мағуруланиш туйгуларини уйғотиб, уларнинг Ватанни, эл – юртни севувчи, тинчлик ва осойишталикинг қадрига етадиган киппилар булиб тарбияланишиларида катта омил булиб хизмат қилади.

Талабаларга бу мавзуни биз қуийдаги режа асосида тайёрлашиши тавсия қиласиз.

Режа:

1. Кириш.

2. Асосий қисм:

а) Иккигичи жаҳон урушининг келиб чиқиши сабаблари.

б) Урушнинг бошланиши. Ўзбекистон уруш йилларида.

в) Ўзбекистон халқи ва жаңгчиларининг ғалабага қўшган буюк ҳиссалари.

г) Мустақил Ўзбекистоннинг дунёда тинчликни сақлаш ишига қўшаётган ҳиссаси.

3. Хуроса.

Ишнинг кириш қисмида талаба яқиндагина тарихимиз таркибидан учмас ўрин олган XX асрдаги халқаро сиёсий воқеаларга, хусусан, асрнинг энг йирик қирғин – барот Урушларига, уларнинг натижаларига бир оз тұхталиб ўтса, иш мазмунининг пойдевори ҳам мустаҳкам булади. Имкон бўлса мисоллар, рақамларга ҳам мурожаат қилиб баён этилса, ўзига хос аҳамият касб этади. Масалан, 1 – жаҳон Уруши (1914 – 1918 й.) ўз домига 38 мамлакатни ва салкам 70 млн инсонни торттани, СССРдаги 1917 – 1921 йиллардаги

фуқаролар уруши 2,5 млн. кишини, 1960—65 ва 1965—75 йиллардаги Веътнам урушлари 6 млн. 450 минг кишинини ёстигини қуритгани каби аниқ мисоллар шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, XX асрда эришилган цивилизация қай даражада улкан бўлса, ундан бир неча баравар кўп миқдордә қирғинлар ҳам бисёр бўлганлигини талаба ишнинг кириш қисмида ёритишга ҳаракат қилиши керак. Бу маълумотларни ўзлаштиришда, талабага тавсия этилган адабиётларни топиб фойдаланиш жуда қўл келади.

Режадаги 1--масалани ёритишда, энг аввало, иккинчи жаҳон урушининг келиб чиқиши сабабларига қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Шу ўринда фашизм сўзига қисқача изоҳ бериб, фашизмнинг мақсади ва унинг асослари дастлаб қаҷон, қайси давлатда вужудга келганилиги ҳақида (Муссолини—Италия) ҳам маълумот берилса, айни муддо бўлур эди. Хусусан, Германияда Гитлернинг ҳокимият тепасига келиши, унинг бевосита иштирокида дунёнинг турли бурчакларида уруш ўчоқларининг вужудга келиши. Чунончи, 1931—1932 йилларда Япония томонидан Хитой шимолий—шарқий қисмининг босиб олиниши, Италиянинг 1935 йилда Ҳабашистонга, 1939 йилда Албанияга, 1935—1939 йилларда Германия ва Шимолий Италиянинг Испания Республикасига ҳужуми, 1937 йилда Япониянинг Шимолий ва Марказий Хитойга бостириб кириши, бу шароитда собиқ СССР ҳукумати раҳбарияти воқеаларнинг бундай ривожига муносабатларига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир.

Шунингдек, 2—жаҳон уруши келиб чиқишида фашистлар Германияси ва милитаристик Япониядан ташқари Англия

Франция сиёсий ҳукмронларининг ҳам каттагина жавобгарлиги бор эканлигини талаба зътиборга олиб, ишда курсатиши керак. Бу ўринда улар Гитлернинг уруш масаласидаги сиёсатини, колаверса «большевизм балосини йўқ қилиш»га бўлган ишларини қўллаб—қувватлаганини, кўп жиҳатдан ёрдам берганини кисқача изоҳлаб бериш ишнинг мазмунини ва саволга жавобнинг мазмунини янада очади.

Айни вақтда 2—жаҳон урушининг келиб чиқиши сабабларидан мухими бўлмиш 1938 йилда Австриянинг Германия таркибиغا қўшиб олиниши ва 1939 йил сентябрдаги Мюнхен битингузи воқеалари ҳақида ҳам талаба алоҳида тўхталиб ўтса, айни муддо бўларди. Шунингдек, 1939 йил август ойидаги СССР ва Германия ўртасидаги бир бирига ҳужум қиласаслик ва бошқа масаладаги шартнома ва унинг натижалари ҳақидаги сўнгги аниқ маълумотлар мустақил ишдан ўрин олиши керак бўлади. Бу ҳақдаги маълумотни талаба, «Ўзбекистоннинг янги тарихи» китобининг 2—жилдидан ўзлаштириши мумкин.

Бу урушнинг келиб чиқиши сабаблари, айбдорлари ҳақида сўз юритилар экан, унда собиқ иттифоқ ва Германия раҳбарларига алоҳида ургу берилади, чунки бу урушнинг бошланишида бу давлатлар раҳбарларининг ўз мақсадлари асосий роль ўйнаган эди.

Режанинг иккинчи масаласини ёритишда талabalар бу урушда Ўзбекистон ҳам четда қолмаганлиги, урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўлкамиз шаҳар ва қишлоқларида умумий сафарбарлик зълон қилиниб, юртимизнинг 100 минглаб асл фарзандлари қўлига қурол олиб, жангга отланганликларига, халқимизнинг аёллар, ёшлар,

кексалар, ногиронлар ва болалардан иборат қисми эса фронт ортида завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда тишинсиз машаққатли меҳнат қылганликларига алоҳида эътиборни қаратмоги керак.

Қолаверса, урушнинг дастлабки ойлариданоқ Россиядац Ўзбекистонга уруш бўлаётган йирик шаҳарлардан завод фабрика, комбинатларининг кучирилиши жараёнлари ҳамда бошпанасиз ва ота—онасиз қолган болалар юртимизга келтирилиши, уларнинг болалар уйларига жойлаштирилиш воқеалари Ўзбекистонликлар, хусусан, ўзбек ҳалқи зиммасига нақадар катта масъулият юкланганини талаба ўз ишида, албатта, баён этиши керак.

Режанинг З—масаласига берадиган жавобнинг ҳажми бошқа саволлар жавобига нисбатан кўпроқ бўлиши табиий, чунки, унда мавзунинг энг асосий мақсадлари сритилади. Ушбу масалани ёритишда талабалар ҳар доим ўз байналминалчилик бурчларига содиқлиги билан ажralиб келган ҳалқимизнинг, бу ёвуз уруш фронтлари географик нуқтаи назардан юртимиз ҳудудларидан анча узоқдан ўтган бўлса—да, ҳукмрон комфириқа ва шўролар ташвиқоти туфайли СССРни «Ватан», деб тушуниб, урушнинг охиригача унинг майдонларида охиригача мардлик ва жасорат кўрсатиб иштирок эттанликларини баён этишини ўз диққат марказларида тупишлари ҳам зарур.

Талаба ушбу саволга жавоб ёзишда шуни унумаслиги керак—ки, фашистлар Германияси устидан қозонилган улкан ғалабада ҳалқимиз ўзига хос, алоҳида ўринга эга бўлган бекиёс улуш қўшганлиги мустақил ишда ўз ифодасини топиши шарт. Шу мақсадда ушбу улкан ҳиссани бир қанча

исбот, даил, аниқ рақамлар орқали ёритиб берилса, мустақил ишнинг асл моҳияти ва мазмуни намоён этилган булади. Урушнинг дастлабки кунларидаёқ мамлакатнинг барча республикалари қатори Ўзбекистонда ҳам шаҳар ва қишлоқларда завод ва фабрикаларда, колхоз совхозларда юзлаб митинглар бўлиб ўтиб, уларда фақат бир мавзу, яъни барча уч ва имкониятни душманни қайтаришга ва енгишга қаратилганинни мустақил ишда бир оз эслатиб ўтилса яхши булади.

Шунингдек, халқимиз меҳнатни ташкил қилишда турли хил ташаббуслар билан чиққанлиги, икки, уч баробар ортиқ меҳнат қилишга даъватлар ва шу каби ҳолатлар ишда эслатиб ўтилиши керак. Урушга боришга ихтиёрий ариза ёзганларнинг аксарияти ёшлар эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. Масалан, урушнинг дастлабки кунларидаёқ Хоразм вилояти бўйича 1156 та, Тошкент вилояти бўйича 932 та, Самарқанд вилояти бўйича 1637 та, Фарғона вилоятидан 1735 та, Андижон вилоятидан 798 та, Наманган вилоятидан 267 киши фронтта боришга ариза берганлиги каби маълумотлар ҳам ишда баён этилиши кераклигини талаба ёдда тутиши зарур.

Шунингдек, уруш даврида ўзбек халқининг машаққатли меҳнатини янг энг муҳим натижаси бўлмиш 4 йил ичидаги давлатга 3 млн. 588 минг тонна пахта етказиб берганлиги каби қимматли маълумотлар ишда курсатилиши зарур. Жумладан, Ўзбекистонга эвакуация қилинган болалар ва катталар ҳақидаги рақамли маълумотларни бир оз кенгроқ курсатилса, ишнинг мазмуни янада ортади. Шунингдек, фронт учун йигилган маблағлар, иссиқ кийим – кечаклар, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳақида маълумот ёзишда аниқ

рақамлар көлтиришни, уларни кеңгрөқ баён этишини зарур, деб ҳисоблаймиз.

Айни вақтда, Ўзбекистонда тузилган ҳарбий қўшилмалар, ўқчи дивизияларнинг, ҳарбий қисмларнинг бутун уруши давомида фронтга узлуксиз юбориб турилиши Ўзбекистоннинг ғалабага қўшган чексиз ҳиссаси эканлиги мустақил ишда ўз ифодасини топиши керак. Талаба Москва, Сталинград мудофааларида жасорат кўрсатган ўзбек жангчилари номларини ҳам тилга олиши керак. Масалан, Зебо Фаниева, бўлинма командири Шермат Жўраев, снаайперлар Муҳаммад Иброҳимов, Исҳоқов, Абузеков, Юсупов, Мадаминов, Faфуров, Ҳайруллаев ва бошқалар номларининг кўрсатилиши ҳам ишнинг маъносини бойитади.

Шунингдек, ўзбеклардан биринчи Совет Иттилоғи Қаҳрамони узвони соҳиби, Қўчкор Турдиев, биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов каби қаҳрамонларимиз номларини айтиб ўтиш зарур. Партизанлик ҳаракатларида жасорат кўрсатган Ўзбекистонлик жангчилар ҳақида бир оз бўлса—да, ёритишни талаба унумаслиги керак. Шунингдек, барча соҳалар қатори Ўзбекистон маданияти ходимлари ҳам улкан ғалабага ўзларининг амалий—маънавий ҳиссаларини қўшганиклари ҳам мустақил ишда ёритиб ўтилиши зарур. Илм—фан, тиббиёт, матбуот, театр, мусиқа ва бошқа ижод вакиллари ўзларининг бор имкониятларини бу машақватли йилларда тўлиқ намоён этганлиги ҳақидаги маълумотларни талаба мисоллар ёрдамида ўз ишида кўрсата билиши керак.

Рақамларга келсак, Ўзбекистондан иккинчи жаҳон урушига 1 миллион 433,230 киши сафарбар этилди. Бу эса

ўзбекистондаги урушга яроқли аҳолининг 50–60 фоизидан ортигини ташкил этади.

Мустақил ишда жангчиларнинг Ватан уруши фронтларидағи жасоратлари ҳақида сүз борганды, Москва химояси учун оліб борилған жангларда улардан 1753 киши «Москва мудофааси учун» медалига, Сталинград останаларидағи жангларда юртимиз жангчиларидан 2733 киши «Сталинград мудофааси учун» медалига, Кавказ мудофааси учун 2974 киши орден ва медалларга, 1706 киши «Берлин олинганилиги учун» медалига, 6770 үзбек жангчилари эса, Япония милитаризмінде қарши курашда собиқ СССРнинг орден ва медалларига сазовор бұлғанлайлардың 1939–1945 йилларидаги иккінчи жағон урушининг жанг майдонларыда күрсатған жасоратлари учун ўзбекистонлик жангчилардан 120 мингдан ортиқ киши СССРнинг орден ва медаллари билан мукофотланғанлайлардың ҳақидағы маълумоттарни, албатта, курсатиш зарур.

Талабалар урушда фашизм устидан зришилған ғалабага Ўзбекистон жангчилари билан бир қаторда унинг меҳнаткашлари, олимлари, зиёлілари, ишчи ва деңқонлари ҳам катта ҳисса құшган – ликларини зәтибордан четда қолдирымасликлари керак. Меҳнатта яроқли кишиларнинг фронта кетгендегі туфайлы республикамиз – дагы завод – фабрикаларда, қишлоқ хұжалиғи ишларыда миллионлаб қариялар, вояга етмаган үғыл қыздар станок ёнида, Аалаларда мисли курилмаган меҳнат жасоратларини күрсатдилар.

Бундан ташқары, Комфирқа Марказий Құмитаси ва шүролар қукуматининг маҳсус қарорларига асосан, урушнинг

дастлабки ойларида (1941 йилнинг июль – ноябрь ойлари мобайнида) сабиқ Иттифоқининг Украина, Белоруссия Республикалари ҳамда Москва ва Ленинград шаҳарларидан 1360 та саноат корхоналари шарқий минта қаларга, шулардан 250 таси Марказий Осиё республикаларига кўчириб жойлаштириш вазифаси қўйилди.

Ана шу 250 корхонадан 100 дан ортиғи Ўзбекистон ҳудудида жойлаштирилди. Булар В.П.Чкалов номидаги Москва авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, электрокабель «Красный двигатель», «Ростсельмаш», «Кинап» ва бошқа зиводлар эди.

Ўзбек меҳнаткашлари кўчириб келтирилган саноат корхоналари жуда қисқа вақт ичидаги ишга туширилиши ва фронт учун зарур бўлган маҳсулотларни ўз вақтида етказиб беришда ўзларининг машақатли меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшдилар.

Саноат корхоналари билан бирга Ўзбекистонга Иттифоқинг уруш ҳаракатлари кетаёттан Фарбий ҳудудлари шаҳар ва қишлоқлардаги минглаб бошпанасиз қолган оиласар, етим болалар кўчириб келтирилди. Урушнинг дастлабки ойлариданоқ республика – миз меҳнаткашлари ана шундай болалардан 716 минг кишини ўз бағрига олди. Булардан 200 мингтаси ота – онасиз етимлар эди. Бу болаларнинг кўпчилиги норасида гудаклар булиб, халқимиз уларга ўзбекча исм қўйиб, ўз фарзандидек куриб, уларни вояга етказди, ўйли – жойли қилиди.

Ана шулардан бири Тошкентлик оддий темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва Шомаҳмудова Баҳри опалар оиласи булиб, бу оила ўша мудҳиш уруш йилларида ота – онасидан

маҳрум бўлган 14 болани етимлик нима эканини билдириласдан тарбияладилар, ҳаётда уз уринларини топишларига кўмаклашдилар. Талаба ушбу воқеаларни ниҳоятда таъсирили баён этишга эришиши керак, чунки бу барча ёшдагиларга, хусусан, ёш авлодга барча даврда ҳам ибрат бўладиган ҳолатdir.

Талабалар бу савони ёритища юқоридагилардан ташқари Ўзбекистон меҳнаткашларининг уруш йилларида мудофаа фондига кўп миқдорда пул, заём облигацияларини топширганилиги, бу йилларда республикамиз саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бетухтов юбориб турганлигини ёритишга ҳам алоҳида эътибор бериплари керак.

Бундан ташқари, мустақил ишда уруш йилларида Ўзбекистон саноатининг фронтта 2090 самолёт, 173,2 авиамотор, 2318000 авиабомба, бир неча миллионлаб снаряд ва бошқа турлі хилдаги қурол-аслаҳалар етказиб берганлигини, меҳнаткашлар эса, давлатга 1 млн. 806 минг тонна жун, 5 01 минг тонна мева узум ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериб, ғалабага ўзларининг бекиёс ҳиссаларини қўшганликларини фахр билан ёритишлари зарур.

Шунингдек, бу масала ёритилаётганда талабалар Ўзбекистон меҳнаткашларининг душмандан озод қилинган ҳудудлар халқига халқ хўжалигини тиклашда кўрсатган жуда катта ёрдамини ҳам эътибордан четда қолдирмасликлари керак. Масалан, озод этилган районларга Ўзбекистон 2 мингдан ортиқ трактор, автомобил, қишлоқ хўжалигига машиналар юборди. 40 минг юк ташувчи ва 3,5 минг пассажир вагонлари қурилишига материаллар ва бошқа жиҳозлар билан ёрдам берди. Украинага 8 мингдан ортиқ от

ва ҳуқиз, 170 минг қўй ва эчки юборди. Талаба шунга ухшаш мисолларни кўрсатиши мақсадга мувофиқ. Ҳар сафаргидек талаба ушбу саволни ҳам якуний фикрлар билан хulosалайди.

Режанинг 4 – саволига жавоб тайёрлашда талаба, шунга эътибор бериши керакки, юқорида баён этилган фикрлардан, маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда, ҳалқлар бошига чексиз кулфат ва оғат солувчи уруш балоси ҳар қандай давлат ва ҳалқ учун, жумладан, мустақил Ўзбекистоннинг тинч ривожи учун ҳам катта хавф эканлигини яна бир бор таъкидлаб утиши шарт. Бу ўринда ҳалқаро ҳамжамиятда тинчликни сақлаши, уруш хавфи олдини олиш соҳаларида Ўзбекистон ҳукуматининг фаол иштироки, Президент И.Каримовнинг бу йуналишда олиб бораётган оқилона ҳаракати ҳақида, шунингдек, инсонларнинг тинч, хотиржам ҳаёти ва меҳнатини бузаттган ҳолатлар ҳалқаро терроризм, наркобизнес, ақидапарастликларга қарши курашлари ҳақида ишда аниқ фикрлар кўрсатилиши зарур. Бу ҳақидаги фикрларни ёритишда талаба И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бусағасида...» асаридаги ва «Ўзбекистоннинг янги тарихи» китобининг 3 – жиҳадидаги маълумотлардан фойдаланиши мумкин. Сўнг 4 – саволни ҳам хulosalaш керак бўлади. Режадаги саволлар жавобларидан келиб чиқдан ҳолда ишнинг хulosса қисмида умумий, якуний фикрлар баён этилиши керак. Урушининг инсон учун катта сабоқ эканлиги, тараққиёт, инсон ҳаётининг ашаддий кушандаси эканлиги, шунингдек, ҳар бир онгли инсон ер юзида тинчликни сақлаш, мустаҳкамлаш энг муҳим масалалигини, уни авайлаб – асраш эса ҳар бир кишининг

бурчи ва вазифаси эканлигини талаба алоҳида таъкидлаб, сўнг мустақил ишга якун ясайди.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Ўзбекистон ССР тарихи. 4 – том. – Т.: Фан, 1971.
3. Охунбобоев Й. Танланган асарлар. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
4. Каримов Ш.К. Галабага қўшилган ҳисса. – Т.: Ўзбекистон, 1990.
5. Экономическая история Советского Узбекистана. – Т.: Фан, 1996.
6. Шамсутдинов Р. Ўзбекистонликларнинг Сталинград жангарида фашизм устидан қозонилган галабага қўшган ҳиссаси. (1941 – 1945) – Т.: Фан, 1996.
7. Пўлатов И. Буюк галабада Ўзбекистон ҳиссаси. – Т.: Ўзбекистон, 1974.
8. Муаллифлар жамоаси. Улуғ Ватан уруши. – Т.: Ўзбекистон, 1987.
9. Ўзбек совет энциклопедияси. Ў. СЭ бош редакцияси. – Т., 1979.
10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 – жилд. – Т.: Шарқ, 2000.
11. Саноқ ва сабоқ. (Қирғинлар ҳақида). «Хуррият» газетаси, 20 май, 2002.
12. Ўзбекистон тарихи. – Т.: «Университет», 2003.

XII Мустақил иш мавзуси:

Ўзбекистоңда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг шаклланиши

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Ўзбекистон тарихи" фанида бу мавзуу алоҳида ўрин тутади ва уни урганиш муҳим сиёсий, тарбиявий аҳамиятга эга. Чунки ўз мустақиллигини қўлга киритган ҳар қандай халқ сингари Ўзбекистон халқининг истиқболи ҳам кўп жиҳатдан унинг келажақда барпо этадиган давлатнинг қандайлиги, унинг тамойиллар асосида тузилиши ва қандай мақсадларни ўз олдига қўйишига боғлиқдир. Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг мустақилликдан кутган барча эзгу орзу – ниятлари ана шу тузилиши керак бўлган давлат ва унинг фаолигти билан чамбарчас боғлиқдир. Юртимизда истиқболи буюк ва қудратли демократик давлатни барпо этиш жамият аъзолари олдида турган асосий ва бош вазифадир. Президент И.Каримов бундай деб таъкидлаган эди: «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат, бу – мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу – инсонпарваралик қоидаларига асосланган. Миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий зътиқодларидан қатъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир» (Каримов И.А. Ўзбекистон миллӣ истиқдол, иқтисод, сиёсат, мафкура, 1 жилд).

Бу давлатнинг бош мақсади Ўзбекистондаги барча фуқароларнинг турмуш фаровонлигини, сиёсий – ижтимоий ва маънавий ҳаёт тарзини эркин танлаб олишини кафолатлайди. Шунингдек, жамиятимизда демократик бошқарувни янада ривожлантириш мақсадида халқнинг ўз –

ўзини идора қилишини кучайтириш ниятида маҳаллаларнинг ўрни ва роли ошириб борилмоқда, маҳалла йигинлари ва оқсоқомлар кенгашининг ҳуқуқлари ҳамда ваколатлари кенгайтирилди. Бу ҳолатларнинг бари эса Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш томон қўйилаёттан дастлабки одимлардир. Бу мавзу бўйича талабаларга қўйидаги режа асосида мустақил иш тайёрлашни тавсия этган булардик.

Режа:

1. Кириш.

2. Асосий қисм:

а) Демократиянинг можияти, унинг асосий белгилари ва турли мамлакатларда унинг амалга оширилиши тажрибаси.

б) Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари ҳамда жамият ва шахс масалаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс этиши.

в) Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг вужудга келиши, унинг сиёсий, ижтимоий аҳамияти.

г) Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилишининг келажак вазифалари.

3. Хуласа.

Режанинг кириш қисмида талаба мустақил ишни Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишдек шарафли, лекин масъулиятли, улкан вазифани амалга оширишга сабабчи бўлган энг олий воқеа – Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритувининг баҳо аҳамияти ҳақида бошлагани маъқул, леб ўйлаймиз.

Чунки, ҳақиқатан ҳам мустақиллик ўлкамиздаги барча соҳа ва йўналишлар буйича ислоҳотлар, ўсишлар, юксалишлар, узгаришларниң асоси ҳисобланади. Шунингдек, ишнинг кириш қисмида мустақиллиги – мизнинг дастлабки пайтларида ноқ ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга бағишлиган ислоҳотлар ўтказила бошлаганилиги ва уларнинг асоси бўлмиш – Узбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши жараёнлари ҳамда бу қомусий ҳужжатининг давлатимиз ва ҳалқимиз манфаатларига хос хусусияти, моҳияти ҳақида ҳам тұхталиб ўтиш ва шу билан кириш қисмиге якуи ясашни маслаҳат берамиз.

Режадаги 1 – масалани тайёрлашда талабалар демократия грекча сўз бўлиб, «Демос» ҳалқ, «кратос» ҳокимият, яъни ҳалқ ҳокимияти маъносини билдиришига, онгли тараққиёт даврида аҳолининг меҳнаткаш қатлами ҳар доимо демократия учун интилиб, курашиб яшаганилигига, демократия давлат қурилишининг асосий тамойили сифатида турли даврларда, турли мамлакатларда турлича тушунилганлигига зътиборни қаратишлари лозим.

Қадимда «демократия» деганда ҳалқнинг давлатни бошқариш – даги бевосита иштирок этиши тушунилган бўлса, унинг асосий белгилари сифатида тенг ҳуқуқлилик, куч ишлатиш ва зулмнинг йўқлиги, мансабларга сайлананишда адолатлилик, сайланган киши – ларнинг зиммасидаги масъулият, давлатининг муҳим масалаларини ҳалқ йигинларида бамаслаҳат ҳал этилиши тушунилган.

Юқорида қайд этилганидек, жамиятни демократик ўлчовлар асосида . қуриш учун кураш инсоният тараққиётининг дастлабки давларидан бошланиб, то бугунги

кунда ривожланған мамлакатлардаги давлат қурилиши ва бошқарувининг асосий тамойилларига айланғанингига қадар жуда күп бұхронларни, қоның курашларни босиб үтди.

Режадаги бу масалага жавоб ёзища биз талабалар зътиборини яна бир томонга қаратишни истар здик-ки, у ҳам бұлса, жамиятни демократик асосда ташкил этишда давлат роли бениҳоят катталигидир. Лекин, ҳар қандай давлат ҳам үз ички тизимида демократияни таъмин этавермайды. Демократияни таъмин этиш ёки этмаслик давлат типига, бошқарув шаклига, усулига боғлиқ. Масалан, давлат шаклари – монархия, Республика, демократик ва автократик күринишларда булиши мумкин. Монархик давлатда демократик тамойиллар мутлақо шаклланмайды ҳам, ривожланмайды ҳам. Айни вақтда, ушбу саволга жавоб тайёрлашда талаба шуны ҳам зътиборга олиши заруркін, демократик жараёнларни индивидуализм фалсафасига таянувчи, кескин инқилобий ўзгаришларга мойилроқ бұлған Farb намунаси ҳар доим ҳам Ўзбекистон шароитига мос келавермаслиги мумкин. Чунки, Шарқ фалсафаси ва ислом таълимотларини акс эттирувчи ахлоқ–одоб нормалари, ҳамжиҳатлик ғоялари ва жамоатчилик фикрларининг устуворлигига таянувчи «Шарқона демократия» қадриятлари Ўзбекистон учун күпроқ құл келишини ҳам назарда тутишга тұғри келади. Ушбу ҳолатларни таърифлаш талабадан албатта ўзига хос моҳирлик ва маҳорат талаб этади. Бу үринде талаба юртимизда биз күзлаган жамиятни барпо этишда ўзга юртлар тажрибасининг энг ижобий томонларидан фойдаланиш лозимлигига күпроқ ургу бериши керак.

Режадаги З – масалани мустақил ўрганиб, ёритишда талабалар Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга кириттач республиканинг сиёсий тизимида рўй берган жиҳдий ижобий узгаришлар, яъни ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш борасида амалга оширилган кенг кўламдаги ишларга алоҳида эътибор беришлари зарур.

Бунда талаба 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Давлат мустақиллиги ҳақида» қонунин қабул қилинганлигига, унда Ўзбекистоннинг мустақил демократик давлат сифатида тузилиши, унинг таркибий қисмлари ҳамда ҳуқуқлари ва ваколатлари баён этилганлигига, 1991 йилининг 29 декабрида эса, мустақиллик ҳақида умумхалқ референдуми ва президент сайлови ўтказилганлигига, уларнинг ижобий натижалари – га, Олий мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, суд ҳокимиятидан иборат ҳокимият органларининг тузилишига оид вазифаларнинг белгилаб берилганлигига эътибор бериши шарт. Шунингдек, мамлакатимизда президентлик бошқарувининг, унинг вилоят ва туманларида эса, ҳокимликлар ташкил этилиб, уларнинг вазифалари белгиланиб берилганлиги ва бошқа масалаларга алоҳида аҳамият беришлари керак.

Мустақил ишда истиқолол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуришга қаратилган кенг ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги, унинг далили сифатида Олий мажлиснинг суд, прокуратурда тўғрисида қабул қилинган қонуларини, икки палатали парламентни тузиш ва республиканинг конституциявий ваколатини етти йилга чўзиш тўғрисидаги ўтказилган

умумхалқ референдуми мазмуни ва натижаларини ёритиши ишнинг қимматини янада оширади.

Айни вақтда, ушбу ҳолатларни таърифлашда талаба давлатимизда кўп partiyaийлик тизими ҳақида, фаолият юргизаётган партиялар, уларнинг иш жараёнлари, мақсадлари ҳақида қисқача бўлса ҳам маълумот бериб утиши шарт, деб ҳисоблаймиз. Негаки, ҳуқуқий демократик давлат талаб ва эҳтиёжларидан бири кўп partiyaийликнинг мавжуд бўлиши эканлигини талаба унутмаслиги керак. Бу ҳолат ҳам демократиянинг бир муҳим қиррасидир. Шунингдек, савонни мустақил ўрганишда талабалар ҳуқуқий, демократик давлат бирор бир синфининг диктатурасини, айниқса давлатни бошқаришда бюрократик ҳокимиятни рад этишини таъминлайдиган сиёсатта асосланишини, ҳуқуқий демократик давлат ҳеч қандай куч ишлатмасдан, тинч ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўли билангина қурилиши мумкинлигини, айни вақтда, бу давлатда барча қонунлар амалда катта кучга эга бўлиши кераклиги қамда бу қонунлар олдида халқнинг барча қатлами teng эканлигини таъкидлаб утишлари ҳам талаб этилади.

Бу ўринда талаба, қисқа бўлса – да, Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган ички ва ташқи сиёсати, юртимиз халқларининг мустақиллик йилларидағи ҳаётидаги туб ўзгаришлар, шунингдек, турли соҳаларда жаҳон ҳамжамиятига кириб бориб, ўзига хос ўрин ва мавқега эга булаётганлигини ва булар, албатта, Ўзбекистонда барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг ижобий натижалари эканлигини ҳам баён қилиб утиши мустақил иш мазмунини янада бойитади.

Шунингдек, ушбу саволга жавоб тайёрлашда талаба бу жамиятнинг мамлакат равнақи, ҳалқ фаровонлиги ва порлок келажаги учун қандай даражада аҳамиятли эканлигини баён этиш билан саволга якун ясайди.

Режадаги 4 – масалага тайёргарлик куришда, зарур маълумотларни ўрганишда ва баён этишда ўзига хос томонлари мавжуд. Чунки талаба, мазкур саволга жавоб ёзишда ўзининг шахсий мулоҳаза, таклиф ва тавсиялари билан ҳам ўз фикрларини бериши мумкин. Бу ҳолат эса, албатта, талабани фикрлашга, ўйлашга, таҳлил этишга, қиёслашга, түгри хуроса чиқаришга ўргатадиган йири куринишидир.

Ушбу саволга жавоб тайёрлашнинг яна бир томони шундаки, бунда талаба мустақиллигимизнинг 15 йиллик тажрибаларига хуроса ясай билиши ва ўтган йиллар давомидаги ютуқ ва камчиликлардан онгли равищда қиёсий якунлар вужудга келтириши ҳамда улар асосида зарур, фойдали таклифларни ҳам баён этиши мумкин. Юқоридаги маслаҳатларга асосланган ҳолда талаба 4 – масалага ҳам мазмунли якун ясайди.

Мустақил ишнинг хуроса қисмида ҳар сафаргидек барча саволларга жавоблар умумлаштирилади. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асослари бўлмиш воқеалардан мисол ва далиллар келтириш билан мустақил ишга асосий якунни баён этади. Сўнг, албатта, фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини курсатиши керак.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқолол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1 – жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2 – жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8 – жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. Рафиқов F., Баҳодиров О. ва бошқалар. Теория и практика строительства демократического общества в Узбекистане. Курс лекций. – Т.: 2001, стр. 39 – 51.
5. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3 – китоб – Т.: Шарқ, 2000.
6. Жўраев Н., Файзуллаев Т., Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи (11 – синф) – Т.: Шарқ, 1998.
7. Каримов Ш., Турсунов И., Шамсуддинов Р. Ватан тарихи 3 – китоб. – Т.: Шарқ, 1997.
8. ЎзР. Олий Мажлиси IX сессияси материаллари. «Ўзбекистон овози» газетаси 2002, 30 – 31 август.
9. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.
10. Ўзбекистон тарихи. – Т., «Университет». 2003.

XIII Мустақил иш мавзуси:
Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий
тараққиёти

Ўтган XX асрнинг, айниқса, охирги йилларида дуне миқёсида талайгина кутилмаган сиёсий – ижтимоий иқтисодий – техникавий ўзгаришлар рўй берди – ки, улар аввалги ўтган юз йиллардан кескин фарқ қиласи. Жаҳонга мутлақ ҳокимликнинг даъвогари бўлиб чиқсан СССРдек улкан бир жамият давлат сифатида ҳам пароқандага учради ва парчаланиб кетди. Маданий услубда зўравонлик ва тазиикларга асосланган коммунистик фирмә ва унинг мафкураси бутунлай юз тубан кетди. Собиқ СССР таркибидағи иттифоқдош жумҳуриятлар, жумладан, Ўзбекистон ҳам мустақил давлат мақомини олишга бўлади.

Мустақиллик, унинг бебаҳолиги, тарихи, таъриф – тавсифи ҳақида долзарб фикрларимиз ниҳоятда кўп. Лекин биз бу фикрлардан узоқлашмаган ҳолда асосий мавзуумиз ҳақидаги фикрларга зътиборимизни қаратсак. Албатта, Ўзбекистон ҳукумати ва унда яшаётган халқларнинг олдиғидаги, зиммасидаги энг шарафли, лекин масъулиятли ҳамда заҳматли бурч ва вазифа – мустақилликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашданди иборат. Ҳусусан, бу вазиятда мамлакатни иқтисодий – сиёсий, ижтимоий – маданий, маънабий томонлардан тўғри ривожланиш йўлига солиб олиш энг муҳим аҳамият касб этади. Мавзуумиз айнан шу йўналишларнинг асосийларидан биринга, яъни мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан шу кунларгача иқтисодий соҳаларда зришган ютуқлар ва муаммолар ҳақидаги маълумотларни ёритишга бағишиланган.

Ушбу мавзуни урганиш учун 4 соат ажратылған бұлиб, талабаларга шу мавзуда мустақил иш тайёрлаш учун күйидаги режа саволларини тавсия этган бұлардик.

Режа:

1. Кириш.

2. Асосий қисм.

а) Ўзбекистон мустақиллігининг дастлабки йилларидағи иқтисодий ислоҳотлар ва ўзгаришлар.

б) Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўли.

в) «Ўзбек модели»нинг моҳияти. Кўп уқасдли иқтисодиётнинг шаклланиши. Бозор инфратузилмасининг вужудга келтирилиши.

г) Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш вазифалари.

3. Хулоса.

Аввало, талабалар шу мавзуни ёритиш учун тавсия этилган адабиётлар ва шу мавзуга доир бошқа манба ва маълумотларни яхшилаб ўзлаштириб олишлари ниҳоятда зарур. Чунки мустақилли – гимизнинг ўттан қисқа йиллари ичидә иқтисодий соҳада бир неча ўн йилларга татигулик ишлар амалга оширилди – ки, уларни ушбу мус – тақиғи ишда тартиб билан, шошмасдан баён этишга тұғри келади.

Мустақил ишнинг кириш қисміда ҳали мустақиллігимизга Эришмасимиздан аввалроқ, Президент И.Каримов томонидан Ўзбекистоннинг бозор муносабатлари йўлини қатъий танлагани ҳақидаги даъватлар, ҳаракатлар ҳақидаги маълумотлар келтирилгани маъқул. Чунки мустақиллик йилларида амалга

оширилган ва оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, уларниң ижобий натижалари асослари, пойдевори ўша дастлабки даврдан қўйилган эди. Шунингдек, кириш қисмида шуни яна алоҳида таъкидлаб угиш жонзки, Республикаизда иқтисодий ислоҳотларни утказишда тубдан янгича ёндашувни, бунда сифат жиҳатидан янги вазифалар ҳамда шароитларни, амалий тажрибани ҳисобга олишни, асосан, ўз кучига таянишини ҳаётнинг узи тақозо этмоқда эди.

Шу билар бир қаторда талаба кириш қисмида Ўзбекистон ўтмишини, ҳозирги куни ва кеалгуси тараққиётiga тұла—түкис мос келадиган мутлақо янги андоза, ўзига хос йўлни, шу жумладан, иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳам ўзига хос, янги давр талаблари даражасидаги йўли зарурлигини кенгроқ курсатиб ўтиши керак. Шундан сунг талаба кириш қисмидаги фикрларига қисқача якун ясади ва режадаги асосий қисмнинг 1 масаласига жавоб ёзишни бошлайди.

Режанинг 1—масаласи Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки даврларидағи иқтисодий ислоҳотлар ва улар асосида амалга оширилган илк ютуқлар, ўзгаришлар баёнига бағишлиланган. Талаба бу масалани ёритища күпроқ Ўзбекистон президенти ва ҳукумати томонидан иқтисодий соҳаларга таалуқли бўлган дастлабки қабул қилинган қарорлар, фармонлар, қоидаларни номма—ном келтириши ва уларнинг моқияти ҳақида қисқача бўлса ҳам тўхтаб ўтишига тўғри келади. Чунки бу қоида, қарор, фармонларнинг барни маълум бир мақсадларда қабул қилинганлиги табиийдир.

Масалан, бу ўринда талаба Ўзбекистондаги туб ислоҳотларнинг асосчиси Ислом Каримов эканлиги ва унинг

барча соҳаларда ислоҳотлар утказилиши борасидаги саъй – ҳаракатлари ҳақида қисқача тұхталиб үтиши керак. Сұнтра эса иқтисоднётни йұлға қўйишга бағищланган қўйидаги қонун – қоидалар эслатиб үтилади: 1992 йил февралда Давлат мулкни бошқариш ва ҳусусийлаштириш Давлат қўмитаси таъсис этилгани, 1991 йил ноябрیدа Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашин сессиясида «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳусусийлаштириш тұғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинши, 1994 йил январида эса «Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора – тадбирлари» тұғрисидаги фармон, «Банклар га банк фаолияти тұғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тұғрисида»ги каби иқтисодиет ривожига доир бир неча үнлаб қарор, фармонлар шулар жумласидандир.

Сунг эса талаба юқорида номлари тилга олинган қарор, қонун ва фармонлар асосида Республикамизда амалга оширилган ишлар, үзгаришлар, дастлабки ютуқлар ҳақида бир нечта мисоллар көлтириши зарур. Чунки мисолларсиз бу фикрлар шунчаки оддий гаплар бўлиб қолиши мумкин. Талаба, шунингдек, 1991 йил 12 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида Давлат Солиқ органлари ҳақида»ги қарор ва унинг изоҳи ҳақида ҳам қисқача тұхталиб үтиши жоиздир. Шундан сунг талаба 1 – масалага хулоса ясаб, 2 – масалага тайёргарлик кўриши мумкин.

Режанинг 2 – масаласи Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига үтиш йули, «Ўзбек модели»нинг моҳияти, деб аталиб, бу савол жавобларига бир оз күпроқ тұхталиш талаб этилади. Чунки бу саволда мавзу маъносининг энг муҳим томонлари ёритилади. Талаба ушбу масалани ёритища.

аввало, бозор муносабатлари еки бозор иқтисодиёти деган тушунчалари кенг, аниқ изоҳ бериши лозим. Бу ўринда унинг икки хил йўналиши ёки тури мавжудлиги, яъни биринчиси, тартибсиз, стихияли ривожланувчи бозор иқтисодиёти ва иккинчиси, тартибга солинган, бошқариладиган бозор иқтисодиёти эканлигига таъриф бериб ўтилиши мустақил иш мазмун-моҳиятини янада бойитади.

Шунингдек, талаба бозор иқтисодиёти ҳозирги кунда дунёда иқтисодиётнинг бош шаклига айланганини ҳам таъкидлаб ўтиб, унинг кўринишлари, муҳим сифат белгилари ҳамда хусусиятларини баён этиб бериши керак. Бу белгиларни талаба «Ўзбекистон тарихи» (11 – синф) китобининг 187 – 188 бетларидан ўзлаштириши мумкин. Шу ўринда ҳудудимизда бозор муносабатлари қадимдан шаклланиб келганилиги ва салкам З минг йиллик тарихга эга бўлган дунё миқёсидағи Буюк савдо (ипак) йўли йўналишлари ҳам қадимдан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан ниҳоятда гавжум шаклда ўтганлигини талаба фахр билан тилга олиб ўтиши муҳим аҳамиятта эга.

Шундан сўнг Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишининг ўз йўли ишлаб чиқилганлиги ҳақида фикр биладириб, унинг асосий қоидалари И.Каримовнинг «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишининг ўзиға хос йўли» номли асарида ва бошқа ҳукумат ҳужжатлари ҳамда қабул қилинган қонунларда баён этиб берилганлигини кўрсатиб ўтиши керак. Талаба яна шуни қўшимча қилиши керак – ки ҳудудимизда аввалги тузумдан мерос бўлиб қолган муаммолар, иллатлар, бошқарувнинг маъмурий – буйруқбозлик услуби, директив режалаштириш, издан чиқсан молиявий ҳолат, нарх –

шаво тизими, үғрилик, зине, пораҳурлик каби қатор иллатлар маълум вақтгача асосий мақсадларимизни амалга оширишда, тұғри йұлға солиб олиңда тузиқ булып туриши мүмкінлігини ҳам назарда тутишимиз кераклігини эслатып үтиши зарур, деб ҳисоблаймыз.

Ушбу масаланы ёритишнинг яна бир мұхим томони шунда – ки, талаба Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига үтиши йұлда алохыда үринга зға бұлған 5 та тамойил ҳақида маҳсус тұхталиб үтиши зарур. Бу үринде И.Каримов томонидан ишлаб чиқылған тамойиллар нафақат ресpubликамызда, балки халқаро жамоатчылық томонидан ҳам маңызулланғанлігини таъкидлаш билан бир қаторда, 5 та тамойилнинг ҳар бирига аниқ изоҳ беріб үтиш зарур, деб ҳисоблаймыз. Чунки 5 та тамойилнинг мақсад, мазмун – моҳияти барчага маълум ва тушуныралы булыши шартдир.

Режанинг 2 – масаласыда, шунингдек, талаба иқтисодий ислоҳотлар стратегияси ва ҳуқуқий асослари яратилишига ҳам зәтибор бериши ажамиятлайдир. Бу үринде талаба иқтисодий ислоҳотларнинг асоси бұлмиш 6 та йұналишдан иборат вазифаларни баён этиб бериши керак. (Ўзбекистон тарихи (11 – синф) 192 – 193 бетлар). Шунингдек, иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йұналишларини назарий жиҳатдан асослаб берилгандырылады да, 7 та йұналишини (уша китоб, 193 – 194 бетлар) күрсатып үтиш мұхимдир.

Айни вақтда талаба иқтисодий ислоҳотлар жараёнини давлат – ҳуқуқий жиҳатдан бошқаришининг яхлит тизими таркиб тоғанлігини ҳам таъкидлар экан, Президент ҳузурида маҳсус иқтисодий ислоҳот гадбиркорлық ва чет зерттеу инвестициялары бүйіча идоралараро кенгаш түзилгандырылады.

айтиб утиши лозим. Шунингдек, иқтисодий соҳага доир бўлган 100 дан ортиқ қонунлар қабул қилинганилиги ва шулар асосида 5 та йўналиш вужудга келтирилганилиги ҳамда улар мазмунининг баён этиб берилиши масала мазмунининг тўлиқ ёритилишида алоҳида уринга эга. Шундан сунг талаба 2 – масалага якуний фикрлар билдириши мумкин.

Мустақил иш режасининг 3 – саволига, яъни, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш масаласига келгандა, аввало, фикрларни унинг асоси бўлмиш мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларидан бошлаш аҳамиятлидир. 1992 йилда тузилган ва 1994 йилда такомиллаштирилган Давлат қўмитаси зиммасида ана шу вазифалар турарди.

Талаба хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳукуқий асосини вужудга келтириш мақсадида Олий Мажлис таркибида янги иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш Қўмитаси тузилганилиги ва унинг фаолияти ҳақидаги маълумотлар таърифини баён этиши керак.

Талаба ушбу масалада 1994 йил охирларигача қандай натижаларга эришилганини рақамлар билан аниқ кўрсатиши керак. Дастлаб кичик корхона ва ташкилотлар, квартиralар ва бошқалар, кейинги босқичда эса йирик корхоналарниң давлат тасарруфидан чиқарилиши рақамли натижалар билан кўрсатиб утилиши зарур. Бу ишларнинг қулай ва фойдали, имтиёзли томонларини ҳам изоҳлаб бериш керак. Давлат мулкини хусусий – лаштириш натижасида мамлакатимизда кўп укладли иқтисодиёт ва ўрта мулқдорлар синфи вужудга келад

бошлаганини кенгроқ баён этиб берилса, ишнинг моҳияти янада аниқ кўринади.

Шу ўринда талаба юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш Республика Палатаси ва унинг жойлардаги бўлимлари фаолиятини, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш маркази тузилганини кенгроқ баён этиши керак. Талаба ушбу йуналишлар буйича ўтган йиллар давомида эришилган ютуқлар, натижаларни рақамлар ёрдамида изоҳлаб бериши мақсадга мувофиқ. Сўнг талаба шу саволнинг давоми бўлмиш бозор инфратузилмасини шакллантиришга доир маълумотлар баёнига ўтади.

Аввал бозор инфратузилмаси тушунчасини оддий, содда тарзда изоҳлаб бериш керак ва шу қаторда ушбу жараён ҳам бирданига амалга оширилмаслигини таъкидлаш жоиз. Бу ўринда республика иқтисодиётида давлат буюртмаси ўрнини маҳсулотларни зеркун нархларда харид қилиш ҳолатлари эгалланганлиги, биржа тизимлари, кўчмас мулк, кредит ресурслари, акциядорлик жамиятлари, меҳнат биржалари, шунингдек янги валюта (сўм) жорий этилиши, айни вақтда солиқ сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар, Солиқ кўмитаси фаолиятини конунлар билан мустаҳкамлаб бориш ва шу каби ислоҳотлар бозор инфратузилмаси вужудга келишига асос бўлганлигини талаба аниқ мисоллар ва рақамлар билан баён этиши лозим.

Шундан сўнг 3-масала жавобларига хulosалар ясаш керак ва режанинг 4-масаласига жавоб тайёрлашга ўтиш мумкин. Мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни янада тукурлаштиришнинг ўзига хос мақсад ва вазифалари мавжудлиги табиийдир. Талаба ана шулар ҳақида фикр

бидиңрар экан. Әнг мұхым томонларидан бири бұлғын – Үзбекистон ҳам бошқа ривожланған мамлакаттар қаторига жағон ҳамжамияти таркибиға фаол құшилишіга астайды қаралат қилаёттани, күплаб соқалар буйича үз маҳсулотларини импортта чиқарыш лаёқатига, құдратига зәға булып бораёттани ҳақидағы ҳолатларни назарда тутиши керак.

Шу урында, талаба мустақиллік йилларида Үзбекистонда барпо этилган завод – фабрика – комбинаттар, ишлаб чиқарыш корхоналари, шуннингдек, мамлакат қишлоқ хұжалигіда вужудға келған иқтисодий технологиялар, хорижликлар билан қурилған неча – неча үнлаб құшма корхоналар, жумладан юртимизда автомобиль ишлаб чиқарышнинг кенг йүлға құйылған ҳақида қисқача бўлса ҳам тұхталиб үтиши мақсадга мувофиқдир. Улар фаолиятини янада чуқурлаштириши, такомиллаштириш вазифалари эса давлатимизни халқаро йирик иқтисодий бирлашмалар, ташкилоттар таркибиға киришиңга, ҳозирги кунда бир неча үнлаб давлатлар билан түрли соқаларда савдо муаммолари йўлга құйылишиға асос бўлиб бораётганинни талаба кенроқ ёритишга қаралат қилиши керак. Ана шу фикрлардан сұнг талаба 4 – савол жавобларини якунлаши мүмкін.

Шундан сұнг режанинг хulosаса қисмида талаба ҳар түрт саволга берилған жавоблардан келиб чиқсан ҳолда, уларни умумлаштиради ва айни вақтда мамлакатимиз иқтисодиеттің сұнгти йилларда зришилған ютуқларға қисқача тұхталиб мустақил ишга хотима бериши мүмкін бўлади.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Үзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йулида.–Т.: «Ўзбекистон», 1995.

2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий ва иқтиқодий истиқболининг асосий тамойиллари. Асарлар. III жилд – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
4. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратамиз. Асарлар. VII жилд – Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
6. Ўзбекистон мустақиллик йилларида. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Ўзбекистон Республикаси. Қисқача справочник. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов Ш., Турсунов И., Шамсуддинов Р. Ватан тарихи, III китоб. – Т.: Шарқ, 1997.
9. Ўзбекистон тарихи. – Т.: «Университет», 2003.
10. Ўзбекистон тарихи. 11 – синф учун. – Т.: Шарқ, 2000.
11. Ўзбекистоннинг янги тарихи. III жилд. – Т.: Шарқ, 2000.

ХІV Мустақил иш мавзуси:
Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг маънавий –
маданий тараққиёти

Ўзбекистон Президеигти И.Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли» китобида «Ўзбекистоннинг миллий – маданий жиҳатдан фоят ранг – баранглиги, миллий ўзлигини англаш ва маънавий қайта тиклашниң кучайиб бориши билан узвий бирликни, жамиятни янгилаш, уни очиқ жамиятга айлантириш учун қудратли омила бўлиб хизмат қиласди ва республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш учун қулай шароитларни вужудга келтиради», деб кўрсатган эди.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ижтимоий – сиёсий ҳаётида маънавий янгиланиш жараёнини амалга оширмасдан мустақилликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш учун халқни сафарбар ғилиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Мустақилликкинг ўтган йиллари давомида маънавий соҳада юз берган ўзгаришларнинг энг муҳими, халқнинг узоқ йиллар мобайнида тутплаган тарихий, маънавий – маданий меросига зътиборнинг кучайиши ҳамда тикланиши бўлди. Маданий мерос, олис ўтмишни ўрганмасдан туриб истиқболни белгилаб бўлмайди, албатта. Айни вақтда бу фикрлар маънавий покланишни амалга ошириш ҳам деганидир. Яъни, Шуролар даври ғоялари, маънавияти сарқитларидан, миллий мустақиллик талабларига зид ҳолатлардан бутунлай воз кечиб, Ўзбекистон мустақиллигининг талаб ва эҳтиёжларига, халқимиз манфаатлари ва келажакни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи маънавият ва маданиятимизни рўй – рост юксакка кўтариш.

ривожлантириш данри келди. Шу мақсадлардан келиб чиқсан ҳолда, биз ушбу мустақил иш мавзуини ҳам мустақилликнинг утган, ўтаётган йилларида юртимизда маънавий – маданий йўналишларда қандай ўзгаришлар, ютуқларга эришилганини имкон даражада ёритишга бағишлишга жазм этдик. Мустақил ишни тайёрлаётган талабалар зътиборига қуйидаги иш режасини ҳамда фойдаланиш мумкин булган адабиётларни тавсия этмоқчимиз. Талаба режа саволларига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига ҳам эгадир.

Режя:

1. Кириш. Маънавият ва маданият тушунчалари, унинг инсон ҳаётидаги муҳим ўрни.
2. Асосий қисм.
 - а) Мустақиллик йилларида миллий урф – одатлар, диний қадриятлар борасидаги ўзгаришлар.
 - б) Маданий ҳаётдаги эришилган ютуқлар, ўзгаришлар.
 - в) Илм – фан, таълим – тарбия, ижоднинг равнақи.
3. Хулоса.

Ҳар сафаргидек, талаба ушбу мавзууга доир материал ва маълумотлар билан синчиклаб, чуқур танишиб чиқиши ва аниқ тушунчаларга эга бўлиши лозим ва шундан кейингина мустақил ишни тайёрлашни бошлиши мумкин.

Режанинг кириш қисмида, аввало, талаба маънавият ва маданият тушунчаларини тушунарли, содда услубда изоҳлаб бериши талаб этилади. Чунки бу икки сўзнинг мазмун – маъноси, турмушимизнинг ажралмас таркибий қисми эканлиги батафсил тушунтириб берилмаса, уларнинг

бебаҳолиги, қадри пасайиши мумкин. Дарҳақиқат, бой маънавиятсиз буюк давлат қуриб бўлмаслиги барча онгли инсонларга аёйдир. Шунингдек, маданият тушунчасига таъриф беришда талаба, бу сўз инсонга зарур бўлган барча ижобий хусусиятларни узида мужассам этганлиги ҳамда маданият ва маънавиятга интилиш, руҳ ва онг одамзоттагина хос эканлигини қисқача баён этиши мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда маданиятнинг ўзи ҳам иккига бўлинниши, яъни моддий маданият ва маънавий маданият тушунчалари ҳақида ҳам бир оз тұхталиб ўтилиши аҳамиятлидир. Хуллас, кириш қисмида, юқорида тавсия этилган ҳолатлар баён этилганда: сўнг, талаба режадаги асосий қисм саволларига жавоб беришга тайёргарлик кўриши мумкин.

1 – масала юртимизда маънавий қадриятлар, анъаналар ҳамда миллий ўзлигини англашнинг тикланиши жараёнларини ёритишга багишлиланган бўлиб, талаба ушбу хусусиятларнинг, аввало, инсон ҳаётидаги ўрни, уларнинг вужудга келиш ҳолатлари ҳақида қисқача тұхталиб, сўнг шуролар даврида юртимизда миллий қадриятлар, анъаналарга бўлган муносабат, чеклашлар ҳақида фикр билдиришига тұғри келади.

Шунингдек, мустақил ишда талаба аввалги даврда барча миллий анъаналар, қадриятларда уша давр ҳукмрон мафкураси бўлмиш коммунистик ғоя манфаатлари талабларига мос келиши. Биринчи навбатда уни тараннум этиши керак бўлганлигини ва бу ҳолатлар эса ўзлигимизни англашга, миллийликка ниҳоятда зид бўлганлигини, албатта, мисоллар билан таърифлаб бериши керак. Айни вақтда ушбу кўринишлар таърифидан сўнг, мустақиллигимиз шарофати билан ўзлигимизни англашга, ўтишда топталган ва қадрсизланган бир неча юз йиллик

шонли тарихга эга бўлган анъана ва қадриятларимизни тиклашга ҳамда ривожлантиришига кенг имкониятлар вужудга қелганлигини баён этиб бериш керак.

Талаба 1 – масалага жавоб ёзишда қадриятлар, анъаналар таркибиға нималар кириши ҳақида, бу тушунчалар ўзи нима маънога эга эканлигини, кейин эса улар халқимиз ҳаётидаги қувончлар, ташвишлар, меҳнат, орзу – ҳаваслар, қаҳрамонликлар ва бошқа ҳолатлар нифодасининг муҳим воситаси эканлигини тушунтириб беришга ҳаракат қилиши керак. Жумладан, талаба инсон ўзлигини англамай туриб, чуқур ҳис этмай туриб ҳеч қачон асосий мақсадларига ета олмаслиги ҳақидаги фикрларни ҳам айтиб ўтиши керак. Юқоридағи фикрларни талаба оддий, тушунарли услугуда баён этиб бергандан сўнг 1 – масалага якун ясади ва режадаги 2 – масалани ёритишга тайёргарлик кўриши мумкин.

Режадаги 2 – масала мустақиллик йилларида диний қадриятлар моҳиятига тұғри муносабатларнинг ҳамда миллий урф – одатларнинг такомиллашуви ҳақидаги маълумотларни баён этишга багишлианды.

Талаба, аввало, анъана, урф – одатлар ўзи нима, бу тушунчалар бир – бири билан узвий бօғлиқ, лекин ҳар бири алоҳида мазмун – моҳиятига эга бўлган қадриятлар эканлигини изоҳлаб беришга ҳаракат қилиши керак. Масалан, анъана ўз табиати, хусусияти ва ҳарактерига кўра кенг қамровлидир. Дунёдаги барча миллат ва злат ўз анъаналарига эга бўлади. Анъаналарда ижтимоий ҳаёт ҳодисаларининг ҳамма қирралари, белгилари, хусусиятлари мужассамлашган бўлади.

Урф – одат тушунчаси эса анъана тушунчасидан ҳажм ва мазмун жиҳатдан бир оз кичиқроқ маънода бўлади. Урф – одат

кишилар турмушни, аҳлоқий ва оиласи мунисабатларининг ифодалашига хос бўлиб, у илм-фан, адабиёт, санъат каби ижтимоий ҳодисаларни қамраб олмайди. Талаба ана шулар ҳақида бироз тўхталангандан сўнг, мустақиллигимизнинг ўтган ва ўтаётган йилларида бу йўналишдаги ўзгаришларга изоҳ беришга ўтиши мумкин. Турли хил байрамларнинг тикланиши ва янгилигининг жорий ва таъсис этилиши, масалан, кўп минг йиллик тарихга эга бўлган «Наврӯз», «Меҳржон» каби қатор иирик байрамлар қадр – қимматининг тикланиши ва муентазам нишонланишининг йўлга қўйилиши, шунингдек, касбий байрамларнинг вужудга келиши, яъни ўқитувчи ва мураббийлар куни, хотира ва қадрлаш кунлари ёки ҳар бир йилни ўзига хос ном билан, яъни, "Оила йили", "Қарияларни зъзозлаш йили" ёки "Обод маҳалла йили" каби номлар билан белгилаш ва шу йўналишда улкан ишлар амалга оширилиши жараёнларни талаба бир неча мисоллар билан баён этиб бериши керак. Шунингдек, «Ҳосил байрами», «Лола сайли» каби тадбирлар, маҳаллаларда сумалак, ҳалим каби қадимдан тайёрланиб келаётган таомлар пиширилиб ўтказиладиган тадбирларни таърифлашни ҳам талаба ишда зътибордан қолдирмаслиги керак.

Юқоридағиларни баён этиш билан бирга талаба диний мунисабатларга, бу йўналишдаги ўзгаришларга алоҳида тухталиб ўтиши зарур. Бу уринда, талаба шуролар ҳукмронлиги даврида динга, хусусан, Ислом динига, унинг мазмун – моҳиятига бутунлай нотўғри, таҳқирона мунисабатда бўлинганини қисқача айтиб ўтиши керак. Сунгра мустақиллик шарофати билан динимизнинг мазмунни, қадр – қимматига ижобий ёндашувлар – нинг тикланганлигини алдоҳида ургу бериб таърифлаб

беради. Бу уринда талаба мустақиллик йилларида ислом динининг муқаддас китоблари бўлмиш Қуръони Карим ва ҳадислар тўплами таржимаси ва унинг одоб – аҳлоқ нормаларидан иборат мазмун – моҳиятидан халқимизнинг барча қатламлари баҳраманд этилганлиги, ҳамда дин эркинлигининг конституция қонунлари билан мустаҳкамлан – ганлигини, албатта, таъкидлаб утиши керак. Жумладан, Рамазон ҳайити ва Курбон ҳайитлари ҳар йили дам олиш куни ва байрам деб эълон қилиниши ҳам ушбу йилларда диний қадриятларимизнинг тикланганлигига яқол мисол бўлганлигини, диний мадрасалар, Ислом Университети фаолияти ҳақида ҳам маълумот берилishi зарур, деб ҳисоблаймиз. Сўнгра талаба 2 – савол жавобларига хотима ясаши мумкин ва режанинг 3 – саволига жавоб беришга тайёргарлик кўриши керак.

3 – масалада мустақиллик йилларида юртимиэда халқимизнинг маданий ҳаётида эришилган ютуқлар, ўзгаришлар ҳақида маълумотлар баён этилиши керак. Бизга маълумки, маданият тушунчаси кенг маънода қўлланилиб, жамиятнинг ишлаб чиқаришда, ижтимоий ва маънавий ҳаётда эришган ютуқлари мажмунини, шунингдек, ўқимишлилик, таълим – тарбия кўрганлилик, зиёлилик ва маърифатлилик хусусиятлари йигиндинсини ҳам англатади.

Талаба бу уринда маданиятнинг 2 турга – моддий ва маънавийга бўлиннишига бироз изоҳ берib утиши керак. Масалан, моддий маданиятта меҳнат қуроллари, уй – жой бинолари, кундалик турмуш буюмлари, кийим – кечак, транспорт, умуман инсон томонидан яратилган, кўзга кўриниб турган нарсаларга айтилса, маънавий маданият эса ақлан ва маънан яратилан соҳалар – билим, аҳлоқ, таълим – тарбия, ҳуқуқ,

фалсафа, нафосат, санъат, адабиёт, фольклор, асотирлар, дин ва шу кабиларни уз таркибига олиши баён этиб берилishi лозим. Шундан сўнг талаба мустақиллигимиз йилларида Ўзбекистонда маданият соҳасидаги ютуқлар, маданий меросни тиклашга доир маълумотлар баёнига утади.

Бу ўринда 1991 йилда А.Навоий таваллудининг 550 йиллиги тадбири ва унинг шоҳ асарларини алоҳида – алоҳида бир неча минг нусхада нашр этилиши, А.Навоий номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши, А.Навоий ҳиёбонининг вужудга келиши, 1994 йилда Эса Улугбек иили деб эълон қилиниши ва ҳалқаро миқёсда унинг 600 йиллик таваллудининг нишонланиши ҳамда ҳар йили Ўзбекистонда Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий, Фурқат, Фитрат, Чулпон, А.Қодирий, Усмон Носир кунлари ўтказилишининг анъянага айланиб қолганлиги ҳақида батафсил фикр билдириш керак. Шунингдек, талаба 1994 йил апреда Республика «Маънавият ва маърифат» марказини ташкил этиш ҳақидағи Президент Фармони ва унинг моҳияти ҳақида ҳам изоҳ бериб ўтиши аҳамиятта молиқдир. Бу ўринда юртимизда Амир Темур сиймосининг тикланиши, унинг Ватанимиз тарихидаги, жумладан, давлатчилигимиз тарихидаги ўрни ҳақида тұхталиб ўтиш билан бирга унга аatab юртимизнинг күптина ҳудумларида ўрнатылған маданият ёдгорлайлари, ҳайкаллари ҳамда Амир Темур ва Темурнйлар даври музейші каби қурилған тарихий обидалар ҳақида ҳам зарур маълумотлар ёритилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Темур таваллудининг 660 йиллигини ҳалқаро миқёсда Париж шаҳрида нишонланиши ҳамда бу масалага ЮНЕСКОнинг муносабати ҳақида фахр билан тұхталиб ўтишни талабага тавсия этардик.

Айни вақтда ислом оламининг юртимиздан етишиб чиққан забардаст олимлари Имом Исмоил Ал – Бухорий, Баҳоуддин Нақшбандий, Ҳожа Аҳорори Валий кабиларнинг таваллуд юбилейларининг кенг нишонланиши ва улар асарларининг чоп этилиши билан бирга хоклари қўйилган жойларда йирик зиёратгоҳлар барпо этилганлиги ҳақида талаба, албатта, батафсил баён қилиши керак.

Шунингдек, ушбу масалани ёритишда, миллий истиқлол гояси тушунчаси ва уни жамият ривожидаги ўрнига бир озгина тұхталиб ўтилса, айни муддао бўларди. Лекин, бу мавзу ҳақида алоҳида мустақил иш тайёрлаш режалаштирилган. Маданият ютуқлари ҳақида ёритилганда, талаба унинг таркибий қисми бўлган санъат соҳасидаги ютуқлар, ўзгаришларга ҳам ўз зътиборини қаратиши керак. Бу ўринда эса, «Ўзбекистон – Ватаним маним» республика кўрик танловининг мунтазам ўтказиш таъсис этилиши ва унинг аҳамияти ҳақида И.Каримовнинг 1995 йилдаги «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришини қўллаб – қувватлаш ва рағбатлантириш тўғрисида» ҳамда 1996 йил 31 декабрдаги «Республикада мусиқий таълим, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида»ги Фармонларга изоҳ берib, Ўзбекистон маданияти вакилларининг кўпгина хорижий мамлакатларга сафарлари ҳақида ҳам бир оз фикрлар билдирилиши керак, деб уйлаймиз. Сўнгра ушбу саволни якунлаб, ишнинг 4 – саволини ёритишга ўтилиши мумкин.

Талаба ишнинг 4 – саволида маданият йуналишининг муҳим соҳаларидан бўлмиш илм – фан, таълим – тарбия ҳамда ижоддаги ўзгаришлар, бажарилган амалий ишлар ҳақидаги маълумотларни баён этади. Талаба илм – фан ютуқлари ҳақидаги баёнида давлатимизда бир нечта академияларнинг

таъсис этилиши ва уларнинг фаолияти ҳақида, янги ташкил этилган олийгоҳлар (масалан, Ислом университети ва ҳ.к.) ҳақида, шунингдек, республикамизда илм – фаннинг янада ривожи учун олимлар, тадқиқотчилар, кашфиётчи – ихтироочилар ижоди учун кенг имкониятлар вужудга келтирилганлиги ҳақида қисқача тұхталиб үтади.

Сұнг эса таълим – тарбия соҳасида амалга оширилған катта үзгаришларни ёритар экан, барча ишлар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим ҳақида»ги Қонуни асосида амалга оширилаётганилигига ургу берилади. Қонунга күра, ёшларимизни кенг билимли ва жаҳон аңдозалари талаблари даражасида үқитиш ва тарбиялаш учун чора ва тадбирлар белгиланғанлигини талаба алоҳида далиллар билан күрсатып үтиши керак. Жумладан, «Умид», «Истеъдод», «Улутбек», «Камолот» жамғармаларининг мақсад ва мөхиятини ҳам бир оз ёритиш керак. Айни вақтда хорижда күплаб ёшларимизнинг билим олаётганилиги ҳам зътибордан четда қолмаслиги керак.

Юқоридағилар баёнидан сұнг ижоднинг равнақи, эришилған ютуқлар ҳақидағи маълумотларга тұхталиб, талаба бу масалада мустақиллік даври ижоди ҳам зеркін, ҳеч қандай тазийекесиз рўй бераётганилигини таъкидлаб үтиши керак. Бу ҳолатда, талаба үтмишда номлари қораланиб келған М. Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Тавалло, Чұлпон, Отажон Хошим, Абдулла Қодирий каби халқ фарзандарининг асарларини нашрдан чиқарилиши, шунингдек, ислом дүнёси олимларининг асарлари билан ҳам халқимизнинг яқындан танишириб бориши, йирик – йирик тарихий асарлар, дарсلىклар вужудга келганилиги ҳақидағи маълумотларни асоси рационалда, кенг ёритиб бериши зарур. Мустақил ишнинг хуласа қисмида эса барча юқорида баён этилғанлардан келиб чиқсан ҳолда фикрлар умумлаштирилади

Яна бир бор амалга оширилган амалий ишлар Мустақил Ўзбекистоннинг ривожи ва равнақи учун хизмат қилишіга мүлжалланғанлиги таъкидлаб үтилади. Сүнг эса талаба мустақил ишни якунлаши мүмкін.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Истиқолол ва маданият. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Оллоҳ калбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Иброҳимов И., Султонов Ҳ., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. – Т.: Ўқитувчи, 1999.
5. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
6. Ўзбекистон мустақиллик йилларида. – Т.: 1996.
7. Жўраев Н., Файзуллаев Т., Усмонов Қ.. Ўзбекистон тарихи (11 – синф). – Т.: Шарқ, 1998.
8. Каримов Ш., Турсунов И., Шамсуддинов Р. Ватан тарихи. III жилд. – Т.: Шарқ, 1997.
9. Ўзбекистоннинг янги тарихи. III жилд. – Т.: Шарқ, 2000.
10. Асадов Бойман. Ёшлар ва қадриятлар. – Т.: Истиқолол, 2002.
11. Ўзбекистон тарихи. – Т.: «Университет», 2003.

XV Мустақил иш мавзуси: Ўзбекистоннинг миллий истиқдол гояси ва мафкураси

Ўзбекистон истиқдолга эришгач, унинг дастлабки кунларидан бошлаб, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалари каби маънавий – мафкуравий соҳада ҳам катта ўзгаришлар рўй бера бошлади.

Негаки олдимизга қўйган устувор вазифаларни ҳал этиш кўп жиҳатдан айнан миллий гоя ва миллий истиқдол мафкурасини яратишимиизга боғлиқ эди.

И.Каримов бир неча бор таъкидлаганидек, ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайгурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий гоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшаши ҳам мумкин эмас. Мафкура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса инсон ўз йўлини йўқотиши мүккабрар. Бошқача қилиб айттанда, ҳалқимизнинг келажаги энг, аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига, миллий онгининг ижобий кучига боғлиқ.

Шу боис бутунги кунда ҳалқимизнинг барча қатламлари, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод онтига миллий истиқдол гояси ва мафкурасини сингдириш, шу асосда маънавий жиҳатдан мукаммал инсонни тарбиялаш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифалардан бири сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, биз талабаларга «Ўзбекистоннинг миллий истиқдол гояси ва мафкураси» мавзунин мустақил урганиш ва у бўйича мустақил иш (реферат ёки илмий маъруза) тайёрлаш юзасидан ўзимизнинг айrim кўрсатмаларимиз, маслаҳатларимиз, йўл – йўриқ ва

мулоҳазаларимизни билдиришга ҳаракат қилиб, талабаларға ушбу мавзуди қуидаги режа асосида ўрганишини тавсия қилдик.

Режа:

1. Кириш.

2. Асосий қисм.

а) Миллий ғоя ва мағкура ҳақида түшүнчә.

б) Мустақиллик ва маънавият.

в) Миллий истиқол мағкураси – жамият тараққиётининг асоси.

3. Хуоса.

Режанинг кириш қисмida талаба асосий фикрларни миллий истиқол ғояси ҳақида маълумотлардан бошлар экан, аввало, мағкуралар, ғоялар ҳам ўзининг күп минг йиллик тарихига эга эканлыги ва улар барча ўттан даврларда, босқичларда ўзига хос кўринишда – турлича бўлганлиги ҳақида қисқача тұхталиб ўтиш керак. Масалан, инсон тараққиётининг илк даврларидағы тотемизм, анимизм, фетишизм ҳақида ёки тараққиётнинг кейинги босқичларида шаклланган хиндуизм, иудаизм, монизм, дуализм, плюрализм, идеализм, материализм каби диний, фалсафий оқимлар ёки мағкуралар ҳақида қисқача маълумот берилишини маслаҳат берардик. Чунки мағкуранинг ўзига хос тарихи ҳақида бир оз тұхталиб, кейин бошқа масалалар тұгристыда баён этишга үтилса, мустақил иш мазмуни, моҳияти, маъносининг ечими осонлашади.

Режадаги биринчи масалани ёритишида талаба инсоният тарихи ғоялар кураши тарихидан иборат эканлигини, ғоя инсон тафаккури маҳсулі бўлиб, у бунёдкор ва вайронкор

ғоялардан иборатлигини, унинг турли хил шаклари ва кўрининишларга эталигини, бунёдкор ғоя инсон ва жамият ҳётига маъно – мазмун бахш этадиган, уни зизу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмун эканлигини курсатиб ўтишга алоҳида аҳамият бериш керак бўлади. Вайронкор ғоя эса, буларнинг аксиdir.

Мафкура миллий ғоядан фарқли улароқ, муайян ижтимоий гурӯҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, ҳалқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари мақсад – муддаолари, манфаатлари, орзу – интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизими, яъни миллатни бирлаштирадиган байроқ эканлигига зътиборни қаратмоқ лозим.

Мафкура маънавият таркибиغا кирадиган тушунчадир. У маънавиятта нисбатан торроқ тушунча бўлса – да, доимо сиёсий, фалсафий ва юридик тизимлар қулида қурол бўлгани учун ўзида реал куч имкониятларини жамлайди ва маънавиятта тез таъсир курсатиш хусусиятига зга. Бошқача айттанда, мафкура ҳар қандай жамият ҳётида зарур. Мафкура бўлмаса, юқорида таъкидлаганимиздек, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади.

Мазкур масалани ёритишида, шунингдек, мафкура, муайян жамиятдаги сиёсий, ҳуқуқий, аҳлоқий, диний, бадиий, фалсафий қарашлар ва ижтимоий тузум инъикоси бўлиб, ижтимоий борлиқ заминида вужудга келиши ҳамда жамиятни, унинг соғлом кучларини олий мақсад сари олға бошлайдиган вазифани бажаришини ҳам алоҳида курсатиб ўтиш зарур.

Режадаги 2 – масалани ёритишида Ўзбекистон мустақилликка эришгач ҳалқимиз ўз миллий бойлигига ёр ости ва устиладиги

бойликлари, моддий – маънавий қадриятларига) абадул – абад эга бўлганлиги, мамлакатда кўп йиллар давомида хукмронлик қилиб келган мафкуравий яккаҳоқимлик тутатилиб, кўп партиявийлик ва гоялар хилма – хиллигига кенг имкониятлар яратилгани, умумбашарий қадриятлар устуворлиги, инсон эркинлиги масалалари кун тартибига энг долзарб масалалар сифатида қўйилганлигига алоҳида эътибор бериш зарур.

Ўзбекистонда миллий мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг И.Каримов раҳвамолигида бозор муносабатларига утишга қаратилган ўзбек модели ишлаб чиқилиб, шу асосда жамиятнинг ҳамма соҳаларини қайта қуриш ва янгълашга қаратилган кенг қамровли стратегик мақсад ва вазифалар белгилаб олинди ҳамда уларни босқичма – босқич амалга ошириш бошланди. Белгилаб олинган бу мақсад ва вазифаларда маънавий масалаларга ҳам энг долзарб ижтимоий масала сифатида катта эътибор берилди.

Барча онгли инсон шуни яхши тушунадики, маънавий қашшоқлик мавжуд бўлган жойда албатта бойликка хирс қўйиш, инсонлар ўртасидаги муносабатларда меҳр – оқибатсизлик, мансабпарастлик, порахурлик ва бошқа талайгина салбий кўринишлар илдиз отиши ва бу жамият таназзулга юз тутиши аниқ. Ва аксинча, маънавий етук инсонлар сафи ортиб борган сари эса, жамиятда покланиш, юксалиш, тараққиёт ривожланиб боради. Шунинг учун мустақилликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни, миллий истиқлол мафкурасини вужудга келтиришни юксак маънавиятсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Талабалар режадаги бу масалани мустақил үрганища Ислом Каримовнинг XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси

Олий Кенгашининг X сессиясида (1992 йил 2–3 июл) сўзлаган нутқида маънавият масалаларига ҳам жиаддий муносабатда бўлиш кераклиги тўғрисидаги кўрсатмаларига алоҳида аҳамият беришлари керак. Чунки бозор муносабатларига утиш маънавият масаласига, мамлакат аҳолисининг маънавий даражаси ҳолатига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бу масалага катта эътибор берила бошланди.

Режадаги «Мустақиллик ва маънавият» масаласини ўрганишда талаба, энг аввало, бугунги кунда дунёнинг мафкуравий манзараси қандай эканлиги, яъни мафкуравий курашлар кескин тус олгани, мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ва Марказий Осиё мингақасида кечётган мафкуравий жараёнларни мазмун моҳиятини билиб олиши зарур. Бундан ташқарини, Ислом Каримовнинг одамларнинг моддий эҳтиёжларини таъминлаш билан баробар уларнинг маънавий қиёфаларини унумаслик, маънавият инсон, халк, жамият, давлатнинг куч – қудрати эканлиги, у йўқ жойда ҳеч қачон ривожланиш, баҳт – саодат бўлмаслиги тўғрисидаги хуоса ва кўрсатмаларига алоҳида аҳамият бермоқликлари керак.

Бундан ташқари, режадаги мазкур масалани мустақил ўрганишда миллий мафкуранинг мазмун-моҳияти қандай, у ўзида нималарни мужассамлаштириши, қандай талабларга жавоб бериши ва, ниҳоят, мафкуранинг қарор топишсида қандай хавфли иллатлар тусиқ бўлиши мумкинлиги каби саволлар атрофида ҳам мулоҳаза юритилиши зарур.

Бу уринда талаба миллий истиқбол мафкурасининг зарур таркибиий қисмлари ҳақида бир оз тўхталиб утишини маслаҳат берамиз, яъни, масалан, уни аввало тарихимизни

билиш, мутафаккир аждодларимиз қолдирган моддий – маънавий бебаҳо меросдан яхши хабардор бўлиш, миллий онг ва тушунча, миллий расм – русумлар, удумлар, урф – одатлар, одоб ва аҳлоқ маданияти ва нормалари, илм – билимни эгаллаш, дин, тарбия, эстетика ва бошқа шу кабилардан ташкил топишини ва ана шу билим ва кўриниш – ҳолатларни ўзида мужассамлаштирган одамгина маънавий баркамол бўлиши мумкинлигини таъкиддаш керак.

Шу ўринда талаба Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси ўз моҳиятига кура халқимизнинг асосий мақсад – муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир – бири билан боғлайдиган, асрий орзу – истакларини амалга оширишга хизмат қиласидиган ғоялар тизимидан иборат эканлигини тушуниб етиш муҳим аҳамиятта эга эканлигига ҳам алоҳида зътибор бериши керак.

Бундан ташқари, мавзуни мустақил ўрганишда ушбу мафкура қандай умуминсоний қадриятлар, демократик тамойилларга асосланади, нималардан озиқланади, унинг бош мақсади нима, умуман, қандай мақсадларга хизмат қиласи, деган саволларга ҳам жавоб излаш зарур. Бу борада биз талабаларга И.Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига ҳамда «Фидокор» газетаси мухбири саволларига берган жавобларини ўқиб ўрганишни тавсия қиласиз. Шунингдек, талабага миллий истиқлол мафкураси вужудга келишининг дунёвий ва диний илдизлари, асосларининг мавжудлиги ҳамда ҳудудимизда етишиб чиқкан дунёвий ва диний билимлар мутафаккирлари асарларининг ушбу масаладаги ўрни ва ролини қисқача курсатиб ўтишни ҳам маслаҳат берардик.

Шу билан бирга миллий истиқдол мафкурасининг асосманбалари, нималардан озиқланишини кўрсатиб ўтиш билан бирга, бу мафкуранинг аввалигি тоталитар тузум даври мафкурасидан кескин фарқларини ҳамда унинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдаги улкан вазифалар ҳам кўрсатиб ўтилади.

Юқоридағи фикрлар аниқ, батафсил баён этилгандан сўнгтина З – масала жавобига якун ясаш мумкин.

Ишнинг хуроса қисмида эса талаба шакланаётган миллий истиқдол гояси мафкурасининг бугунги кун учун қеъдай аҳамият касб этаёттанилиги борасида ҳамда ушбу мафкуранинг Ўзбекистонимизнинг ривожи ва юксалиши ҳамда жаҳон ҳамжамиятида тобора эътибор топишидаги ўрни ва роли ошиб бораёттанилиги ҳақида фикр ва мулоҳазаларини умумлаштириб бериши мақсадга мувофиқдир.

Шундан сўнг ушбу мустақил иш ниҳоясига етади.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий юстиқлол, иқтисод сиёсат, мафкура. 1 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. – Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси – халқни – халқ, миллатни – миллат қилинішіга хизмат этсін. «Тафаккур» журнали бош мұхаррири саволларига жавоблар. – Т.: 1998.
6. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ зәтиқоди ва буюк келажақса ишончдір. «Фидокор» газетаси мұхбири саволларига жавоблар. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон қеч кимға қарам бұлмайди. Т.: «Ўзбекистон», 2005.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йилліги тантанасыдағы нутқ. 2005, 8 декабр. «Халқ, сүзи» газетаси.
9. Маънавият юлдузлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидағы нашриёт, 1999.
10. Миллий истиқлол ғояси: Асосий түшпунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. Маҳмудов Тилаб. Мустақиллік ва маънавият. – Т.: Шарқ, 2000.
12. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3 жилд. – Т.: Шарқ, 2000.
13. Шодиев Н., Фофуров З., Сиддиқов Б. Мафкура ва миллий ғоя. – Т.: Тошкент Дағлат техника университети, 1999.
14. Юсупов Эркин. Истиқлол йұлда. – Т.: Фан – Рухафзо, 1996.
15. Ўзбекистон тарихи. – Т.: «Университет», 2003.

ҲОЖИАКБАР ҲАМИДОВ
ИСМОИЛ ШОДМОНҚУЛОВ
ФАЙЗУЛЛО ЭРНАЗАРОВ

«ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ»

фанидан талабалар мустақил ишини
ташкил этиш юзасидан услубий құлланма

Босишига рухсат этілді.....2007 й. Бічими 60x84 ^{1/16}.
«Times New Roman» шрифтінде терілді. Босма табогы 10.
Нашриёт хисоб табогы 96. Адади 300. Буюртма №. 50.
Бағоси шартнома асосида.

«ТДИУ» ишариети, Тошкент ш., Ўзбекистон күласи, 49-үй.
Шартнома № 50.

